

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АРХИТЕКТУРА МУҲИТЛАРИ ДИЗАЙНИ КАФЕДРАСИ

**Бородина Марина Ростиславовна
Зуфарова Камила Рустамовна**

БАДИИЙ ИЖОДНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**5150900 - «дизайн» йўналиши бўйича
олий ўқув юртлари талабалари учун**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент 2013й

Муаллифлар: проф.Бородина М.Р., асс.Зуфарова К.Р.
Ўқув қўлланма. (142 - бет, ТАҚИ 2013.)

Ушбу ўқув қўлланма замонавий талабларни, маъруза мавзулари ва мустақил ишлар бўлимини ўз ичига олади. Бу қўлланмада тасвирий санъатни ҳис қилишга тегишли бўлган жараёнларни яққол мисоллар билан, яъни рассомнинг тасвирий тилидаги фалсафий асослари ва уларни яратиш тамойилларини жуда қизиқ ва мазмунли ёритилган.

Данное учебно пособие составлено с учетом современных требований, касающихся написания учебно-методических пособий. Учебно-методическое пособие содержит разделы тем лекционных и самостоятельных работ. Раздел учебного пособия, касающийся процессов восприятия изобразительного искусства особенно интересен, т.к. содержит примеры конкретных произведений, принципов их создания и философские основы изобразительного языка художника.

This educational and methodical manual is made in accordance with modern requirements for writing of educational and methodical manuals. The educational and methodical manual contains sections of subjects, lecture and independent works. This educational manual section, concerning perception processes of arts is especially interesting, because it contains examples of concrete works, the principles of their creation and philosophical bases of artist's graphic language.

Такризчилар:

1. Дмитриева И.В - ТДТУ “Дизайн” кафедраси мудири, доцент, архитектура номзоди.
2. Махмудов В.М - “Архитектуравий лойихалаш” кафедраси доценти., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ушбу турдаги олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилган.

СЎЗ БОШИ

Бошқа фанларни ўрганиш каби, бадиий ижоднинг замонавий технологияларини ўрганиш, билиш, маълумот олиш учун аҳамияти бор. Биз бадиий ижодни ўрганиб, воқеъликнинг ғоят катта ва сифат жиҳатдан ўзига хос соҳаси,- психик ҳаёт соҳаси ҳақида билим оламиз. Одам психикаси тарихан қандай ривожланган, ҳар бир одам туғилиш пайтидан тортиб унинг онги қайси шарт-шароитларга қараб таракқий этади, характер қандай вужудга келади, одамнинг қобилиятлари қандай шаклланади - илмий-ижодий тадқиқотлари ана шу саволларимизга жавоб беради.

Одам теварак-атрофдаги дунёни қандай идрок этади, у қандай эсида қолдиради, қандай эсга туширади ва фикр юритади, у қандай ҳисларни кўнглидан кечиради, одам теварак-атрофдаги дунёни ўз эҳтиёжларига мослаштириб, янги моддий ва маънавий бойликларни вужудга келтириб, қандай иш кўриши – бадиий ижодни ўрганиш билан ана шу масалаларни билиб оламиз.

Архитектура муҳитларини моделлаш ва ҳис қилиш саволларини кўриб чиқишда, яъни бадиий фазовийликни ҳис қилиш ролини кўз олдимизга келтиришда дизайнер-архитекторни соҳавий фаолиятида қандай мазмунан жиҳатга эга бўлса, шундай терминалогик урғу беришда катта рол ўйнайди.

Кўриш қобилияти ролини сездирмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бадиий фазовийликнинг психологик мазмунинини кўриш тассуроти билан солиштириш мумкин эмас. Замонавий психологияни ҳис қилиш предметларини ёки инсон онгида пайдо бўладиган қийин жараёнларни акс этилиши, бевосита инсоннинг сезиш органи билан ажратилади. Ҳис қилиш бир қатор алоҳида хусусиятларга эга, уларга предметлар, яхлитлийлик, тизимлик, контраст ва мазмунан керакли хусусият билан таъкидланади.

Бадиий фазовийликни қабул қилишда, яъни инсонларнинг ҳаёт фаолиятида сунъий муҳитни яратишда кўришни формал тартибда баҳолаш керак эмас, уларни ўзаро функционал жараёнлар билан инсон кундалик

эҳтиёжлари билан баҳолаш тўғридир.

Бадий ижоднинг санъатдаги аҳамиятини ҳам кўрсатиб ўтмоқ керак. Ҳар бир санъаткор (артист, муסיқачи, рассом ва шунга ўхшашлар) кишиларга – томошабинларга, тингловчиларга ўз ижоди билан таъсир кўрсатишни мақсад қилиб қўяди. Бунинг учун эса одамнинг қандай идрок қилишини, қандай фикрлашини ва қандай ҳис қилишини билмоқ керак. Санъат арбоби образ яратиш устида ишлайди, шу образнинг бирор бадий восита билан гавдалантиради. Бунинг учун санъаткор образни қандай элементлардан қай тариқа яратилишини билиши керак. У ижодий фаолият психологиясини билиши шарт.

Психологияни билиш кундалик турмуш учун ҳам фойдали. Ҳар ким доимо бошқа кишилар ўртасида бўлади, муайян муносабатлар – таниш-билишлик, ошна-дўстлик ва бошқа шу кабилар туфайли бошқа кишилар билан алоқа қилади. Ҳар биримизга бошқа кишиларнинг характер, ҳавас, кайфиятларини билиб олишга, кишиларнинг бир-бирини ажратишга ва уларга таъсир кўрсатишга тўғри келади.

Бу ерда шуни айтиш керакки, одамзод фаолиятининг турли соҳаларида психологик билимларнинг амалда қўлланиш психик ҳаёт ҳодисалари, уни қонуниятлари, ҳақидаги билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш ва ойдинлаштириш учун ҳам кўп материал беради ва шу билан психологияни назарий соҳаларини бойитади.

Маълумки, ёш авлоднинг ақлий тараққиётида, уни ахлоқий ва эстетик жиҳатидан тарбиялашда бадий адабиёт жуда катта аҳамиятга эгадир. Бундаги педагогик-психологик муаммолар, албатта, асосан бадийликни идрок қилиш масалалари, адабий образларни идрок қилиш ва тушуниш масалаларидир. Бу муаммоларни ҳал қилиш ҳам таълим ва тарбия психологиясининг вазифасини ташкил қилади. Бадий ижоднинг бошқа турлари сингари юксак ғоявийлик билан ажралиб турадиган, халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланган адабиётгина тарбиявий таъсир кўрсатиши мумкин.

Лекин кишилар бадий ижод асарларини идрок қилибгина қолмасдан, шунинг билан бирга ижодкор шахслар томонидан шу асарлар қай тарзда яратилиши билан ҳам қизиқадилар. Шунинг учун ҳам психологлар олдида адабий (ва умуман бадий) ижодни ўрганиш соҳасида жиддий вазифалар туради.

Психологларнинг бадий ижодни ўрганиш соҳасидаги вазифаси аввало адабий ижодга бўлган истисно ва талант ҳақидаги, шунингдек, ижодий фаолиятни характерлаб берувчи махсус қобилиятлар ҳақидаги масалаларни ўрганишдан иборатдир.

Бадий тафаккур ҳақидаги, асосий, унинг тушунча ва ғояларни образлар орқали очиб берувчи, гавдалантириб амалга оширувчи хусусиятлари ҳақидаги масалалар, шунингдек образнинг ички маъносини очиб берувчи тафаккур хусусиятлари жуда қизиқарлидир.

Илмий текширишларда, бадий ижод жараёнида, хусусан, бадий образлар яратишда ҳаёл фаолияти ва эмоцияларнинг роли ҳақидаги масалалар катта ўрин олмоғи керак.

Фан учун баъзи ижодий масалаларни ҳал қилишда учрайдиган интуиция ҳодисалари ҳақидаги масалалар қизиқарлидир. Ижод жараёнларидаги ижодий илҳом ва илҳом ҳолатида «ғайри ихтиёрий» ижод ҳақидаги масалалар шу билан боғланган.

Бу соҳада яна шунинг учун ҳам ишлар олиб бормоқ керакки, ижод масаласи идеалистик психологияда кўпинча тушунтириш мумкин бўлмаган, айрим зотларгагина хос бўлган алоҳида бир ҳодиса деб нотўғри қаралади. Кўпинча ижодий жараёндаги меҳнатнинг роли инкор қилинади, янгилик яратиш ихтиёрсиз ёки бўлмаса аллақандай онг иштироксиз ишнинг натижасида рўй беради деб ҳисобланарди. Материалистик психология ижод ва унинг тараққий этган шакллари катта онгли ишнинг якунидир, деган фикрга таянади.

Психологиянинг вазифаси бадий ижод жараёнларини ўрганишнинг махсус методларини ҳам ишлаб чиқишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам

иждо психологиясини ўрганишда муаллиф ўзининг иждо қилиш жараёнини тасвирлаган адабий асарларнинг мазмунига эътибор бермоқ зарур.

Бадиий иждо психологияси масалаларини ўрганиш ва ҳал қилишдан ёлғиз фан эгаларигина манфаатдор бўлмасдан, буни ўрганиш фақат бадиий асарнинг кишиларга мақсадга мувофиқ равишда энг яхши таъсир қилиш йўлларини аниқлаш манфаати билангина эмас, балки иждокор шахсларнинг, айниқса ёш санъаткорларнинг манфаатдор бўлиши билан ҳам тақозо қилинади. Иждодий фаолиятдаги муваффақиятсизлик, асарлардаги нуқсонлар кўпинча психологияни яхши билмасликдан, кишиларнинг руҳий ҳаётини ўрганиш методларидан фойдалана олмасликдан келиб чиқади.

А.А.Сурков шундай деган: «Аллақачонлардан бери маълумки, инсон–адабиётнинг асосий объекти. Биз Горькийнинг адабиётни инсоншунослик деб таърифлаганини яхши биламиз. Лекин амалда, сўнгги йилларда чиққан ва ҳатто китобхонлар диққатига сазовор бўлган кўпчилик бадиий асарларда ҳам худди инсон характери жуда бўш ишлаб чиқилган, кўп ҳолларда, муаллифлар у ёки бу долзарб муаммога унча-мунча ўрин берсалар ҳам, бу муаммонини ҳал қилаётган кишиларнинг ўзини эса ҳамма вақт ҳам таъсирли қилиб кўрсатавермайдилар.

Ҳар бир иждокорнинг вазифаси ўз қаҳрамонларининг ички руҳий дунёсини очиб бериш, уларнинг интилишлари, характерини тасвирлаш, улар ҳулқининг ички мотивларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бунинг учун эса иждокор психологияни пухта билиши, инсон психикасини ўрганиш методларини эгаллаган бўлиши керак. Фақат шундагина у инсон руҳини, инсон онгини ҳақиқатан ҳам шакллантира олади, ўзининг талант кучи билан кишиларга таъсир қила билади, кишини, иждокор мақсадига мувофиқ фикрлата ва ҳис қилдира олади.

Иждодий фаолиятнинг бошқа соҳаларида: рассомлик, мусиқа, ҳайкалтарошлик, шунингдек техникавий кашфиётчилик соҳасида ҳам психология олдида шунинг сингари вазифалар туради.

Эътиборингизга тақдим этилаётган ўқув қўлланма архитектура муҳитларида, дизайн соҳасидаги энг асосий ўрганувчи фан сифатида ва концептуал ва образли фикрлашда катта ёрдам беради. Маъруза мавзулари ва мустақил ишлар шу фандан дарс берувчи ўқитувчиларнинг кўп йиллик тажрибалари асосида ишлаб чиқилган.

Талабаларнинг бадиий ҳис қилиш соҳаларидаги образли фикрлаш хусусиятлари ва топшириқларга ижодий ёндошиш муаллифликдаги асосий йўналишдан бири деб ҳисобланади.

ПСИХОЛОГИЯ НИМАДАН БАҲС ЭТАДИ.

Психология воқеликнинг алоҳида бир соҳаси бўлган, психик (ёки руҳий) ҳаёт соҳасини ўрганади. Ҳар кимга маълум ҳодисалар – сезгиларимиз, идрок, тасаввурларимиз, фикр, ҳис, интилишларимиз ва шунга ўхшашлар психика ҳодисалари жумласидандир. Шахснинг психик ёки индивидуал хусусиятлари деб аталадиган хусусиятлар: одамнинг темпераменти (мижози), характери (феъл-атвори), қобилият, эҳтиёж, майл ва ҳаваслари ҳам психика соҳасига киради.

Психик (руҳий) ҳодисаларнинг бутун мажмуи одатда **психика** деган бир сўз билан аталади.

Психик ҳаёт ҳодисалари жуда ҳилма-ҳил, аммо бир-бири билан ўзаро боғланган бўлади. Психологиянинг вазифаси ана шу боғланиш ва муносабатларнинг қонуниятларини очиб беришдир. Психик ҳодисалар ва бутун психика ривожланиб келган ва ривожланмоқда. Шу сабабли, психология психиканинг тараққиёт қонуниятларини очиб бериши керак.

Психология фанининг маълумотларидан амалий мақсадда ва аввало таълим-тарбия ишида, шунингдек, ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил этиш ва санъат ва шунга ўхшаш соҳаларда фойдаланмоқ учун психиканинг тараққиёт қонуниятларини билиш керак.

Шундай қилиб психология психик ҳаёт соҳалари ёки, қисқача қилиб айтганда, **психикадан** баҳс этади.

Психология энг қадимий фанлардан бўлиб, бундан 2,5 минг йилга илгари жон ҳақидаги таълимот сифатида вужудга келган. VII-V асрларда ўтган қадимги грек философларининг асарларидаёқ кишининг жонли ва руҳий ҳаёти тўғрисида жуда кўп ҳилма-ҳил фикрлар баён қилинганлигини кўрамиз. Бу масалалар қадимги Хитой ва қадимги Хинд мутафаккирларининг муҳокамаларида ҳам катта ўрин тутади.

Узоқ вақтгача психология мустақил фан бўлмай, философия таркибига кириб келган. Алоҳида илмий фан маъносидagi «психология» термини ҳам йўқ эди. Бу термин XVI аср охирида пайдо бўлиб, XVIII аср ўрталаридан бошлаб ҳамма ишлатадиган бўлиб қолди. Психология XVIII асрнинг охирида ва XIX асрнинг бошларидагина мустақил фан бўлиб шаклланади.

Қадимги замонлардан то бизнинг замонимизгача психология соҳасида идеализм билан материализм ўртасида кураш бўлиб келди. Психологиядаги бу кураш ҳамиша синфий курашнинг инъикоси бўлиб келди. Психика, онг нима деган масала, шу билан бирга, одам организмида психик жараёнлар билан физиологик жараёнлар ўртасидаги муносабат масаласи ҳам шу курашда марказий ўринни эгаллаб келди.

Психик ҳодисалар ҳақида сўзлашганимизда эса сифат жиҳатдан бошқача, ўзига хос равишда акс этишини назарда тутмоғимиз керак. Бу акс эттириш сезгиларда, хотирада, тафаккурда ва бошқа шу кабиларда ўз ифодасини топади.

Инсоннинг акс эттириш жараёни ўз моҳияти ва характери жиҳатидан 2-босқичдан иборатдир. 1) Ҳиссий (акс эттириш) билиш бўлиб, у сезиш, ҳиссий қабул қилиш, хотира ва тасаввурлардан иборатдир. 2) Ақлий билиш босқичи бўлиб, у тафаккурдан иборатдир. Ҳиссий билишнинг бошланғич шакли - сезгидир. Чунки ҳиссий билишнинг бошқа шакллари – ҳиссий қабул қилиш сезгига нисбатан анча мураккаб бўлиб, у сезиш асосида вужудга келади. Ҳиссий қабул қилишнинг сезишдан фарқи шундаки, унда предметларнинг айрим ҳоссаларни эмас, балки предмет бир бутун ҳолда акс этади. Ҳиссий билишнинг яна бир шакли тасаввурдир.

Инсоннинг билиш жараёни ҳиссий билиш билангина чекланмайди. Ҳиссий билиш ёки жонли кузатиш инсон билишининг пастки босқичида вужудга келади, бу босқич асосида ижтимоий меҳнат жараёнида иккинчи юқори босқич – ақлий билиш, тафаккур пайдо бўлади. Ҳиссий билиш орқали объектив реалликдан олинган «материаллар»ни қайта ишлаш, уларни муносабатлари, ички хусусиятларини аниқлаш, муҳим ва асосий томонларини номуҳимларидан ажратиб олиш, уларнинг қонуниятларини очиш ақлий билиш ва тафаккурда амалга оширилади.

Одам билан унинг теварак-атрофидаги олам ўртасида доимо ўзаро бир-бирига таъсир қилиш жараёни бўлиб туради. Одам бу процессда дунёни ўз психикаси билан акс эттиради. Шу билан бирга, воқеълик одам онгида кўзгудаги каби пассив равишда акс этмай, балки актив равишда акс этади: одам теварак-атрофдаги олам билан ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатар экан, шу жараёнда оламга таъсир этади, уни ўзгартиради ва уни ўз эҳтиёжларига мослаштиради.

Психология фани психикани ўрганар экан, уни юксак даражада ташкил топган материянинг объектив воқеъликни акс эттиришдан иборат бўлган алоҳида ҳоссаси деб билади. Материянинг бу ҳоссаси материянинг бошқа ҳоссаларидан сифат жиҳатдан фарқ қилади ва материя тараққиётининг фақат муайян босқичида вужудга келади.

ПСИХИК ҲОДИСАЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Психик ҳаёт турли-туман ҳодисаларда намоён бўлади. Психик ҳаёт ҳодисаларида психик жараёнлар, психик маҳсуллар ва психик ҳолатлар ажратилади.

Психик жараён – психик ҳодисанинг қонуний, кетма-кет ўзгариши, унинг бир стадия ёки фазодан иккинчи стадия ёки фазога ўтишдир.

Психик маҳсуллар – психик жараёнларнинг натижасидир. Буларга сезги ва идрокларнинг образлари, тасаввурлар, муҳокамалар, тушунчалар шаклидаги субъектив психик масуллар киради.

Ёқимли ва ёқимсиз туйғулар, тинчлик-фаросат, хаяжонланиш ва маъюсланиш, уйғоқлик ва уйқу ҳолатлари, дадиллик ва тараддудланиб қолиш ҳолатларини бошдан кечириш ҳолатларга киради.

Хилма-хил психик ҳодисаларни: билиш, эмоционал соҳа (ҳиссиёт соҳаси) ва ирода соҳаси деб учга бўлиш қадимдан бор. Одам онги фаолиятида зоҳир бўладиган ана шу турлар психик функциялар деб аталади. Билиш ҳодисалари бошқача аклий, интеллектуал жараёнлар деб аталади. Сезгилар, идрок, хотира, хаёл, тафаккур ва нутқ – билиш жараёнларидир.

Сезгилар – муайян пайтда сезги органларимизга: кўрув, эшитув, туйиш, хид билиш ва бошқа шу каби органларимизга таъсир этиб турган нарсалардаги айрим ҳоссаларнинг акс этишидир. Масалан, қизил, оқни, ширин, аччиқни, оғир, енгилни сезамиз.

Идрок - Теварак-атрофимиздаги нарсаларнинг яхлит ҳолда акс этишидир. Масалан, уй, гул, нутқ, музыка ва бошқа шу кабиларни идрок этамиз. Нарсалар сезгилар асосида идрок этилади. Сезги ва идрок – теварак-атрофимиздаги нарса ва ҳодисалар ҳамда улардаги хилма-хил ҳоссаларнинг миямиздаги образларидир.

Хотира. Нарса ва ҳодисалар ҳамда улардаги ҳоссаларнинг сезги ва идрок орқали ҳосил бўлган образлари ном - нишонсиз йўқолиб кетмайди - улар миямизда ўрнашиб, сақланиб қолади ва қулай шароитда яна эсимизга тушади. Илгари идрок этилган нарсаларнинг эсимизга туширилган образлари тасаввурлар деб аталади. Сезги ва идрок каби, кўнглимиздан кечган фикр, ҳисларимиз ва қилган ишларимиз ҳам мияга ўрнашиб, сақланиб қолади ва яна эсимизга тушади. Идрок этилган ва кўнгилдан кечган нарсаларнинг миямизга ўрнашиб (эсимизда қолиб), сақланиши ва яна эсимизга тушишидан иборат бўлган ана шу психик фаолият хотира деб аталади.

Хаёл. Нарса ва ҳодисаларнинг идрок орқали миямизда ҳосил бўладиган образлардан ташқари, ўзимиз бевосита идрок этмаган нарсалар ҳақидаги тасаввурлар ҳам миямиздан катта жой олади. Масалан, ибтидоий одамнинг ҳаёт шароити ҳақидаги тасаввурларимиз, Марсдаги ҳаёт ҳақидаги

тасаввуримиз ва шунга ўхшашлар ана шундайдир. Бу тасаввурлар хотирамизда бор тасаввурлар асосида хаёлда (фантазияда) ҳосил бўлади.

Т а ф а к к у р . Идрок ва тасаввурларимизда акс этадиган нарса тафаккурда таққосланади, таҳлил қилинади ва умумийлаштирилади. Тафаккур - воқеъликнинг умумийлаштирилган бевосита ва энг тўлиқ ҳамда энг аниқ интиқосидир. Тафаккур жараёнларидаги фикрлар – муҳокама ва тушунчалар тушунилади ва вужудга келади. Одам фикрлаш фаолияти туфайли воқеъликнинг идрок ва тасаввурларидагига қараганда аниқроқ, тўлароқ ва чуқурроқ билиб олади.

Н у т қ. Тафаккур нутққа чамбарчас боғлиқ. Фикрларимиз – нутқ ёрдами билан шаклланади ва ифодаланади. Кишилар нутқ воситасида алоқа қилар эканлар, фикрларини бир-бирлари билан ўртоқлашадилар; одамнинг ҳиссиёти ва интилишлари ҳам нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ – кишиларнинг тил воситаси билан алоқа қилиш усулидир.

Д и қ қ а т. Юқорида кўрсатилган психик жараёнларнинг ҳаммаси одамда диққат мавжуд бўлгандагина юзага чиқади. Диққат – онгимизнинг ўзимиз идрок этаётган, тасаввур қилаётган, фикр юритилаётган ва айтаётган нарсамизга қаратиш, бир нуқтага тўплаш демакдир. Диққат ўзига алоҳида билиш жараёни эмас, балки билиш жараёнларнинг актив бориши ва сифатли бўлиши учун зарур шартдир, холос.

Баъзи психологлар (масалан Г.А.Фортунатов) диққатни психик ҳолатларга қўшадилар. Аммо, диққат онг фаоллигининг ўзига алоҳида бир кўриниши эканлигини кейинроқ яққол англашилади. Шу сабабли диққатни ирода соҳасига ҳам қўшиш мумкин.

Одамнинг идрок қилаётган, тасаввур этаётган, фикр юритаётган нарсасига ва қилаётган ишига нисбатан кўнглидан кечаётган ҳар хил ёқимли ва ёқимсиз, хуш ёки нохуш туйғулар эмоционал соҳага (ёки ҳиссиёт соҳасига) киради.

Биз дилимизда хуш ёки нохуш туйғу хис қиламиз, дўстлик, ватанга муҳаббат ҳис қиламиз, уруш оловини ёқувчиларга қарши ғазаб хис қиламиз.

Одамнинг эмоционал туйғулари доимо унинг эҳтиёж ва манфаатлари билан боғлиқ бўлади. Одамнинг идрок қилаётган, тасаввур этаётган ва фикр юритаётган нарсасига ва қилаётган ишига ижобий ёки салбий муносабати хиссиётда ўз ифодасини топади. Эмоциялар ҳам жараён, ҳам ҳолат бўлади.

Психик фаолиятнинг юксак кўриниши, яъни ниятимизга (олдиндан ўйлаган мақсадимизга) етмоқ учун шу мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини камраб олиб, шунингдек, учрайдиган қийинчиликларни бартараф қилишда ғайрат кўрсатиб қилинадиган фаолият ирода соҳасига киради.

Ихтиёрий (ирода билан бўладиган) фаолиятни ихтиёрсиз (ироладан ташқари бўладиган) фаолиятдан ажратиш керак. Ихтиёрсиз фаолият ҳаётимиздан ташқари ва англаб, билиб ғайрат кўрсатмасдан туриб юзага чиқади. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз фаолият диққат эътиборда ва иш-ҳаракатда кўринади. Шу сабабли ихтиёрсиз диққат билан ихтиёрий диққат, ихтиёрсиз ҳаракатлар билан ихтиёрий (ирода билан бўладиган) ҳаракатлар фарқ қилинади.

Психологик ҳодисалар субъектив кечинмалар акс этиладиган нарса ва ҳодисаларнинг миямиздаги образлари шаклида рўй беради. Аммо, барча субъектив психик ҳодисалар сиртда, организмизнинг хилма-хил ўзгариш ва ҳаракатида: мимика, имо-ишора, нутқ пантомимикада ўз ифодасини топади.

Одамнинг психик ҳаёти организм ҳаракатларида ўз ифодасини топади, шу ҳаракатлар йигиндиси эса хулқ-атвор деб аталади.

Одам психикасининг барча томонлари, инсон хулқ-атворининг турли-туман ҳамма хусусиятлари асосан фаолиятида намоён бўлади. Одам фаолиятининг асосий турлари: ўйин (болалик даврида), таълим ва меҳнатдир. Фаолиятнинг барча турларида одам ўз атрофидаги воқеъеликнинг идрок этади, бир нимани эслаб қолади ёки эсига туширади, фикрлайди, ҳар-хил хисларни кўнглидан кечиради, ўз фаоллигини намоён қилади.

Бу ерда кўрсатилган хилма-хил психик ҳодисалар бир-биридан ажралган ҳолда содир бўлмайди. Шу тариқа, психик ҳолатлар ва психик

маҳсуллар психик жараёнлар билан чамбарчас боғланган бўлиб, одатда шу жараёнлар таркибига киради.

Психик ҳолатлар рўй берадиган психик жараёнларнинг ўзига хос фони ҳисобланади. Бу ҳолатлар психик жараёнларга таъсир этади, уларни тезлатади, кучайтиради ёки тормозлайди, сусайтиради.

Мустаҳкамланган психик маҳсуллар мураккаброқ жараёнларнинг рўй бериши учун асос - материал ҳисобланади. Масалан, хаёл, тафаккур жараёнлари тасаввур ва хотира асосида воқеъ бўлади ва ҳоказо. Худди шунингдек, айрим ақлий, эмоцианал ва иродавий жараёнлар бир-бири билан боғланмаган ҳолда рўй бермайди.

Одамнинг психик ҳаётини қандайдир бирламчи элементларининг ёки айрим психик жараёнларнинг, яъни сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ ва шу кабиларнинг анчайин йиғиндиси деб ўйлаш ярамайди. Ҳар бир психик процесс бошқа жараёнлар билан чамбарчас боғланган ҳолда содир бўлади. Масалан, сезгисиз идрок этиб бўлмайди, идрок эса хотира, тафаккур жараёнларига, нутқ, диққат, ҳиссиёт ва иродага боғлиқ бўлади. Хотира ва хаёл жараёнлари тафаккур, нутқ, ҳиссиёт ва ирода жараёнларига боғлиқ. Тафаккур идрок билан хотира асосида рўй беради ва нутқ билан чамбарчас боғланган бўлади. Нутқнинг ўзи ҳам тафаккурсиз бўла олмайди.

Психик ҳаётни ўрганишда айрим психик жараёнларни бошқа психик жараёнлардан ажратиб текширишга тўғри келади. Ўрганишни осонлаштирмақ учун сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ ва бошқа шу каби жараёнларни алоҳида-алоҳида текширамыз. Аммо ҳар бир психик процессни ўрганганда шу процесснинг, масалан, хотира, хаёл, тафаккурнинг бошқа жараёнлар билан боғланган ҳолда рўй беришини кўрсатиб ўтамыз.

Психика бир бутун яхлит бир нарсадир. Психиканинг бу бирлиги ва яхлитлигига сабаб аввало шуки, бош мия фаолияти бир бутун ва яхлитдир.

Психик ҳаётнинг ҳамма томонлари: ақл, ҳис ва ирода шахснинг фаолиятда намоён бўлади. Шахс оламни билади, шахс турли ҳисларни дилдан кечиради

ва шу шахс иш-ҳаракат қилади. Психик фаолиятнинг барча айрим турлари ягона онг функцияси-шахснинг функциясидир.

Психологлар кўпчилиги **психик функциялар** терминини ўрнига **психик жараёнлар** терминини ишлатади. Аммо психик функциялар терминидан фойдаланган маъқулроқ. Функция тушунчасининг мазмуни кенгроқ. Бу тушунча психик процессни ҳам, психик ҳолатни ҳам, фаолликни ҳам, иш-ҳаракатини ҳам ўз ичига олади. Функция қандай бўлмасин яхлит бир нарсанинг қисми эмас, балки намоён бўлиши, амал қилиши демакдир. Шунинг учун сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ, диққат, ҳислар, ирода – психика қисмлари эмас, ўзаро ёнма-ён рўй берувчи жараёнлар эмас, балки бир бутун онгнинг функциялари – бир бутун шахснинг функцияларидир.

ПСИХОЛОГИЯ МЕТОДЛАРИ

Психологияда текшириладиган психик ҳаёт ҳодисалари жуда хилма-хил ва мураккаб ҳодисалардир. Бу ҳодисалар қандай методлар билан, яъни қайси йўллар билан, қандай усуллар билан текширилади, деган савол туғилади.

Психологияда чинаккам илмий билимга эга бўлмоқ учун психикани текшириш методларини билиш ва шу методлардан фойдалана билиш керак. Ҳар бир педагог кишилар психикасини текшириш учун лоақал энг оддий усулларни билиши лозим.

Ҳар бир фан қаби психология ҳам психик (рухий) ҳаёт ҳодисаларини чинаккамига илмий асосда билиб олиш учун қуйидаги талабларига амал қилиш лозим: Текшириладиган ҳар бир психик ҳодисага бошқа ҳодисалар билан боғланган деб қаралиши зарур. Масалан, психик ҳодисанинг унинг нерв физиологик асосдан ажратиб ўрганиш ярамайди, хотирани тафаккур, диққат ва умуман шахсдан ажратиб ўрганиш ярамайди ва ҳоказо.

Ҳар бир психик ҳодиса ва умуман шахс вужудга келиш, тараққий этиш ва ўзгариш жараёнида кўздан кечирилиши зарур. Психик ҳаёт ҳодисаларнинг

уларнинг тараққиёт жараёнидан ўрганганда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишини ва бир сифат ҳолатининг иккинчи сифат ҳолатига ўтишини кўздан кечирмоқ керак. Масалан, одам психикасининг тараққий этишини ўргана туриб, билим олиш ва тўплаш жараёнида одамнинг билиш қобилиятлари: хотираси, тафаккури ва нутқи, мушоҳадакорлиги сифат жиҳатидан ўзгаришни кўрсатиб берса бўлади. Одам онги унинг тарихий тараққиётида шаклланади. Ҳозирги мустақиллик шароитида миллий онгнинг шаклланишига тааллуқли умумий илмий қонуниятларни излаш, янги тафаккур қилиш ва дунёқарашни шакллантириш миллий мафкура ва миллий ғояни шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Одамнинг теварак атрофдаги воқеъликни билиши кузатишдан, тажрибадан бошланади. Шу сабабли, илмий психология ҳам ўз мавзуини ўрганишни тажрибадан, психик ҳаёт фактларини аниқлаш, тасвир этиш ва таҳлил қилишдан бошлаши лозим. Сўнгра, аниқланган ва таҳлил қилинган фактлар асосида, психик ҳаёт қонуниятларини очиқ, тегишли назарий ва амалий хулосалар чиқарилиши лозим.

Ҳар бир фандаги каби психологияда ҳам тажриба, кузатиш шаклида қўлланилади. Кузатишдан ташқари, илмий текширишнинг бошқа маҳсус методлари: суҳбат методи, биография методи, солиштирма тарихий метод ва бошқа методлар ҳам қўлланилади.

Кузатиш методи.

Психик ҳодисалар ҳаётда, яъни табиий шароитда, одамнинг турли-туман фаолиятида қандай кўринишда воқе бўлса, ўша кўринишда кузатиш методининг ёрдами билан ўрганилади.

Ташқи кузатиш.

Психик ҳаёт ҳодисаларини ўрганишда аввало ташқи кузатиш методи тадбиқ этилади.

Кузатишнинг асосий хусусияти шундаки, бу метод ёрдами билан психик ҳаётни сезги органларимиз бевосита сеза оладиган, ўзимиз бевосита идрок қила оладиган фактлари аниқланади ва тасвирланади. Кишининг

психик ҳаётида: мимика, имо-ишора, нутқ, турли ҳаракатлар ва умуман кишининг бутун ҳатти-ҳаракати ва фаолиятини бевосита кузатиш бемалол мумкин.

Одамнинг теварак-атрофдаги воқеликни ўзгартириш ва янгидан кўришида дуч келган тўсқинликни ва қийинчиликни енгилуш учун унинг қандай зўр ирода билан сабот-матонат кўрсатишини ҳам кузатиш йўли билан кўздан кечирсак ва текширсак бўлади.

Психик ҳаёт ҳодисаларини ўрганаётганда психологнинг ўз-ўзини кузатиш методига ҳам мурожаат қилиб туришига ҳам тўғри келади.

Ўз-ўзини кузатиш

Номидан кўриниб турибдики, тадқиқотчи ўз-ўзини кузатиш билан ўзидаги психик ҳодисаларни текширади. Бу ҳолда тадқиқотчи психик жараёнлар ва ҳолатларнинг ички томони - одамнинг субъектив кечинмалари қандай рўй берса, уларни шу ҳолида тасвир этиш ва аниқлаб олишга интилади. Психолог ўз тадқиқотларида текширилган кишиларнинг ўз-ўзини кузатиб олган маълумотларига ҳам асосланади.

Психология вужудга кела бошлаган V асрдан тортиб то бизнинг эраизгача ва XIX асрнинг деярли охиригача ўз-ўзини кузатиш методи ёки интроспектив метод руҳий ҳаёт ҳодисаларини билишнинг бирдан-бир методи бўлиб келди деса бўлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўз-ўзини кузатиш методига танқидий кўз билан қараладиган бўлиб қолди. Бу методнинг бир қанча камчиликлари борлиги маълум бўлди.

Ўз-ўзини кузатишда тадқиқотчи ҳам текшириладиган объектга, у ҳам текширувчи объектга бўлиниб қолиши бу методнинг энг муҳим камчилиги эканлиги кўрсатилди. Ҳолбуки, нормал кишилар шахсининг амалда бундай «бўлиниб кетиши» мумкин эмас.

Ўз-ўзини кузатишда психик ҳодисаларни (масалан, шодлик ёки қайғу ҳиссини, тафаккур жараёнини) ҳам бошдан кечириш, ҳам шу ҳодисаларни

ўрганиш жуда қийин эканлиги, баъзан эса бутунлай мумкин бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ўз-ўзини кузатиш методининг чекланганлигини ҳам унинг камчилиги деб билиш керак. Психолог ўз-ўзини кузатиш йўли билан фақат ўз психикасини ўрганади-да, ахир. Шундай бўлгач, одам психикаси ҳақидаги фан фақат психологларнинг ўз психологиясига айланиб кетади. Бундай психология маданий тараққиёт жихатидан юксак даражада турган, ўз ихтисосига кўра ўзини-ўзи кузата оладиган ва ўзини-ўзи муҳокама қила оладиган кишилар психикаси ҳақидагина билим беради. Аммо маданий тараққиётнинг пастроқ босқичида турган кишилар психикаси ҳақидаги таълимот ҳам, болалар психикаси ҳақидаги таълимот ҳам психологияга кўшилиши керак.

Ўз-ўзини кузатиш методининг яна бир катта камчилиги шуки, бу йўл билан олинган маълумотлар психик ҳаёт ҳодисаларини турли йўсинда бир томонлама, субъектив талқин қилишига олиб келиши мумкин. Масалан, одамнинг характерини текшираётган психологнинг ўзи эгоист бўлса, ўз-ўзини кузатиш натижаларидан, эгоизм - ҳар қандай характернинг муҳим белгисидир деб хулоса чиқариши мумкин. Дунёда саҳий, олижаноб характерли кишилар борлигини бундай психолог фақат ўз-ўзини кузатиш йўли билан била олмайди. Зоҳиран кўринадиган нарса бу ерда ҳақиқат бўлиб туюлиши, якка ҳодиса умумий ҳодиса бўлиб туюлиши мумкин. Ҳолбуки, ҳар қандай илмий билим объектив ва чин билим бўлиши керак.

Ўз-ўзини кузатиш йўли билан субъектив равишда кўнгилдан кечадиган фактларни аниқлаш, тасвирлаш мумкин, аммо уларни ҳар томонлама тушунтириш мумкин эмас. Психик ҳодисани тушунтириш – унинг сабабини, нерв-физиологик асосини топиш ва одам яшайдиган ижтимоий шароит билан боғланганлигини аниқлаш демакдир, буларнинг ҳаммаси эса ўз-ўзини кузатиш доирасидан ташқаридадир. Фаннинг вазифаси фактларни тасвир этишдангина иборат эмас, балки асосан шу фактларни тушунтириш,

уларнинг қонуниятларини кашф этишдан иборат. Объектив методдан фойдалангандагина бунга эришиш мумкин.

Аммо, ўз-ўзини кузатиш методининг юқорида айтилган камчиликлари бу методни психологияда кераксиз, ғайри илмий метод деб бутунлай рад этишга асос бўлмаслиги керак, албатта.

Бу камчилик ва қийинчиликларнинг ҳаммаси ҳам ўз-ўзини кузатишда учраши мумкин, лекин улар ҳамиша, ўз-ўзини кузатишнинг ҳар қандай бўлавермайди. Аввало, одам ўз-ўзини кузатиш объекти бўлолмайди, деган даъвони асоссиз деб билиш керак. Одам онги тараққий этган бўлса, маълум психик жараёнларни бараварига бошдан кечириши ҳам, кузатиши ҳам мумкин, одамнинг хусусияти ҳам шундан иборат. Одам кузатиш билангина қолмай, психик жараёнларга таъсир ўтказиши, турли психик жараёнларни юзага чиқариши, ўзгартириши, кучайтириши ва тўхтатиши мумкин. Бу ҳар кимга яхши маълум бўлган фактдир.

Ўз-ўзини кузатиш методи илмий асосда татбиқ этмоқ учун махсус тайёргарлик керак, албатта. Илмий тадқиқотлардан биронтасини ҳам махсус тайёргарликсиз олиб бориш умуман мумкин эмас.

Психология ўз-ўзини кузатиш методидан ягона метод сифатида фойдаланса ва психик ҳаётнинг субъектив ҳодисалари уларнинг ташқи ифодаларидан, уларга асос бўладиган нерв-физиологик жараёнлардан алоҳида, одамнинг фаолиятидан: алоҳида кўздан кечириладиган бўлса, фақат шундагина ўз-ўзини кузатиш методида бир томонлама хулоса чиқариш ва субъективизм рўй бериши мумкин.

Ташқи ва ички кузатишнинг бирлиги

Лекин одам психикасини фақат ўз-ўзини кузатиш методи билан ўрганиб бўлмаса, фақат ташқи кузатиш йўли билан, яъни ўз-ўзини кузатиш маълумотлари билан боғланмаслиги ҳам мумкин эмас. Ўз-ўзини кузатиш методининг аҳамиятини тамомила инкор қилиш — одамнинг юксак даражадаги билиш қобилятига, ижодий қобилятига, онгига ишонмаслик демакдир. Бошқа кишиларни кузатишнинг хусусияти шундаки, тадқиқотчи

шу кишилар хулқ-атворининг ташқи кўринишларини идрок этар экан, кўнглидан кечаётган ҳисларини бир қадар билади. Шу сабабли психолог ташқаридан кузатиш йўли билан ва ўз-ўзини кузатиш маълумотларига таяниб, одамнинг турли хатти-ҳаракатларини тасвир этиш билангина кифояланиб қолмай, балки умуман психик ҳаёт ҳодисалари ҳақида, уларнинг ташқи ва ички (субъектив) кўринишлари ҳақида хулосалар ҳам чиқариши мумкин. Тадқиқотчи психолог кишилар билан муомала қилишда турмуш тажрибасига ва илмий текшириш ишларида етарли амалиётга эга бўлганида психик ҳаётнинг ташқи кўринишларини кузатар экан, психик жараёнларнинг субъектив суратда қандай кечишини ҳам озми-кўпми оча олади. Масалан, тафаккурни кузатиш йўли билан текширганимизда кўз, юз мускулларидаги хилма-хил ҳаракатларни ва турқининг ўзгаришини қайд қилибгина қолмай, балки, шу билан бирга, шу тафаккур жараёнлари қандай забт ва қандай тезлик билан рўй беришини ҳам бир қадар била оламиз. Модомики тафаккур жараёнлари ташқи муҳитда ўз ифодасини топар экан, тафаккурнинг мазмунини била оламиз, тафаккур жараёни қай шаклда рўй бераётганини, масала қандай келиб чиқаётгани, масалани ечиш жараёни қандай бораётганини ҳам кузата оламиз.

Кузатиш методи психик ҳодисаларни фақат тасвир этиш имконини бериш билангина чекланиб қолмай, балки шу ҳодисаларни тушунтириш, яъни уларнинг теvarак-атрофдаги муайян тарбияга, одамнинг фаолият характериға, организмнинг умумий аҳволиға ва нерв системасининг ишлаш хусусиятларига боғлиқ эканлигини очиб ташлаш имконини ҳам беради.

Одамзод фаолиятининг хар хил турларида психикани текшириш учун кузатиш методидан фойдаланилади. Кузатиш ёрдами билан болалар психикаси ҳам уларнинг ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятида бемалол текшириб ўрганилади. Педагог, таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини текшириб ўрганишда ана шу методдан фойдаланади.

Психологияда кузатиш методи одам ҳаёти ва фаолиятининг одатдаги шароитидагина эмас, балки шу билан бирга клиника шароитида психиканинг касаллик оқибатида ўзгарганлигини текширишда ҳам қўлланилади. Айни вақтда касалликни текшириш учунгина эмас, шу билан бирга одамнинг нормал аҳволидаги психик ҳодисаларни яхшироқ тушуниб олиш учун ҳам клиник кузатиш маълумотларидан фойдаланилади.

Сўраш ва суҳбат методи.

Сўраш ва суҳбат методи психик ҳодисаларнинг асосан ички, субъектив томонини текшириш учун қўлланилади.

Бу методда тадқиқотлар тахминан қуйидагича ўтказилади. Тадқиқотчи психик ҳаёт ҳодисаларининг биронтасини, масалан, одамда шодлик ҳисси субъектив равишда қандай кечишини, поэтик ижодиёт жараёни қандай боришини, иродага боғлиқ ҳаракатларда қарор қабул қилиш жараёни қандай рўй беришини, бирон масалани ечганда тафаккур жараёни қандай боришини ва шунга ўхшаш ҳодисаларни текширишни олдиндан вазифа қилиб қўяди, тадқиқотчи суҳбат вақтида текширилувчи кишига берадиган саволларни олдиндан белгилаб олади. Саволлар шундай тартиб билан танлаб олинадики, текширилувчи кишида қайси кечинмалар ва онг жараёнларини ўрганиш керак бўлса, у ўз жавобларида худди ўша кечинмаларни ва ўша онг жараёнларини ойдинлаштириб берсин.

Текширишнинг қандай боришига ва текширилувчи кишининг индивидуал хусусиятларига қараб, суҳбат вақтида саволларни ўзгартириш, тўлдириш, бошқача қилиб бериш мумкин. Бу вақтда тадқиқотчи текширилувчи кишини кузатиб, масалан, нутқининг хусусиятларини, мимикасини ва шунга ўхшаш хислатларини қайд қилиб туради.

Сўраш ва суҳбат методи ўз-ўзини кузатиш методи билан ташқи кузатиш методининг қўшилишидан иборат. Бу ерда ўз-ўзини кузатиш шунда намоён бўладики, тадқиқотчи текширилувчи кишига саволлар бериб, унинг ўз ички онгини чуқурроқ билиб олишга мажбур этади. Текширилувчи киши тадқиқотчининг топшириқларига мувофиқ ва тадқиқотчининг ёрдами билан

(саволлар усталик билан берилганда) ўзининг ички ҳолатларини очиб ташлаб, тавсия этади ва нутқида ифодалайди, сўзлар билан жавоб қайтаради. Ташқи кузатиш шунда намоён бўладики тадқиқотчи онг жараёнларини ўзи устида эмас, балки бошқа кишилар устида текширади. Психик ҳаёт ходисаларидан биттасини текшириш учун бир киши билан эмас, балки бир неча киши, баъзан эса кўплаб кишилар сўраш ва сўзлаш методи билан текширилгани учун объектив хулоса чиқарилади. Текширилувчи кишилардан биронтасининг сўз билан қайтарган жавобларини бошқаларининг қайтарган жавобларига солиштириб, таққослаб, текшириш мумкин.

Суҳбат методининг камчиликлари ҳақида гапирганда, одатда, бу методдан фойдаланишда тадқиқотчининг таъсири бўлиши мумкин деб айтадилар. Тадқиқотчининг таъсири бўлиши мумкинлигини, албатта, ҳисобга олиш ва текширишнинг бошларидаёқ бунга йўл қўймаслик керак. Бунинг учун саволлар шундай берилиши керакки, уларда қандай бўлмасин муайян жавобга ишора ҳам қолмасин. Бундан ташқари, саволлар шундай берилиши керакки, текширилувчи кишининг бир саволга қайтарган жавобларини бошқа саволга қайтарилган жавоблар билан назорат қилиш мумкин бўлсин.

Суҳбатни ўзига хос терговга айлантириб юбормаслик керак. Суҳбат самимий, бемалол бўлиши, текширилувчи кишиларнинг психик ҳолатига зўр келмаслиги керак.

Суҳбат одам психик ҳаётининг бевосита кузатиш ва экспериментда аниқлаб бўлмайдиган процесс ва ҳоллари ҳақида маълумот олишга ёрдам берадиган бирдан-бир методдир, дейиш мумкин. Масалан, космосга парвоз қилиш вақтида одамнинг психик фаолият хусусиятлари ҳақида билим олмоқ учун тадқиқотчи космонавтларнинг ўзи билан суҳбат қилиши керак.

Суҳбат методи шахснинг индивидуал хусусиятларини (эътиқодлари, ҳаваслари, жамоага муносабати, ўз вазифаларини тушуниш) текширишда, шахснинг ҳаёти ва фаолиятидаги маҳсус воқеалар, қаҳрамонлик, ижодий мақом ва шунга ўхшашларни текширишда қўлланилади.

Ҳозир суҳбат методи психологияда жуда кенг қўлланилади, жумладан педагогик психология, меҳнат психологияси, ижодиёт психологиясида суҳбат методидан фойдаланилади.

ИДРОК

ИДРОК ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА.

Одам ўзини ўраб турган воқеалик ҳақидаги чуқурроқ билимга *идроки* туфайли эришади. Маърифатнинг ягона жараёнида ажралмас қисм сифатида воқеаликни акс эттирувчи ҳиссиёт ва идрок бир бири билан узвий равишда боғлиқ. Шу билан бир қаторда, ҳиссиёт ҳам, идрок ҳам бир биридан фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Ҳиссиёт натижасида биз предметнинг *айрим* хусусиятлари ва сифатлари ҳақида маълумот олсак, идрок туфайли предмет ёки воқеа-ҳодиса тўғрисида *яхлит* сиймоли маълумотга эга бўламиз.

Масалан, нокка қараб унинг тасвирини чизаётган рассом ўз эътиборини аввало унинг кўкимтир-сарик рангига, ҳажмига, думалоқ шаклига, фазовий ҳолатига, хушбўй ҳидига қаратади. Айни пайтда нокнинг ушбу сифатлари бири биридан ажралган ҳолда эмас, балки уйғунликда ва ягона тарзда намоён бўлади. Нокнинг ўзини ва суратини ўрганиш жараёнида томошабинда муайян шакл, ранг, вазн, хид, таъмга эга бўлган унинг ягона сиймоси шаклланади ва кейинчалик «нок» сўзи айтилса, унинг хотирасида унинг яхлит сиймоси пайдо бўлади.

Идрок - воқеаликда мавжуд бўлган предмет ва ҳодисаларнинг уларда жамланган барча хусусият ва хоссалари билан биргаликда турли тарзда одамнинг ҳиссиёт органларига бевосита таъсир этган ҳолда акс этиши жараёнидир.

Турли хил анализатор тизимларининг ёки айни бир анализатордаги турли қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бунинг натижасида қўзғатувчилар йиғиндисидида шартли рефлексларнинг пайдо бўлиши идрокнинг физиологик

асосини ташкил этиб, бунинг натижасида одамда предмет ёки воқеанинг муайян даражадаги мураккаб яхлит сиймоси пайдо бўлади.

Идрок турли хил ҳиссиётларнинг йиғиндисидан намоён бўлади ва англашнинг ягона жараёнида ҳиссиёт билан биргаликда кечади. Бироқ, бу ҳиссиётнинг оддийгина йиғиндиси эмас.

Идрок - турли хил ҳиссиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва аниқ уйғунлашуви билан ифодаланувчи мураккаб руҳий жараён бўлиб, у ҳам ўз навбатида предмет ва ҳодисаларга тааллуқли муносабатларнинг қисмлари, йўналишлари, сифатлари, турли хил хусусиятлари ҳамда ўзига хос алоқалари билан таърифланади.

Идрок этиш жараёнида ҳиссиётлар билан бир қаторда билим ва тасаввур сифатида намоён бўладиган орттирилган тажриба ҳам иштирок этади. Агарда идрок олдинги тажрибага суянмаса, унда англаш жараёнининг ўзи ҳам юзага келмас эди. Чунки одам ўзи идрок этаётган предмет, ҳодиса ва уларнинг қисмларини илгари кўрган предмет ва ҳодисаси, олган муайян билимлари ва орттирган тажрибаси асосида бир бирига солиштирмаса, унда ўзи идрок этаётган нарсаларнинг маъносини ҳам, моҳиятини ҳам англай олмас эди.

Идрок фикрлаш жараёни билан чамбарчас боғланган бўлиб, бу ҳол шундан иборатки, идрок жараёнида шаклланаётган тимсоллар муайян тушунчалар, фикрлаш амалиётлари, мулоҳаза ва хулосалар воситасида фаҳмланади, аниқланади ва умумлаштирилади. Шундай қилиб идрок, ягона маърифат жараёнида ҳиссиёт ва фикрлаш тушунчалари ўртасидан жой олади ва ҳиссиётга нисбатан юқорироқ даражадаги ҳиссиётли маърифат сифатида намоён бўлади.

Идрок этиш фаолиятида иштирок этадиган анализаторлардан бирининг муҳимроқ вазифани бажаришидан келиб чиқиб, идрок жараёни *кўриш*, *эшитиш*, *сезиш* ва бошқа шаклларга бўлинади. Агарда идрок фаолиятида анализаторлар тизими ёки тизимлари иштирок этишса, унда мураккаб, омухта идрок фаолиятлари юзага келади.

Рухиятни ўрганиш фаолиятида идрок *асоссиз* ва *асосли* турларга бўлинади.

Асоссиз идрок фаолияти предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг одам онгида мақсадсиз равишда акс этиши билан тавсифланади.

Одатда бундай ҳолат объектнинг ёрқин равишда кўриниши, баланд товушлар ва ҳоказолар натижасида юзага келади.

Асосли идрок фаолияти эса одам ўз олдига аниқ бир мақсад, вазифалар қўйганда амалга ошади.

Бундай ҳолатда одам объектга қараб қўйиш билан чекланмай, унга тикилиброқ қарайди, ёки бўлмаса, одатдагидай тингламай, эътибор билан тинглайди. Асосли идрок одатда қўйилган вазифалар, у ёки бу фаолиятнинг хусусиятлари, одамнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари, кузатувчанлиги, қиёслаб билиши, кўз воситасида ҳисоб амалларини бажара олиши каби омиллар билан асосланган бўлади.

Вақт ва ҳаракатни идрок этиш

Воқеаликда қузатиловчи ҳодиса ва воқеаларнинг тезлиги, давом этиш муддати ва мунтазамлигининг акс этиши вақтнинг идроки ҳисобланади.

Вақтни идрок этиш жараёнининг асоси бўлиб шартли рефлекслар хизмат қилади. Вақт оралиғини аниқлашга эса кўриш ва ҳаракат ҳиссиётлари ёрдам беради. Бу оралиқлар одам организмида бир хил тарзда, яъни ритмли равишда юз берадиган жараёнлар натижасида юзага келади. Бир хил тарзда нафас олиш, кун тартиби ва иш кунининг бир хиллиги - буларнинг ҳаммаси вақтга нисбатан рефлексларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Фақат сониянинг юздан ва мингдан бир бўлаги бўлган жуда ҳам кичик вақт оралиқларигина бевосита идрок орқали қабул қилинади. Вақтнинг узок муддатли оралиқлари эса одам организмининг умумий ҳолати ва унда кечаётган жараёнлар билан узвий алоқада бўлганда, масалан, оч қолиш ёки бўлмаса чарчаш ҳолати юз берганда, қабул қилинади. Узок муддатли вақт оралиқлари табиатда мавжуд бўлган қонуниятлар, масалан, тун ва кун, йил

фасллари, баҳор ва ёзда табиат ранги ва ҳароратининг ўзгариши ва шунга ўхшаш бошқа омиллар билан ҳам боғлиқ.

Баъзан, вақтни идрок этиш пайтида вақтнинг қисқа оралиқлари узок бўлиб ва узок оралиқлари аксинча, қисқа бўлиб туюлиш ҳоллари ҳам кузатилади.

Тараққиёт давомида инсоният вақтни ҳисобловчи муайян тизимлар, масалан, сония, даққиқа, соат, бир кеча-кундуз, ҳафта, ой, йил, аср, минг йил каби ўлчов бирликларини яратди.

Табиатда юз берувчи вақт билан боғлиқ ўзгаришлар қадимги дунё тасвирий асарларида ҳам ўз аксини топган.

Тасвирий асарлар яратиш соҳасида вақт муносабатларига боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисаларни тасвирлашда кенг тарқалган услублардан бири *триптихлар* бўлиб, бунда учта бадий асар муайян бир вақт давомида кечадиган ягона мавзунини бирлаштиради. Бунга мисол қилиб П.Д.Кориннинг «Александр Невский» асарини кўрсатиш мумкин. Баъзи бир пайтда ягона мавзу тўртта бадий асарни ҳам бирлаштириши мумкин.

Ҳаётни воқеавий равишда тасвирлар экан, реалист рассом ўз олдида кўпгина воқеавий объектларнинг ва энг аввало, одамнинг ажралмас сифати бўлган *ҳаракатини* ҳам иложи борида аниқроқ қилиб етказиш вазифасини кўяди.

Рухшуносликда ҳаракатни идрок этиш деганда бирор бир муҳитда собит турган предметларнинг гўёки қилган ҳаракатининг акси назарда тутилади. Бу шартли ҳаракат предметларнинг томошабиндан қанчалик узокликдалиги, уларнинг ҳаракат тезлиги ва шунингдек, томошабиннинг шу муҳитда эгаллаб турган жойи ва уни ўзгартириб туриши билан ҳам белгиланади.

Ҳаракатни идрок этиш жараёнида бир неча анализаторлар, чунончи, *кўриш, ҳаракат, вестибуляр* ва агарда ҳаракат товушлар жўрлигида амалга ошса, унда *эшитиш* анализаторлари ҳам иштирок этади. Одамнинг кўзидаги

тўр пардада нуқталарнинг бирин-кетин қўзғалиши ва одамнинг боши ва қўзининг объект ҳаракати томонга буриши туфайли тасвирнинг бир жойдан иккинчи жойга қўчиб туриши муҳим аҳамиятга эга.

Тасвирий санъатда ҳаракат таассуротини ҳосил қилиш учун рассомлар ўзига хос бўлган стробоскоп таъсиридан фойдаланишади.

Стробоскоп таъсирини ҳосил қилиш учун сониянинг лаҳза оралиғидаги муддатида экран ёки бир бошқа бир сатҳда бир биринининг мантиқий давоми сифатида чизилган бир қатор суратларни галма-гал намойиш этиш керак. Уста рассомлар эса бундай кетма-кетликни ўзлари яратган биргина бадий асарда тасвирлай олишади.

Тасвирий санъатдаги ҳаракат аксарият ҳолларда томошабинга ҳақиқий ҳаракат аломатларини ифодаловчи муайян услублар орқали ҳам етказилади.

Ҳаракат таассуротини бадий асарда тасвирланган кеманинг сувдаги «изи», лой қўчадан кетаётган араванинг ғилдирак «излари», темир йўлдан юриб бораётган паровоз мўрисидан чиқаётган тутуннинг йўналиши ва шунга ўхшаган аломатлар воситасида яратиш мумкин. Бундай ҳолатларда тасвирда ифодаланган белгилар воситасида ундаги ҳаракатни тасаввур қилиш муҳим давр касб этади.

Фазовий идрок ва тасвирий фаолият

Тасвирий фаолият жараёнида предметларнинг фазовий хусусиятларини англаш жуда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Чунки бизни ўраб турган материянинг асосий шаклларида бири фазодир.

Тасвирий фаолиятнинг ўзига хос муҳитида атрофда мавжуд бўлган объектларнинг фазовий хусусиятлари, тузилиши, ўлчамлари, шакли, ҳажми ва бошқа кўрсаткичларини англаш жараёни энг аввало идрокли равишда, яъни, қўз билан кўриш ва қўл билан ушлаш орқали амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай идрок жараёнининг шаклланишида одам танаси аъзоларининг ҳаракати пайтида мускулларнинг қисқариши туфайли ҳосил бўладиган ҳаракатлантирувчи (кинестезия) ҳиссиётларининг мажбурий иштироки муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда

мускул ҳиссиётлари айти шу пайтда ҳосил бўлган бошқа ҳиссиётлар билан узвий алоқада бўлади. Бунинг натижасида идрокнинг ишчи тизимлари шаклланади ва улар туфайли воқеалик объектлари ва ҳодисаларнинг аксланиши улар тавсифининг барча хосса ва хусусиятлари билан биргаликда амалга ошади.

Объектларнинг фазовий хусусиятларини англашда идрокнинг кўрувчи-ҳаракатлантирувчи ишчи тизими етакловчи ўринни эгаллайди.

Тасвирий фаолият жараёнида идрокнинг кўрувчи-ҳаракатлантирувчи ишчи тизими икки асосий шаклда намоён бўлиб, улардан биринчиси *кўз ва бошнинг ҳаракати* билан ифодаланади. Иккинчисида эса идрок этиш жараёни бўлиб, у айти бир пайтнинг ўзида *ҳам кўз, ҳам қўл орқали* амалга ошади, яъни, одам бирор бир предметни кўрар экан, шу вақтнинг ўзида уни қўли билан ушлаб ҳам кўради. Аксарият ҳолларда рассомлар тасвирланиши керак бўлган объектни ташқи тузилишини, шаклини, нисбатини, фактурасини янада чуқурроқ аниқлаш учун унга боқиш билан бир қаторда ушлаб, пайпаслаб, силаб ҳам кўришади. Ҳайкалтарошликда эса асар жуда ҳам аниқлик ва ростгўйлик билан тасвирланиши учун фойдаланиладиган материални танлаш жуда муҳим ўринда туради. Яъни, материал маълум бир маънода асар мазмунини ифодаловчи воситалардан бири сифатида ҳам иштирок этади. Бадиий тасвирчи ижодкорлар томонидан одамнинг юмшоқлиги, меҳрибонлиги, одамийлиги каби сифатларини ифодалаш керак бўлса муайян бир материал ва аксинча, агарда унинг қатъийлиги, жисмоний кучи, мардонавор феълени ифодалаш керак бўлса, бошқа бир материалдан фойдаланишлари бежиз эмас.

Юқорида айтилган фикрлардан яна бир хулоса шуки, ҳайкал яратиш жараёнида тактил, ҳарорат, кинестезия ҳиссиётлари муҳим касб ташкил этади ва айнан улар туфайли объектнинг шакли, ўлчамлари, қаттиқ-юмшоқлиги, фазовий жойлашуви, унинг аъзолари ўртасидаги фазовий муносабатлар ҳақида тўла маълумот олинади.

Маърифат жараёнида кўриш ва англашнинг чамбарчас боғлиқлиги одамнинг бошқа ижодий фаолиятларида ҳам кузатилади. Бу икки фазилат бири-бирини шу даражада тўлдирадики, аксарият ҳолларда одам бирор бир буюмга қараб туриб, унинг тактил хусусиятларини ҳам айтиб бериши мумкин.

Кинестезия ҳиссиётларининг бундай аҳамияти идрокнинг аниқ шаклларида унинг асосий таркиби сифатидаги ўрнини асослаб беради.

Фазовийликни идрок этиш туғма хусусият бўлмай, у ҳаёт ва фаолият давомида пайдо бўлади ва ривожланади.

Предметларнинг фазовий сифатларини идрок этиш хусусиятлари *шаклни аниқ кўриш бўсағаси* ва предметлар *ўлчамини ажратиш бўсағаси* деган тушунчалар билан боғлиқ.

Шаклни аниқ кўриш бўсағаси деб кўз назарининг шундай кичик бурчаги белгиланганки, объектнинг шакли шу кўрсаткичдан бошлаб кўзга аниқ ва яққол кўрина бошлайди.

Предмет ўлчамини ва унинг қисмлари нисбатини ажратиш бўсағаси деб предметларнинг шакли ва чизмасидаги билинар-билинмас фарқларни томошабин томонидан дастлаб сезилиши кўзда тутилади.

Ушбу ҳар иккала бўсаға одамнинг кўзлари юқори даражада кўрувчи сезгир аъзо эканлигини исботлаб беради.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, идрок фаолияти бўсағалари ҳам ҳиссиёт фаолияти бўсағалари каби машқлар натижасида ўзгариб бориб, анча пасайиши мумкин. Одатда, бу кўрсаткич чизиш билан шуғулланмайдиган одамларга нисбатан рассомларда 4-5 марта паст бўлади.

Рассом учун *чамалай билиш* хусусиятига эга бўлиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Кўз билан «чамалаш» деганда махсус асбоб ёки жиҳоз ёрдамисиз одамнинг тасвирий фаолият жараёнида аввало объектларнинг фазовий муносабатларини ва кейинчалик фазовий хусусиятларини аниқлай олиши кўзда тутилади.

Рассомлар олдиға кўйилган предметларнинг фазовий муносабатларига янада аниқроқ баҳо бериш талаби ўз навбатида улар дунёда бизни ўраб турган объектларни ўзларининг бадиий асарларида воқеавий тарзда тасвирлаш кераклиги билан асосланади.

Тасвирий санъатга ўқитишнинг бошланғич даврида предметларнинг фазовий хусусиятларини аниқлаш мақсадида «визирлаш» деган яна бир усул кўлланилади. Баъзи бир рассомлар эса ўзларининг тасвирий фаолият жараёнларида бу мақсадда шовул (отвес) дан фойдаланишади. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, ушбу ҳар иккала усул ҳам одам кўзи сезувчанлигини оширмайди ва одамнинг идрок этиш бўсағаларини пасайтирмайди.

Кўриш орқали идрокланадиган объектларнинг ўлчамлари уларнинг кўздаги тўр пардасида ифодаланган ўлчамлари ва шунингдек тасвирларнинг томошабиндан узоқлиги билан белгиланади.

Томошабиндан бир хил узоқликда бўлган, катталиги ҳар хил предметлар одам кўзлари тўр пардасида ҳар хил катталиқда, яъни, каттаси катта, кичкинаси кичик бўлган акс тасвир ҳосил қилади. Агарда улар ҳар хил узоқликда бўлсаю, бироқ кичик предмет каттасига нисбатан яқинроқда жойлашган бўлса, унда у, кичик бўлишига қарамай, кўзнинг тўр пардасида катта акс тасвир ҳосил қилади. Шунинг билан бирга, агарда улар томошабиндан унчалик узоқ бўлмаган масофада жойлашган бўлса, уларнинг кўринадиган ўлчамлари ўзгармай қолади. Бу ҳолат одамга кўриш пайтида ўзгартирувчи таъсир кўсатувчи *аккомодация* ва *конвергенция* деб аталади.

Узоққа қараганда кўзнинг қорачиғи атрофидаги мускуллар бўшашади ва кўзнинг тўр пардасида узоқдаги предметлар аксининг аниқ кўриниши тасвирлана бошлайди. Яқин масофада жойлашган предметга қараганда эса, мускуллар тортишади ва кўз гавҳарининг фокуси қисқаради. Натижада кўзнинг тўр пардасида предметнинг аниқ шакли аксланади. Кўзнинг фокусга йўналтириш жараёни *аккомодация* дейилади. Бирор бир хасталиги бўлмаган соғлом кўз аккомодация туфайли объектларни 10-20 см узоқликдан бошлаб, сайёра ва юлдузларгача бўлган масофада аниқ ва равшан кўра олади. Бироқ

бу хусусият ҳаммада, масалан, *узоқни яхшироқ кўра оладиган* кишиларда мавжуд эмас. Айрим кишиларда эса *яқинни яхшироқ кўриши* хусусияти мавжуд бўлиб, улар узоқдаги предметларни аниқ ва равшан кўра олишмайди.

Аккомодация билан бир қаторда конвергенция ҳолати ҳам мавжуд бўлиб, бунда кўзнинг кўрувчи ўқлар йўналиши қаралаётган объект ёки унинг бирор қисмидан кўчиб кетиши тушунилади.

Предметларнинг шаклини кўриш орқали идрок этиш мураккаб жараён бўлиб, юқорида таъкидланганидек, у аввало объектларнинг чегара ва контурини аниқ ажрата билишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида объектларнинг ўлчамлари, томошабиндан қанчалик узоқ масофада жойлашганлиги, қай даражада ёритилганлиги ҳамда кузатувчининг кўзи ўткирлигига боғлиқ.

Контур чизикларининг йўналиши ва уларнинг ҳажмга нисбатан бўлган нисбати предметларнинг шаклини, энг аввало, уларнинг ўлчамлари, ҳажми, нисбати, йўналишлари, шакл чизмалари каби кўрсаткичларини идрок этиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам, айти шу кўрсаткичлар баъзи предметларни тўғрибурчакли, бошқасини квадрат, учинчисини учбурчак, тўртинчисини эса думалоқ сифатида қабул қилишга имкон беради.

Объектларнинг масофадаги ва ҳажмли шакли асосан *бинокуляр*, яъни, *иккала кўз билан кўриш* натижасида идрокланиб, бунда кузатилаётган объектларда *стереоскопия таъсири*, яъни, уларнинг *ҳажмли* ва *рельефли* кўриниши ҳосил қилинади.

Бу таъсирни амалда кўриш учун бирор бир объектга стереоскоп орқали назар ташлаш керак. Масалан, агарда икки объективи бир-биридан одам кўзлари оралиғидаги масофада жойлаштирилган иккиланган фотоаппарат воситасида бирор бир объект суратга туширилса, унда чап ва ўнг кўзлар кўрган иккита сурат ҳосил бўлади. Бир пайтнинг ўзида ўнг кўз билан ўнгдаги ва чап кўз билан чапдаги суратга қаралса, стереоскопия таъсири ҳосил

бўлади. Бироқ юқорида кўрсатилган усулда қараш анча қийин ва ҳаттоки мумкин ҳам эмас. Шунинг учун сурагга стереоскоп, яъни, бир тасвири иккинчи тасвир устига ўтказиб, бир тасвир ҳосил қилувчи призма шакли ойна ўрнатилган кўзойнак орқали қараш керак.

Стереоскопия таъсирини ҳосил қилиш учун иккала кўз билан қараладиган стереотруба асбобидан кенг фойдаланилади. Бунда унинг объективлари оралиғидаги масофа қанчалик узун бўлса, таъсир ҳам шунча кучли бўлади.

Объектларни масофада ва ҳажмли равишда идрок этиш учун чизиқли ва ҳавойй истиқболлар ҳамда ёруғлик ва соянинг улар сатҳида тақсимланиши муҳим омил ҳисобланади.

«Предметлар мавжуд ва улар кўзларимизга кўрингандай». Бу - хусусияти бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда предметлар амалда мавжуд деган маънони билдиради. Бироқ, кўриш аъзоларимиз орқали биз кузатадиган бу хусусиятларнинг баъзи бирлари амалдагидан бошқачароқ кўринади. Масалан, истиқбол қонунига биноан, ўлчамлари бир хил ва қатор қилиб ўрнатилган симёғочлар улардан узоқлашган сари кичрайиб бориб, охири уфқ чизиғида нуқтага айланиб қолади.

Тасвирий фаолиятда предметларни сатҳда қандай кўринса, худди шундай тасвирлашдан иборат бўлган истиқбол услубига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Назаримизда предметлар хусусиятининг рўй бериб турган ўзгаришлари худдики ушбу услубда истиқбол қонунларида ифодалангандай.

Чизиқли истиқбол олдинга интилган истиқбол ва бурчакли истиқбол турларига бўлинади.

Олдинга интилган истиқбол - объект ўзининг томонларидан бири билан томошабинга қараб туришини билдиради.

Бурчакли истиқбол - объект томошабинга нисбатан бирор бир бурчак остида жойлашганлигини билдиради.

Ҳавойй истиқбол - предметлар ранги туси ва ёруғлигининг томошабиндан узоқлашган сари ўзгариб боришини билдиради.

Уйғониш даври тасвирий санъат вакиллариининг бир қатор намояндалари, булардан энг аввало Леонардо да Винчи, Пьеро делла Франческа, А.Дюрерлар истиқболлар ҳақида таълимотлар яратишган ва бу соҳадаги кашфиётларини ўзларининг ижодий фаолиятларида кенг татбиқ этишган.

Уларнинг ҳаммалари тасвирий фаолиятда истиқбол қонунларига биринчи даражали аҳамият беришган. Масалан, Леонардо да Винчи истиқбол тасвирий санъат учун «асос ва боқувчи» бўлиб хизмат қилади, истиқболга асосланиб, нарсаларни одамлар уларни кўргандай қилиб чизиш мумкин деб айган.

Предметларни назар воситасида собитлаб, сўнгра уларни қоғоз ёки холстда тасвирлаш ва шунингдек ҳайкалтарошлик санъатида ўлчамларнинг истиқболли ўзгаришларини ҳамда шакл, ранг ва чизмаларнинг ҳажмли ва ясси ҳолатларидаги аниқликларини тасвирий фаолиятнинг ҳамма босқичларида, яъни биринчи чизмадан бошлаб то асар якунлангунча татбиқ этиб бориш лозим. Истиқбол қонунларига тасвирий фаолиятда қанчалик катта эътибор ажратилиши юқорида таъкидланган фикрлардан ҳам маълум бўлиб турибди.

Объектлар ўлчамида кўриниб турган истиқболли кичрайтиришларни, уларнинг алоҳида бўлакларини, шунингдек, ўлчамлари нисбати ва мутаносиблигини тасвирлаб туриб, рассом айна пайтда унинг ҳажмли кўринишини ҳам томошабинга кўрсата олади.

Бироқ, санъатнинг мураккаб вазифалари ва тасвири томошабинга янада ёрқинроқ ҳолда етказиш истаги аксарият ҳолларда рассом томонидан қўлланилган ўзига хос услубдаги идрок ва етказиш усулини асослайди ва шунингдек, бир қатор ҳолларда ўрнатилган истиқбол қонунларидан чекинишга ҳам олиб келади. Бунга мисол қилиб уста рассомлар - Рафаэль, Рублев ва Репинларнинг «Афина мактаби», «Троица» ва «Нева шоҳ кўчаси» асарларини келтириш мумкин.

Ҳавоий истиқбол деганда ҳавонинг ҳолати ва ёруғлик манбаининг хусусиятларига боғлиқ бўлган воқеавий объектларни турли хилда идрок этиш назарда тутилади. Ҳавонинг кўкимтир туси предметларнинг рангини ўзгартириб, бу ҳолат улар қанчалик узоқда жойлашган бўлса шунчалик кўпроқ намоён бўлади. Шунинг учун ҳам узоқ уфқда жойлашган ўрмон кўк ёки мовий рангда бўлиб кўринади. Сувдан ҳосил бўлган буғ ва ҳаво таркибида бўлган ҳар хил чанг зарралари предметларни худдики туман билан ўраб олгандай бўлиб, улар тутун билан қоплангандай туюлади. Бу ҳолатлар кўпроқ узоқда жойлашган объектларга тааллуқли. Кузатувчидан узоқлашган сари сатҳнинг ёруғлиги камайиб, қорая бошлайди, соя тушган сатҳ эса худди оқиш-кулранг шарпадай оқара бошлайди. Улар кузатувчига қанчалик яқинроқ жойлашса, ёруғлик сояси аксинча ҳаракатланиб, ёритилган сатҳлар оқаргандай, соя тушган жойлар эса қорая бошлагандай туюлади.

Ранг ёруғлигининг ўзгариши ҳолатини кўчада, айниқса ёмғир пайтида ёки эрталабки туманда узоқда жойлашган предмет ва уйлар доғлар сифатида кўз билан зўрға илғаб олинадиган бир пайтда кузатиш мумкин. Предметнинг ҳажми ва қавариқлигини кўз орқали идрок этиш жараёнида унинг сатҳида ёруғлик соясининг тақсимланиши муҳим аҳамиятга эга. Амалда, ёруғлик сояси предметнинг шакли ва ҳажмини қоплагандагина у онгда қабул қилинади.

Ёруғлик сояси предметнинг турли хил ҳолатини ва унинг сатҳини ёруғлик манбаидан тўсувчи сабабдир.

Бизни ўраб турган предметлар ҳамда ёруғлик манбалари амалда мавжуд экан, англаниши воқеавий асарлар яратиш ҳамда ранг ва ҳаво муҳитини, рангли рефлексларнинг хилма-хиллигини, тасвир ва графика санъатларининг кенг имкониятларини томашабинга етказиб бериш учун зарур бўлган ёруғлик сояларининг муайян қонунлари ҳам мавжуддир. Воқеавий фазода предметнинг кўз орқали қабул қилинадиган ёруғлик даражасига боғлиқ бўлган қуйидаги омиллар мавжуд:

- ёруғлик манбаининг кучи;

- ёруғлик манбаигача бўлган масофа;
- предмет сатҳига тушадиган ёруғлик нурларининг бурчаги;
- предмет сатҳининг фактура ва ранги каби хусусиятлари;
- кузатилаётган предметнинг уни ўраб турган предметларга ва уларнинг хусусиятларига нисбатан ҳолати, уларгача бўлган масофа ва уларнинг ранги.

Ҳозирги техника инқилоби даврида фазовий тушунчаларни идрок этиш ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари энг муҳим аҳамиятга эга. Қудратли замонавий техника воситаларидан фойдаланган инсоният изчиллик билан ўзи учун қулай ва шинам муҳит яратмоқда ва бу ҳол айниқса шаҳарсозлик соҳасида яққол кўриниб турибди. Коинотга қадам қўйган инсон ўзининг тараққиёти давомида биринчи марта юқоридан туриб, ўзининг жонажон сайёраси - қучиб бўлмас Ерни кўрди. Ушбу шароитда инсоннинг ўлчамларини ҳамда унинг билан бир қаторда воқеаликда мавжуд бўлган фазовий шакл ва ҳажмларга нисбатини аниқлаш жуда муҳимдир. Шунини ёдда тутиш зарурки, инсон ва уни ўраб турган муҳит ўртасидаги мутаносибликни бузиш, яъни баъзи бир замонавий шаҳарлардаги ҳаддан зиёд улкан бинолар ва шу билан бир қаторда тор, қоронғи кўчалар қурилиши каби зиддиятлар инсон ва муҳит ўртасида аллақачон юзага келган уйғунлик ва ҳамоҳангликка путур етказди, инсон онгини эзади ва унинг ҳаётдаги бунёдкорлик хусусиятларини камситади. Кўп қиррали олим, рассом ва шаҳарсозлик соҳасининг устаси ҳисобланган Леонардо да Винчи ва ундан сўнг яшаб ижод қилган машҳур меъмор ва рассом Дюрерлар одамнинг шакли ва уни ўраб турган фазовий шакллар ўртасидаги ҳамоҳанг алоқа нисбатларини қидириш йўлида изчиллик билан ишлаганликлари бежиз эмас.

Баъзан объект ва фазовий хусусиятларни идрок этишда одам назарида ҳаёлий ҳамда ҳақиқатдан узоқда бўлган нотўғри ва бўзилган тасаввурлар ҳам пайдо бўлади.

Бундай айрим ҳаёлий тасаввурларнинг юз беришининг физиологик асосини, эҳтимол, объектларни кўриб, аниқлаб олиш жараёнида кўз ҳаракатининг муайян хусусиятлари ташкил этиши ҳам мумкин. Хусусан,

вертикал йўналишдаги чизикларга керагидан ортиқча юқори баҳо бериш ҳолати шу билан асосланадики, кўз вертикал йўналишда ҳаракат қилаётганда, яъни қараётганда, унинг мускуллари янада зўриқиброқ ишлайди ва бундан ташқари бу ҳаракатлар горизонтал ҳаракатга қараганда узоқроқ давом этади.

Аксарият ҳолларда ҳаёлий, ҳақиқатдан узоқ бўлган тасаввурларнинг юз беришига бундан олдин ҳосил бўлган вақтинчалик қисқа алоқанинг тизимли таъсири сабаб бўлади. Масалан, тасвирнинг бир қисмини унинг тўлалигига ўхшатиш тасаввури шу ҳол билан тушунтирилади.

Баъзи бир ҳаёлий тасаввурларнинг, масалан, қарама-қаршилик (контрастлик) нинг физиологик асосини бош мия пўстлоғида кечадиган кўзғатиш ва тўхтатиш индукция муносабатлари ташкил этади. Бунда кўзнинг тўр пардасидаги бир қисмнинг ҳамда мия пўстлоғининг шу қисмга алоқадор бўлган қисмларининг ҳаддан ортиқ кўзғалиши бир пайтда юз берадиган индукция қонунига асосан мия пўстлоғининг атрофдаги қисмлари фаолиятини тўхтатади.

Ғалати ҳаёлий тасаввурлар одам тасвирда кўраётган бўртиқлар (рельеф) ва тасвир чуқурлиги ўзгариб туриши натижасида ҳам юзага келади. Бундай ҳаёлий тасаввурлар ҳосил бўлиши, биринчидан, кўзнинг аккомодация ва конвергенция хусусиятлари, яъни, кўз предметларни турли хил узоқликда кўра олиши, уларнинг равшанлиги, ҳосил бўлган соялари ва оралик масофада жойлашган объектларнинг сони асосида фазони идрок этиш имконияти мавжудлиги билан боғлиқ. Иккинчидан, бу тасаввурлар кўрилган нарсаларни фаҳмлаш жараёнида ҳам юзага келиб, бунда кечадиган фазовий идрок жараёнини тузатишда миянинг аҳамияти жуда катта. Бу ҳолда миянинг ишлаши, одам тўла англамаган ҳолда, худди кўзларнинг тўр пардасида ҳосил бўлган тесқари тасвирларни ағдариб, қийшиқ чизикли тасвирларни тўғрилаб тузатгандай бўлиб амалга ошади.

Кўришда ҳосил бўладиган аксарият ҳаёлий тасаввурларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Кўз тузилиши хусусиятларига боғлиқ бўлган хаёлий тасаввурлар.
2. Бутун ва қисм нисбати асосидаги хаёлий тасаввурлар.
3. Тикка чизиқларни юқори баҳолашдаги хаёлий тасаввурлар.
4. Ўткир бурчакларни кўпайтириш натижасидаги хаёлий тасаввурлар.
5. Рельеф ва истиқболнинг ўзгариши натижасидаги хаёлий тасаввурлар.

Идрок жараёнининг умумий қонунлари ва тасвирий фаолият

Маърифат жараёнларининг бири бўлган идрок бир қатор қонуниятлар билан тавсифланиб, уларнинг асосийлари - *яхлитлик, фаҳмлаш, апперцепция, танлаш ва муқимликдир.*

Ҳар қандай предмет ҳам турли хил қўзғатувчи хусусиятларга эгаллигига, бир қатор қисмлардан ташкил топиб, турли хил аломатлари билан фарқ қилишига қарамай, ўзининг сифатлари ва аломатлари билан биргаликда яхлит ва ягона ҳолда одам томонидан қабул қилинади ва бу ҳол идрокнинг яхлитлиги ва умумийлигини асослаб беради.

Идрок орқали қабул қилинадиган объектларнинг айрим сифат ва хусусиятлари, яъни, мажмуали тарзда қўзғатувчи таркибнинг муайян қисмлари, биргаликда ёки алоҳида ҳаракатга келади. Баъзан улар, масалан, кўриш орқали предметнинг ранги ва шаклини ёки ҳажмли объектнинг айрим қисмларини идроклаш жараёни пайтида айна бир анализаторга таъсир этса, бошқа аксарият ҳолларда, масалан, кўриш ва тактил қўзғатувчилар бир вақтда ҳаракатланадиган ҳайкалтарошлик жараёнида улар бир неча анализаторларга бирданига таъсир кўрсатади. Кетма-кет тартибда амалга ошадиган ҳаракат пайтида қўзғатувчи мажмуа таркиблари бир-бирини алмаштириб туради, ёки бўлмаса қисқа фурсатдан кейин галма-гал ҳаракат қилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам қўзғатувчи ўзининг барча сифат ва хусусиятлари мужассам ҳолда ягона тартибда ҳаракат қилиб, яхлит ва бир бутун сифатда қабул қилинади.

Объектни идрок этиш жараёнида бирор сабаб туфайли қўзғатувчи мажмуанинг барча таркибларининг ўзаро ҳаракати бузилса, бу жараён тўхтаб, унинг ягоналиги йўқолади. Бу ҳол айникса тасвирий жараён

давомида аниқ юз беради. Агарда рассом ўрдак тулупига қараб, 2 соат давомида тасвир яратишга киришса ва 1,5 соат давомида ўзининг диққат-эътиборини фақатгина ўрдакнинг боши ва бўйнига қаратиб туриб, сўнгра иш бошласа, объектнинг *тўлиқ* ва *яхлит* тасвири шаклланмайди ва белгиланган вақт тугагандан кейин ўрдакнинг фақатгина боши ва бўйни яққол ажралиб турган хира ва жимирлаб турган сиймоси ҳосил бўлади. Яъни, бу ҳолда объектнинг қисмлари кўриш орқали амалга ошадиган бўлинувчи фазовий ирдокланиш давомида у ёки бу ҳолда ҳамма қўзғатувчи мажмуа таркибларининг бир хилда амалга ошадиган таъсири бузилади.

Тасаввурдаги сиймонинг яхлит эмаслиги уни қоғозга кўчиришда ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Юқорида келтирилган мисолда ўрдакнинг танаси чўзинчоқ ва жуда узун ҳолда тасвирланиб, унинг оёқлари танага керак бўлмаган жойда бирлаштирилган бўлади. Объектнинг боши астойдил ишланган бўлсада, тасвирнинг қолган қисмлари тугалланмаган, яъни, рассомлар ибораси билан айтганда расмда «яхлитлик йўқлиги» кузатилади. Бундай ҳолни аниқса бошловчи рассомлар ижодида кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, агарда идрок этиш фаолияти ўзининг *яхлит* бўлмаган хусусияти билан намоён бўлса, бу омил тасвирий жараёнга ҳам бевосита таъсир этиб, тасвир чала ҳолда қолишининг гувоҳи бўламиз.

Тажрибали рассомлар ушбу ҳолни инобатга олган ҳолда тасвир жараёнининг бошидан охиригача ҳаттоки объектнинг бирор бир қисми ёки аломати чизилаётганда ҳам ўз нигоҳлари билан объектни тўла қамраб олишади. «Чизмакашлик сирлари» ҳақидаги мулоҳазаларида машҳур рассом Н.Н.Ге «Ҳеч қачон, умуман тасвирни тўлалигисиз, фақатгина бир қисмини кўришга ўзингизга имкон берманг. Сиз бурун, оғиз, кўз, қулоқ, бошни эмас, балки бурун ёки оғиз ёки бошқа аъзолар юзда қандай муҳим ўринни эгаллашини чизаяпсиз. Тасвирнинг қисмларини чизар экансиз, ҳар гал уларни фикрингизда умумлаштириб чизинг: мутаносиб қисмларни доимо биргаликда ва айтиб бир вақтда чизинг, яъни, иккала кўз, иккала қулоқ, иккала ёноқ ва буларнинг ҳаммаси умумий тарзда... Ҳар доим, ҳар вақт

расмингизни тўлиқ чизинг. Сизнинг тасвирингиз бошдан охиригача умумий, унинг майда тафсилларига аста секинлик билан яқинлашинг», - деб айтган.

Тасвирий санъатнинг асосий тамойили бу воқеаликни яхлит тарзда идрок этишдир. Воқеа-ҳодисаларни уларнинг яхлитлигида кўриш, уларни илғаб олиб, яхлит ҳолда амалдаги эътиборда тутиб туриш ва шу билан бирга уларнинг деталларини бир бутун, яъни, ҳам композиция, ҳам колоритлар симфониясидаги муносиб оҳангларгача етказиб акс эттириш бу санъат асосларининг асосидир. Яхлит ҳолда кўриш имконияти айниқса портретлар яратиш жараёнида - тез фурсатда яратиладиган бошнинг этюдида ҳам, узок вақт давомида бир неча уринишда қайта-қайта чизиладиган тасвирларда ҳам, бар хилдаги муҳим аҳамиятга эга.

Яхлит ҳолда кўра билиш ва бу яхлитликни бадий асарда тасвирлай олиш тасвирий фаолиятдаги муҳим ва якуний мақсадлардан биридир.

Кўриш орқали яхлит тарзда идрок этиш ҳар қандай воқеавий тасвир учун - бир дақиқа давомида яратиладиган чизмадан бошлаб, мантикий яқунланган сурат ёки ҳайкал учун ҳам баробар равишда муҳимдир.

Одатда кўзғатувчи мажмуа таркиблари шу даражада ўзаро узвий ҳаракат қилишадики, ҳатто предметнинг бир неча ёки алоҳида бир омили идрокида ҳам тасаввурда бу предметнинг тўлиқ сиймоси пайдо бўлади. Масалан, бахмални кўз воситасида идроклаб туриб, фақатгина унинг муайян рангини эмас, ҳатто силлиқлигини ҳам тасаввур эта оламиз.

Мармарни ҳам назар орқали идрок этишда шу ҳол юз беради. Тактил ва ҳарорат ҳиссиётлари иштирок этмасада, бироқ унинг қаттиқ, силлиқ ва совуқ материал эканлигини тасаввур этиш қийин эмас. Бу ҳолатлар шартли рефлекс тарзда олдин аниқланиб, кейин ёдда сақлаб қолинган амалиёт воситасида, яъни ушбу предметдан ҳосил бўлган кўриш, тактил ва ҳарорат кўзғатувчиларининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида юзага келади.

Кўриш, ҳаракат ва сезги ҳиссиётларининг тасаввури ҳам осонлик билан ва тез амалга ошади. Объектларнинг шакли ёки улар сатҳининг айрим

хусусиятларини, масалан, силлиқлиги, ғадирлиги, жилосизлиги, силлиқлигини инобатга олиб, одам бу ҳиссиётларнинг шунчалик узвий бирлашиб кетганлигини сезадики, уларни ҳиссиётларнинг бир мажмуасидан ажратишнинг имконияти бўлмай қолади.

Тасвирий санъатда объектларнинг воқеавийлигини етказишда ушбу қонуниятга ҳам риоя қилинади. Агарда рассом бирор бир аниқ объектни тасвирлар экан, унинг фазовий жойлашуви, тузилиши, нисбатлари қаторида у ясалган материал ва фактурасини, яъни, зичлиги, силлиқлиги, ғадирлиги ва шунга ўхшаган бошқа сифатларини тасвирламаса, унда турли хил ҳиссиётлар тасаввурининг қонунияти бузилади ва натижада яхлит ҳолда идрок этиш амалга ошмай қолади. Бошқача қилиб айтганда, тасвир объект ҳақида тўла ва яхлит таассурот яратмайди.

Одамда мавжуд бўлган ҳар қандай идрокли фаолиятнинг тавсифли томонларидан бири фаҳмлашдир. Воқеаликдаги объект ва ҳодисаларни идрок этиш жараёнининг дастлабки кунидан бошлаб одам, ўзининг билим ва тажрибасига таянган ҳолда, бу қандай ҳолат ва у предметда қандай изоҳланганлигини аниқлашга ҳаракат қилади. Фаҳмли равишда идрок этиш икки огоҳловчи (сигнал) тизимнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ. Бирор бир предметни идроклар экан, одам унинг тўғрисида бир қатор хулосаларга келади ва уни сўз билан ифодаланган муайян бир предметлар гуруҳига қўшади. Идрокланаётган предметнинг фаҳмланиши айнан мана шунда ифодаланади, яъни, одамнинг идрок жараёни фақат ҳис этиш билан эмас, балки айтиб бир пайтнинг ўзида тушуниш, муайян предмет ва ҳодисани бошқалари орасидан ажратган ҳолда англаш воситасида ҳам шаклланади. Идрокнинг фаҳмланишига объект ва ҳодисаларнинг маъносини тушуниш орқали етиб борилади, яъни, одам идрок жараёни давомида фикрлаш фаолиятини амалга оширади. Айтилган фикрлар воқеаликни англаш ягона жараёнида идрок ва фаҳмлаш ўртасида яқин ва узвий алоқа мавжудлигини яна бир тасдиғи бўлиб хизмат қилади. Предмет ва ҳодисаларни фаҳмлашнинг бошланиши деб уларни *таниб олиш жараёни* белгиланган.

Физиология нуқтаи назаридан таниб олиш деганда фаоллаштириш, яъни, олдиндан кўрган ёки билган объектларни ёки бўлмаса уларга ўхшаш объектларни биринчи кўрганда одамда ҳосил бўлган вақтинчалик алоқаларни қайта тиклаш, жонлантириш кўзда тутилади. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, вақтинчалик алоқалар қанчалик мустаҳкам ва уларнинг фарқи қанчалик билинмас бўлса, таниб олиш жараёни шунчалик тез ва аниқ кечади.

Таниб олиш жараёни объектнинг фақатгина маълум аломатлари асосида амалга ошириб, бунда одамнинг бошқа сифат ва хусусиятларига эътибор қилмасдан, аломатлар ёрдамида объектни муайян гуруҳга киритади. «Таниб олиш аломатларнинг умумий миқдоридан айримларини, кўпроқ ажралиб турганларини айни билишни ва бундай гуруҳни эслаб қолишни назарда тутати».

Объектнинг унинг айрим томонларини ўрганиш ва вақтинчалик алоқа тизимларининг шаклланиш сифатлари асосида англаш муҳим аҳамиятга эга. Бу бутун мажмуа ичидан фақат биригина қўзғатувчининг ҳаракати натижасида бутун тизимда қўзғалиш юз беришига имкон бериб, объектнинг унинг баъзи аломатлари асосида таниб олиш имкониятини асослайди.

«Икки марта шаклланган» ва «кўп марта шаклланган» деб аталувчи тасвирларни идрок этиш алоқа тизимлари фаолиятининг ёрқин мисоли бўлади.

Таниб олиш жараёнида сўз ҳам катта аҳамиятга эга. Сўзнинг маъноси таниб олиш қийин бўлган пайтда яхши ифодаланади. Чунки объектнинг ташқи аломатлари жуда ҳам оз миқдорда тасвирланган ёки улар шунчалик билинмас даражада бўладики, уларга асосланиб объектнинг бирданига таниб олиш жуда қийин. Бундай шароитда объектнинг тилга олиш бирданига бу сўз билан боғланган алоқаларни ишга туширади ва бунинг натижасида объект бирданига таниб олинади. Идрок жараёнида икки огоҳлантирувчи тизимнинг ўзаро ҳамкорлик асоси бўлиб қўзғалишнинг бир огоҳлантирувчи тизимдан иккинчисига узатилиши хизмат қилади ва бу ҳолат онгли равишда қўзғатувчи бўлган у ёки бу предметнинг таниб олиш имконини беради. Бир

пайтнинг ўзида сўзларга асосланган алоқалар биринчи огоҳлантирувчи тизимга узатилади ва натижада сўзнинг таъсири остида тўла ва кенг ҳолда идрокнинг ўзгариши амалга ошади.

Таниб олиш жараёнида сўзнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаган ҳолда тасвирий фаолиятда бу омилни албатта ҳисобга олиш керак. Тасвир ёки графика ва айниқса узоқ кенгликлар, яъни, пейзаж ва одамлар иштирокидаги композициялар тасвирланган асарларда рассом, чизикли ва ҳавоий истикболлар, предмет сатҳида ёруғлик соясининг тақсимланиши ҳамда композицияга тааллуқли бошқа бир қатор қонуниятларга амал қилган ҳолда, албатта узоқда жойлашган, аниқ ва тўла кўринмайдиган предметларни ҳам чизади. Жуда узоқда, масалан, уфқ чизиғида жойлашган предметлар одатда унчалик билинмайдиган доғ, шакл ва шарпалар сифатида тасвирланади. Шу билан биргаликда, тасвирни идроклаш жараёнида узоқда жойлашган объектларни ажратиб олиш қийинлигига қарамай, кўз билан идроклаш вазифаси ҳар бир муайян ҳолатда бир пайтнинг ўзида одамдан фаҳмлашни ҳамда энг аввало, тасвирдаги объектлар узоқ ёки яқин масофада жойлашганидан қатъий назар, уларни таниб олишни талаб этади. Агарда томошабин тасвир композициядаги бирор бир унсурни таний олмаса ёки унга тушунмаса, асар композицияси мазмунини ҳам тўлиқ англай олмайди. Яна шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, асар композициясининг ҳамма унсурлари тартибли равишда галма-гал «ўқилиб бориши» керак ва шунинг билан бирга тасвирдаги узоқда жойлашган бошқа асосий ва иккинчи даражали унсурларни фаҳмлаш учун томошабин ортиқча вақт сарфланмаслиги ҳам лозим.

Тасвирий фаолиятда одамнинг тажрибаси, маҳорати, дунё қараши, қизиқишлари ҳамда идрокнинг юқорида таъкидлаб ўтилган омилларга боғлиқлигини ўзига хос равишда воқеалик муносабатларига баҳо бериш билан белгиланадиган идрокнинг *апперцепцияси* муҳим аҳамиятга эга.

Идрок жараёнида апперцепция ҳолати ўз-ўзидан ҳар бир муайян одамнинг турли-туман ҳаётий тажрибаси, яъни, турли хилда кечадиган ҳаёт

шароити, тарбияси, билими каби омиллар билан асосланади. Апперцепция шартли равишда *доимий* ва *вақтинчалик* турларга бўлинади.

Вақтинчалик апперцепция тез ўзгарувчи шароитлар натижасида ёки қўққисдан ҳосил бўлади.

Бундай шароитлар деганда одамнинг айна вақтдаги ҳаяжонли ҳолатини, бундан олдинроқ унда бўлиб ўтган идрок фаолиятини, фаолият давомида шаклланган у ёки бу савол каби тушунчаларни англаш керак.

Доимий (барқарор) апперцепция одатда одамнинг узок вақт давомида орттирган тажрибасидан келиб чиқади.

Одам узок вақт давомида у ёки бу фаолият билан шуғулланганда унда касбий апперцепция ҳосил бўлади.

Билимнинг идрок тавсифи ва мазмунига бўлган таъсири, яъни идрокнинг апперцепция ҳолати, тасвирий фаолият жараёнида энг аввало тасвирланаётган объектларнинг фазовий ҳолатини, уларнинг шакл ва таққосланишини предметларни куриш ҳақидаги амалий қонунлар асосида тўла, аниқ, тез ва фаҳмли равишда идрокланишида намоён бўлади.

Ҳар бир тасвирланаётган предмет ўзининг муайян шаклига эга бўлиб, унинг айрим қисм ва жузлари бир бирига нисбатан муайян ўлчамдаги фарқни ташкил қилади.

Бизни ўраб турган ҳар бир предмет ўз негизида геометрик тана тузилишига эга. Шунинг учун ҳам рассомларнинг «бу предмет куб шаклига», «буниси эса цилиндр шаклига», «мана буниси бўлса думалоқ шаклга эга» деб айтишлари бежиз эмас. Энг мураккаб объектлар эса, уларнинг негизи геометрик таналар уюшмасидан иборат эканлигини назарга олиб, «мураккаб» ёки «қуроқ» предмет деб аталади. Бундай объектларга мисол қилиб чойнак, бидон идиш, турли хил машиналар, ҳайвонлар ва атрофимиздаги шунга ўшаш бошқа предметларни келтириш мумкин. Тасвир жараёни учун одам ҳам мураккаб объектлар турига киради.

Дунёда мавжуд бўлган предметлар тузилишидаги геометрик асос бу тасвирий фаолиятдаги воқеавий предметларнинг ҳаммасини хаёлий-абстракт

геометрик таналар билан алмаштириш керак деган тушунча олиб келмаслиги керак. Тасвирий фаолиятда мавжуд бўлган барча мураккаблик аввало тахлитга ўхшаган ташқи шаклга қараб туриб, сўнгра асар устида доимий ишлаш давомида геометрик танани мураккаб, тўла воқеавий тасвир даражасигача кўтариш орқали соддалаштирилган оддий шаклдан предметнинг ҳақиқий, реалистик шаклини яратишда мужассамланади.

Тасвирий санъат асарлари яратиш жараёнида идрок орқали объектдаги энг муҳим қисмнинг инсон онгига қабул қилиниши, яъни, апперцепция муҳим ўрин тутди. Айни шу ҳолатда апперцепция рассомнинг олдинги тажрибаси, мақсади ва қизиқишлари таъсири билан идрок жараёнига асосланади. Ушбу апперцепция рассомда касбий тарзда мавжуд бўлиб, у ўзининг барқарорлиги билан тавсифланади. Рассомлар бу ҳолатни одатда натурани «кўра билиш» ва айрим ҳолларда эса «назарни йўлга қўйиш» деб ҳам аташади.

Предметни «кўра билиш» бу аввало ундаги асосий, муҳим шакл ёки маънони кўриш дегани. Рассомдан биринчи навбатда предметнинг амалий тузилиши, унинг фазовий ҳолати, нисбатлари, ранги ва ёруғлик соясининг унинг сатҳида акс этиши каби хусусиятларини билиш талаб этилади.

Буларнинг ҳаммасини қоғоз ёки холст устида тасвирлаш ёки ҳайкалда ифодалаш реалистик санъатнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Кўпгина буюк рассомлар ҳам «кўра билиш» қобилиятини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришган. Масалан, П.П.Чистяков ёш рассомларни тарбиялаш ва улар маҳоратини ривожлантириш ҳақида қайғуриб, «Энг аввало, ростакамига, аслга қарашни ўргатиш керак, бу сал кам, энг керакли ва анча қийин иш», - деб айтган.

Тасвирий фаолият жараёнидаги кўриш орқали идрок этишнинг хусусиятларини тадқиқот этувчи бир қатор руҳшунос олимлар ҳам бу ҳақдаги ўз фикрларини айтиб ўтишган. Масалан, олим Б.П.Теплов «Тасвирий санъатда тасвирлашнинг вазифаси моддалар асл «шаклини», одатий-ҳаётий

назардан ёпиб турган умумий-кўникма тасаввурлар пардасини ечиб ташлаган ҳолда, жиддий идрок этишни талаб этади», - деб айтган.

Апперцепция ҳодисаси танлаб амалга ошириладиган идрок жараёнида, яъни, бир гуруҳ объектлар ичидан муайян объектни ёки бўлмаса унинг айрим хусусият ва аломатларини уларда мавжуд бўлган барча сифатлар ичидан афзал кўришда акс этади.

Одам томонидан уни ўраб турган предметларга нисбатан ва уларнинг аҳамияти, одамнинг қизиқиши ва олдинги тажрибаси билан асосланган муносабатларнинг муайян шакли бўлган танлаш идроки рассомларда айниқса яхши ривожланган. Бу ҳол шундай тушунтириладики, тасвирлаш жараёни ўзига хос ҳолат бўлиб, рассомлар доимий равишда айрим предметларни танлаб туриб, бошқаларини ўз эътиборларидан четга суриб туришлари ёки бўлмаса уларнинг бир хусусиятларига эътибор қилиб, бошқа сифатларини назардан чиқариб туришлари керак.

Масалан, агарда рассом қалам ёрдамида аслга қараб бирор бир асар яратаётган бўлса, шу предметнинг рангини у асло таҳлил қилмайди. Ранг унинг учун айтиш пайтда гўёки мавжуд эмасдай. Унинг асосий эътибори тасвирланаётган предметнинг нисбатлари, шакли, фазовий ҳолати каби сифатларини идроклашга қаратилади. Агар тасвирда ёруғлик сояси ҳосил қилиш лозим бўлса, расм чизиқли равишда тузилгандан кейин кўриш воситасида амалга ошириладиган асосий таҳлил предметнинг сатҳига ўтиб, шаклнинг истиқболли қисқариши ва унинг нисбатлари иккинчи навбатга ўтказилади. Рангли тасвир яратишда эса аксинча, аввало объектнинг ранг сифатларининг идрокланиши кечади. Шундай қилиб, тасвирий фаолият давомида рассом ўз олдида кўйилган вазифадан келиб чиққан ҳолда воқеалик объектларини турлича қабул қилади.

Кўшимча қилиб шуни айтиш керакки, рассомларда мавжуд бўлган танлаб идрок этиш қобилияти уларда фақатгина иш жараёнида эмас, балки уларнинг кундалик одатий ҳаётларида ҳам намоён бўлиб туради. Бундай кишиларни аввало одамлар ва табиатнинг гўзаллиги, уларда мавжуд бўлган

чизиқларнинг мутаносиблиги, шакли ва ранги ўзига жалб қилади. Агарда рассом ўз асари устидаги бирор бир фикр билан жиддий банд бўлса, унинг акли атрофидаги объектлардан асоссиз равишда чалғиб, аввало ўзининг композициясига алоқадор бўлган нарсаларни, яъни, суҳбатдоши юзида ифодаланган лаҳзалик кечинмани, кўчадаги пиёдаларнинг ҳаракатини, барглари шамолда тебраниб турган мажнунтолни ва шунга ўхшаган бошқа нарсаларни идрок этади.

Физиология нуқтаи назаридан идрокнинг танлаш хусусияти бош мия пўстлоғидаги бирор бир кўзғалиш ўчоғи фаоллашувининг устунлиги ва айна шу пайтда пўстлоғдаги бошқа қисмлар ҳаракатининг тўхташи билан асосланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, асл сиймога қараб тасвир чизилаётганда идрокнинг танлаш хусусияти ишни бошлаш босқичида айниқса кучли бўлади. Бу ҳол рассом иш бошлаши учун қайси жойни танлагани, объект қайси томондан қаралганда янада тўла ва таъсирли кўриниши ва композициянинг хусусиятлари каби омилларга боғлиқ.

Рассомнинг иш бошлашдан олдин тасвирланиши керак бўлган объект атрофида соатлаб юриши ва шунингдек қулай ва муносиб жой танлаши ҳам бежиз эмас.

Идрокнинг *муқимлиги* бу кўз орқали қабул қилинадиган объектларнинг олдин уларга нима таъсир қилганидан қатъий назар, одамга кўриниб турадиган айрим хусусият ва сифатларининг кўп ёки оз даражадаги доимийлигидир.

Тасвирий санъат фаолиятида *рангни идрок этиши муқимлиги, предметнинг ўлчамларини идрок этиши муқимлиги, предметнинг шаклини идрок этиши муқимлиги* каби тушунчалар мавжуд.

Ёз фаслининг айна туш пайтида қуёшнинг ёрқин нурларида товланиб турган кўмир бўлағи қайтарадиган ёруғлик нури шу куннинг кечки пайтида бўр қайтарадиган нурдан 8-9 марта кўпроқ бўлсада, бироқ у барибир ўзининг

коралигича қолаверади. Ёки бўлмаса, биз оппоқ қоғоз варақни ҳар доим, хаттоки ёруғлик 200-250 марта пасайган кечки пайтда ҳам оппоқ деб қабул қиламиз. Келтирилган ушбу мисоллар рангни идрок этишдаги муқимлик ходисасини тушунтириб беради.

Рангни идрок этишдаги муқимлик ёруғлик шароити ўзгарганда ҳам предмет ўзининг ҳақиқий рангини сақлаб қолишида акс этади.

Ёзиш учун ишлатиладиган оқ қоғозни биз қуёш ёруғида ҳам, электр чироғи ёруғида ҳам оппоқ деб қабул қиламиз. Ваҳоланки, электр ёруғлиги таркибида сариқ ва қизил нурлар кўп бўлиб, кўк ранг миқдори эса оз. Агарда ёруғликнинг хроматия ранги янада кўпроқ ёрқинлашса, рангининг муқимлиги йўқолади ва ёруғликдаги предметлар шу ёруғлик ранги билан бўялгандай туюлади.

Рангни идрок этиш муқимлиги бир қатор омилларнинг таъсири билан асосланади. Улар орасида назар остидаги майдон ёруғлигининг умумий даражасига тааллуқли бўлган *адаптация* (кўникиш) аҳамиятли ўринни эгаллайди. Бу томошабинда мавжуд бўлган объектнинг ҳақиқий ранги ҳақидаги тасаввур, яъни, ахроматия қарама-қаршилиги ҳолатидир.

Предметнинг ўлчамларини идрок этиш муқимлиги деганда объектлар томошабиндан унча катта бўлмаган масофада узоқлашганда ҳам уларнинг кўриниб турган катталиқдаги ҳолатининг сақланиб қолиши назарда тутилади.

Масалан, 4 ва 12 метр узоқликдаги масофадан туриб автомобилга қаралса, унинг ўлчамлари деярли ўзгармагандай, ваҳоланки одамнинг кўз пардаси тўрида ҳосил бўладиган унинг акси масофа ўзгарган сари ўзгариб туради. Бу ҳолни предметлар узоқ масофада йироқлашганда уларнинг ўлчамларининг идроки кўз пардаси тўрида ҳосил бўладиган улар сиймоси ва турли масофадан туриб объектларни илғаб олиш учун мослашаётган кўз мускулларининг зўриқиши билан тушунтириш мумкин. Идрок воситасида қабул қилинаётган объектнинг ўлчамларини уни ўраб турган объектларнинг маълум ўлчамлари билан солиштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Предметнинг шаклини идрок этишнинг муқим бўлиши учун физиологик асос бўлиб хизмат қилувчи вақтинчалик алоқа жараёнида ҳосил бўладиган рефлекторли фаолиятнинг ташкил топиш хусусиятларини кашф этган физиолог-олим И.П.Павлов шундай деб ёзган: «... предметнинг ҳақиқий ўлчамлари ҳақидаги тасаввурни ишлаб чиқариш учун тасвирнинг кўз пардаси тўрида ҳосил бўладиган маълум ўлчами ва кўздаги ички мускулларнинг маълум иши талаб этилади... Кўз пардасининг тўри орқали ва ушбу мускуллардан келаётган ва ўлчами маълум бўлган предметнинг таъсирли сезги қўзғалиши билан бир неча маротиба мослашган қўзғатишларнинг маълум комбинацияси предметнинг ҳақиқий ўлчамлари ҳақидаги сигнал ва шартли қўзғатувчи бўла олади...»

Предмет шаклини идрок этиш муқимлиги томошабиннинг назар чизиғига нисбатан бўлган ўзгарувчан ҳолат шароитида ҳам предметнинг шаклини идрок этиш доимийлигини акс эттиради.

Ҳар қандай идрок турига ҳам тайёр ҳолда ёки қандайдир йўллар орқали қабул қилинган тасвирга қарагандай эмас, балки жараёнга қарагандай қараш керак. Идрок жараёнининг босқичма-босқич ҳолда муайян тартибда амалга ошиши жуда қисқа муддат давомида кечадиган идрок жараёнида ҳам, анча узоқ муддат давомида кечадиган идрок жараёнида ҳам кузатилади. Рухшунос олим И.М.Сеченов кўриш идрокларини «*батафсил кўриш реакцияси*» ва «*ташқи импульснинг биринчи умумий таассуротли таъсири*» деб аталувчи икки асосий шаклга ажратган.

Идрокнинг ташқи импульснинг биринчи умумий таассуротли таъсирида, яъни, унинг оний равишда кечадиган жараёнида объектни ёки унинг бирор бир хусусияти ёки аломатини таниб олиш амалга ошади. Чунончи, транспорт ҳаракати мавжуд бўлган кўчадан ўта туриб, кўзларимиз воситасида биз томонга яқинлашиб келаётган автомобилни илғаймиз ва унғача бўлган масофани оний тезликда аниқлаб оламиз.

Воқеаликдаги предмет ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни ушбу тарзда қабул қилиш одамга муайян воқеалик ҳолатларида ўзини бошқариши

учун ёрдам беради ва шунинг билан бирга унга қисман ва тўла бўлмаган билим беради. Воқеалик объектлари ҳақида чуқур ва тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун эса одамга идрокнинг тафсилли кўриш реакцияси лозим бўлади. Идрокнинг ушбу шакли қоғоз ва ҳайкалда тасвирланадиган ва объект сифатида хизмат қиладиган у ёки бу предметнинг ўрганиш жараёни учун албатта керак бўладиган омилдир.

Бироқ кўп ҳолларда, тасвирий фаолиятнинг ўзига хослиги тасвирланаётган объектнинг асосий хосса ва сифатларини англашда оний идрокнинг ўрнини асослаб беради. Яъни, баъзида рассом жуда қисқа вақт - 10-12 дақиқа давомида асл сиймода мавжуд бўлган асосий сифатларни, чунончи, амалий тузилишни, шаклнинг истиқболли қисқаришини, ранг ва ҳаракатни ва шунга ўхшаган бир қатор омилларни тасвирлаши керак. Бундай ҳолда асл сиймонинг керакли сифатларини етказиш ва шу асосда уни ўрганиш, хоссалари ва қонуниятларини англаш фақатгина қисқа муддатда ва жуда тез амалга ошириладиган асл сиймонинг чизмаси сифатида намоён бўлади. Одатда, қисқа вақтда ва тез бажариладиган чизма пайтида идрок жараёни ўзининг таъсир кучлари ва оний идрокнинг аниқ йўналтирилганлиги билан тавсифланади.

Тез бажариладиган чизма воситасида энг асосий ва фақат сиймога хос бўлган томонларни акс эттириб ва иккинчи даражали барча жуз ва омиллардан холи бўлиб, рассом аксарият ҳолларда воқеаликни ўрганишда сезиларли натижаларга эришади. Айни пайтда, шу усулда тез-тез амалга ошириб туриладиган машқлар рассомларда объектларни яхлит тарзда кўриш, жараён давомида фақат ўзлари учун керак объектлар қисмини назарлари билан «эгаллаш» каби сифатларни тарбиялаб, бундан ташқари, уларнинг кўриш анализаторлари сезгирлигини ранг, ёруғлик соялари муносабатлари, қиёсий нисбат, тасвирланаётган объектлардаги фазовий ҳолат, кўзнинг чамалаш имкониятлари сифатидаги кўрсаткичларга нисбатан самарали равишда ривожланишига ёрдам беради. Тасвирий санъатнинг кўзга кўринган машҳур намояндалари асл сиймога қараб тасвир яратишга катта аҳамият

берганликлари бежиз эмас албатта. Леонардо да Винчи эслаб қолиш қийин бўлган «чексиз шакл ва ашёлар ҳолатини» тушуниш учун ўз навбатида ёрдам поғонаси бўлган мунтазам равишда амалга ошириб туриладиган тез бажариладиган чизмаларни рассомнинг биринчи вазифаси деб ҳисоблаган.

И.Е.Репин бирор дақиқа ҳам қалам ва қоғозсиз қолмасдан, бутун умри давомида чизмалар билан шуғулланган. Агарда чизмалар рассомнинг босиб ўтган ижодий фаолиятида қандай аҳамиятга эга бўлганини ҳисобга олсак, бу унинг учун табиий ҳол эканлигини англаймиз. Бу рассомнинг қўллари ва кўзлари асл сиймога қараб тасвир яратишга шунчалик мослашган эканки, врачлар унга ҳеч бўлмаса якшанба кунлари расм чизишдан ўзини тийиш лозимлигини тавсия этиб, унга қалам бермасалар ҳам, К.И.Чуковскийнинг айтишича, рассом папирос қолдиғини кулдонга ботириб туриб, таъсирли тасвирлар яратишнинг уддасидан чиққан экан.

Кўп ҳолларда идрок *мустақил фаолият* сифатида тавсифланади. Тасвирий жараёнда идрок қарийб ҳамма вақт мустақил фаолият сифатида ажралиб туради. Ушбу мустақил идрок айниқса кузатиш пайтида яққол намоён бўлади.

Кузатиш деганда мақсадли равишда амалга ошадиган идрокни тушуниш керак.

Агарда идрокли мақсад аниқ ва муайян бўлмаса тасвирлаш жараёнини тасаввур этиш мантиқсиз ҳол бўлади ва шунинг учун ҳам тасвирнинг муваффақияти кузатиш қандай ташкил этилганлиги билан узвий боғлиқдир.

Муайян йўналиши ва мақсадининг мавжудлиги билан тавсифланган кузатиш орқали одамни ўраб турган оламни сезги асосида англаш фаолияти шаклининг акс эттирилишидир.

Кузатишнинг физиологик асоси бўлиб хилма-хил ва муносабатларининг мураккаблиги билан ажралиб турувчи биринчи ва иккинчи сигнал тизимлари ҳисобланади. Кузатиш бошланган заҳоти идрок жараёнини муайян томонларга йўналтирувчи, воқеаликдаги предмет ва ҳодисаларнинг сифатларини, мақсад ва вазифаларининг сўз билан

ифодаланган шаклланиши юз беради. Бундай вазиятда иккинчи сигнал тизимининг вақтинчалик алоқалари биринчи сигнал тизимига бошқарувчи таъсир кўрсатади. Айни пайтда акс таъсирли жараён ҳам юз беради. Яъни, кузатиш тўплаган барча бойликлар - идрок воситасида қабул қилинган турли сезги хусусиятларининг ҳаммаси у ёки бу сўз билан ифодаланиб, иккинчи сигнал тизимида акс этади. Бу эса ўз навбатида кейинги кузатиш учун янги вазифа ва саволлар қўйилишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, янги вазифа ва саволлар сўз билан ифодаланади ва иккинчи сигнал тизимида янги вақтинчалик алоқаларни фаоллаштириш юз беради. Шундай қилиб, кузатиш жараёнида биринчи ва иккинчи сигнал тизимлари доимо ўзаро ҳаракатда бўлишади.

Кузатиш борасида тез-тез амалга ошириб туриладиган машқлар одатда предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг асосий, янада ифодаланган хусусиятларини ҳамда тез илғаб бўлмайдиган, унчалик муҳим бўлиб туюлмайдиган хоссаларини ажратиш олиш қобилиятларининг ривожланишига олиб келади.

Шахснинг руҳий хусусияти ҳисобланмайдиган кузатувчанлик авлоддан авлодга узатиладиган туғма қобилият эмас. Кузатувчанлик тез-тез амалга ошириб туриладиган машқлар, одамнинг муайян билимлари ва шахсий тажрибаси асосида ривожланиб боради.

Ўзининг ҳаёт ва иш фаолияти давомида одам ҳар доим турли хилдаги предметларни, уларнинг қисмлари ва айрим сифатларини қиёслаб ва таққослаб бориб, бу сифатларни тушунтирадиган, уларни ўзаро боғлайдиган, ягоналигини асослайдиган ва фақатгина уларга хос бўлган омилларни ўрганади ва қабул қилиш учун уларда мавжуд бўлган асосий объектларни ажратади.

Кузатувчанликни ривожлантириш учун идрок жараёнини юқори сифатда ташкил этилиши, бундан ташқари, энг аввало, кузатишни муваффақиятли амалга ошириш учун шароитлар, яъни, кузатиш вазифаларининг аниқ ва равшан бўлиши, кузатиш мунтазам, фаол ва режали равишда давом этиши лозим.

Тасвирлаш жараёнида рассом асл сиймони кузатар экан, у ўз олдига аниқ вазифалар кўяди. Тасвирланаётган объектнинг ҳақиқий кўринишини акс эттирган ҳолда уни томошабинга етказиш учун керак бўладиган аниқлик эса объект мазмунининг барча қирраларини диққат билан кузатишни талаб этади ва бу ҳол мусаввирнинг кузатувчанлиги ривожланганлигини белгилайди.

Рассомнинг кузатувчанлиги тасвирий амалиётда фикрий фаолиятнинг иштироки билан бир қаторда аввало солиштириш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва синтезни ҳам асослайди. Одатда, рассомлар ўзларининг юқори даражадаги кузатувчанликлари билан ажралиб туришлари ажабланарли ҳол эмас. Яна бир эътиборли ҳол шундан иборатки, кузатувчанлик қобилиятига эга бўлмаган рассом бирор бир жиддий асар ярата олмаслигини яхши билган тасвирий санъатнинг аксарият усталари ўзларининг кузатувчанликларини оширишга алоҳида эътибор беришади.

Тасвирий ижодиётнинг ўзига хос бўлган томонлари рассомдан турли хилдаги кузатишлар ва бой тааасуротларни талаб этади. Шунинг учун ҳам рассом қаерда бўлишидан қатъий назар, доимо кузатиб юриши ва бир боқишда илғаб олиш қийин бўлган ҳодиса ва тафсилотларни кўра билиши лозим. Фақат шундагина кузатувчанлик рассомнинг ажратиб бўлмас шахсий хусусият ва кўникмасига айланади.

Идрок жараёнининг умумий қонунлари ва уларнинг тасвирий фаолиятда тутган ўрни ҳақида сўз юритилар экан, аввало асл сиймога қараб туриб асар яратишга алоҳида эътибор бериш керак. Асл сиймо билан ишлар экан, рассом ўзини ўраб турган воқеаликни янада чуқурроқ ва янада тўлароқ ҳис этади. Чунки бу пайтда унга тасвир объекти бўлиб бевосита ҳиссиёт ва идрок жараёнлари ҳамда фикрнинг фаол ишлаши туфайли ўзининг ҳамма қирраларини намоён қилаётган у ёки бу предмет хизмат қилади. Аслга қараб яратилган ҳар бир объект рассом учун бир вақтнинг ўзида маърифатнинг тасвирий ва ҳиссиётли асосини ҳам, қиёс, таҳлил, синтез ва хаёлий фикр учун материал ҳам, мулоҳаза ва хулоса учун имкон ҳам беради. Бошқача қилиб

айтганда, аслга қараб ижод қилиш ўрганиш жараёни билан бир қаторда ягона маърифат жараёнининг ҳамма қисмларини, яъни ҳиссиёт, идрок ва тафаккурни билишни ҳам қатъий талаб этади. Бизни ўраб турган воқеаликдаги объектлар тасвирини ўрганишнинг асосий ва пешқадам шакли ҳисобланган аслга қараб ижод қилишнинг муҳим аҳамияти айнан мана шу асосларда намоён бўлади.

Дунё тасвирий санъат асарларининг барча машҳурлари ҳам картина ва этюдлар шаклида асл сиймони чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш натижасида яратилган.

Шундай қилиб, воқеаликка чуқур кириб бориш, унинг билан бевосита мулоқотда бўлиш, иложи борича кўпроқ таассуротларга эга бўлиш ҳамда уни тўла ва чуқур ҳис этиш тасвирий санъат майдонида фаолият кўрсатувчи ҳар бир рассом учун энг муҳим шартдир.

ҲИССИЁТ ҲИССИЁТ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Воқеаликнинг аксланиб кўриниши ҳиссиётдан бошланади. Ҳиссиёт предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг бевосита сезги органларига таъсир қиладиган баъзи бир хусусиятларини ифодалайди. Одам ҳиссиёт орқали предметларнинг ранги, ҳиди, таъми, ғади-будурлиги, қаттиқлиги каби хусусиятларини билиб олади. Ҳиссиётларимиз туфайли биз танамиз ва унинг аъзоларининг бўшлиқдаги ҳаракат ва ҳолатини аниқлашимиз мумкин.

Ҳиссиётлар мавжуд бўлган воқеалик ҳақидаги билимларимизнинг бош манбаидир. Турли хил хусусият ва хоссаларга эга бўлган предмет ва воқеаларнинг акси одамнинг зеҳни ва идрокида ифодаланади.

Воқеаликнинг акси предмет ва воқеаларнинг кўринишлари сифатида кўзғатувчи омиллар таъсирининг тўхташидан кейин ҳам, ёки улар мавжуд бўлмаган пайтда ҳам, табиийки, олдинроқ одам онги қабул қилган предмет ва воқеалар, уларнинг муайян сифат ва хоссалари намоён бўладиган тасаввур кўринишида амалга ошиши мумкин.

Ҳиссиёт, идрок (қабул қилиш) ва тасаввур қилиш - предметларнинг кўринишли образлари ҳисобланади.

Сезги органлари воситасида амалга ошадиган воқеаликнинг акси ҳис қилиб бўладиган акс ҳолат дейилади. Бу акс ҳолат бизни предметларнинг бевосита қабул қилинадиган томонлари ва сифатлари билан таништиради ҳамда улар ҳақида маълумот беради.

Бироқ, аксарият предметлар ва уларнинг хусусият ва хоссалари одам томондан бевосита қабул қилинмайди. Масалан, атомларни ва уларнинг бўлиниш жараёнларини биз кўра олмаймиз. Ваҳоланки, уларнинг амалда мавжудлиги ҳеч қандай исбот талаб қилмайди. Бундай ҳолатларда билимга воситали равишда, яъни таққослаш, умумлаштириш, хулоса ва ҳоказолар асосида эришилади. Бунда одам албатта ўзига берилган ҳиссиёт ва идрок имкониятларига асосланади. Воқеаликдаги дунёнинг воситалар орқали ва умумлаштирилган ҳолда бу шаклда аксланиши тафаккур дейилади.

Ҳиссиёт, идрок ва тафаккур биргаликда воқеалик акс этишининг ягона жараёнида ажралмас қисм бўлиб хизмат қилади. Дунёда бизни ўраб турган предмет ва воқеа-ҳодисаларни ҳиссиётли равишда кўргазмали англаш бу бирламчидир. Бироқ, ҳар қандай предмет ва воқеани ҳис қилиш, идрок қилиш ва кўз олдига келтириш билан бир қаторда, одам уларни таҳлил ҳам этиши, умумлаштириши, муайянлаштириши ёки бўлмаса, бошқача қилиб айтганда, ўзининг ҳиссиёт ва идрокида нималар тасаввурланаётганини ўйлаши керак. Ҳис қилиш, идрок қилиш, тасаввур қилиш ва фикрлаш биргаликда маърифат жараёнларини ташкил этишади.

Ижтимоий-тарихий тараққиётнинг фаол иштирокчиси бўлган одам меҳнат ва бошқа фаолият жараёнлари давомида ташқи, табиий ва ижтимоий муҳит билан биргаликда ўзининг шахсиятини, яъни, руҳий хусусиятларини ҳамда шахсий жисмоний ва руҳий табиатини ҳам ўзгартириб борган. Меҳнат ва фаолият одамда мавжуд бўлган янада нафисроқ ва янада аниқроқ тарзда намоён бўладиган ҳиссиёт ва идроки билан бир қаторда, ундаги фикрлаш, эътибор, кузатувчанлик ва тасаввур қилиш каби ҳолатлари ривожланишини

асослайди, маълум даражада одамнинг ирода билан боғлиқ бўлган сифатларини, ундаги лаёқат ҳиссини, уддалаш, кўникма қобилиятларини шакллантиради ва унинг қизиқиш ва мойиллиги ўсишига ёрдам беради. Фаолият давомида одамнинг феъли шаклланади. Буларнинг ҳаммаси одам руҳиятига бевосита атрофдаги воқеалик аксланиши тарзида таъсир кўрсатади.

Айни бир пайтда сезги органларига таъсир қилаётган моддий воқеаликнинг предмет ва воқеа-ҳодисаларининг баъзи бир қирралари, сифатлари, хусусиятларининг аниқ ва муайян акс этиши ҳиссиётдир.

Ҳиссиётнинг пайдо бўлиши учун энг аввало сезги органларига таъсир этувчи ва бу ҳолатда *қўзғатувчилар* деб аталувчи моддий воқеаликка қарашли бўлган предмет ва воқеа-ҳодисалар мавжуд бўлиши керак. Физиолог-олим И.П.Павлов шундай деб ёзган эди: «*Биз катта миқдордаги тасвирлар, товушлар ва ҳоказолар билан ўраб олинганмиз.., агарда улар бирор бир нуқтаи назардан бизга муҳим тарзда таъсир кўрсатмаса, биз уларга эътиборсизлик билан қараймиз.., худдики улар мавжуд эмасдай.*». Қўзғатувчиларнинг сезги органларига таъсири *қўзғалувчанлик* деб аталади. Нерв тўқимасида кечадиган қўзғалувчанлик жараёни *қўзғалишни* ҳосил қилади. Ташкил топиши энг мукаммал бўлган нерв хужайралар тизимининг қўзғалиши бош мия пўстлоғи хужайраларининг иштироки билан биргаликда ҳиссиётни вужудга келтиради.

Ҳиссиётнинг физиологик асоси - ҳиссиёт органларининг мураккаб фаолиятдан иборат. И.П.Павлов буни таҳлилий (анализаторный) фаолият деб баҳолаб, жуда ҳам мураккаб равишда ташкил топган, қабул қилувчи жиҳозлар сифатида фаолият кўрсатувчи ва бош мияда кечадиган қўзғалишларни бевосита таҳлил этувчи хужайралар тизимини эса анализаторлар (таҳлилчилар) деб номлаган эди.

Анализатор учта махсус бўлимлар - устки (периферияли, рецепторли), узатувчи (ўтказувчи) ва марказий (мия) бўлимлардан иборат.

Анализаторларнинг устки рецепторли бўлими барча сезги органларида, яъни, кўз, кулоқ, тери ҳамда организмнинг ички аъзоларида, яъни, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, таносил органлари ҳамда юрак-томир тизимида жойлашган махсус рецептор аппаратлардан иборат.

Оғрикни сезиш барча анализаторларга хос хусусият бўлиб, бунинг натижасида организм қўзғатувчи томонидан унга нисбатан солинаётган таҳдиднинг хоссалари ҳақида маълумот олади.

Одам янада яхшироқ кўриши, эшитиши, сезиши учун турган жойини, гавда вазияти ва ҳолатини ўзгартиради, пайдо бўлган объектга қараб бошини буради, кўзларини пирпиратади, пешанасини тириштиради ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси анализатор фаоллик билан ўзи учун муҳим бўлган қўзғатувчи омилларга нисбатан ҳаракат қилиб, уларнинг таъсири натижасида ўз фаолиятини қайта қураётганлигидан далолат беради.

Анализатор тескари алоқа тизими бўлиб, миянинг муайян бўлимларидан келаётган сигналлар таъсирида рецепторларнинг амалий ҳолати ўзгаришини ифодалайди.

«Анализаторларни ўзини ўзи бошқариб турувчи, рефлекс даражасида ҳаракатланувчи, ташқаридан кириб келаётган сигналларни бир шаклдан иккинчи шаклга ўтказиб, марказга узатувчи ҳамда ташқи дунёдан олинаётган маълумотларни яхшироқ қабул қилиш учун ўзини ўзи созлаб турувчи тизим сифатида кўриш мумкин. Қўзғатувчиларнинг рецепторларга кўрсатган таъсиридан кейин анализаторда тўлиқ равишда қайта қурилиш содир бўлиб, анализатор фаолиятининг ўзгариши натижасида қўзғатувчининг кейинги қабул қилиш хусусияти ўзгаради».

Ҳиссиётнинг шакллари

Ҳиссиётларни кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, кинестазия, мувозанат, тери, меъда (органик) ҳиссиётларига ажратиш мумкин.

Кўриш ҳиссиётлари

Кўриш ҳиссиётлари ёруғлик нурлари (электромагнит тўлқинлари) нинг кўрувчи аппаратларнинг сезгир қисмлари - кўзнинг ёруғлик рецепторига кўрсатган таъсири натижасида ҳосил бўлади. Кўриш ҳиссиёти туфайли одам ёруғликни, предметларнинг рангини, ҳажмини, катталигини, мутаносиблигини, тузилишини, бўшлиқда жойлашиб туришини англайди.

Одамнинг кўриш аъзоси бўлган кўз узоқ давом этган эволюция натижасида шаклланган. Авваллари, бирламчи кўрувчи аъзо сифатида одамда ёруғликни сезувчи оддий ҳужайралар мавжуд бўлган. Кейинчалик, эволюция давомида бу ҳужайралар гуруҳланиб ва тизимланиб бирлашишган ва кирувчи тешиклари бўлган кўрувчи чуқурчаларни ҳосил қилишган. Ёруғлик сезувчи аъзонинг бундай қурилмаси предметларнинг ҳали унчалик мукаммал бўлмаган тасвирларини қабул қилиш имконини берган. Вақти келиб, одамда нурнинг ёруғлик сезувчи жиҳозга таъсирини кучайтирувчи, сезгир ҳужайралардан иборат бўлиб, кўзнинг ички қисмида жойлашган ва предметларни уларнинг тасвири сифатида ёруғлик сезувчи қатламда қабул қилувчи линза тузилмаси ривожланган.

Одамнинг кўзи ўзининг юқори даражали ривожланиши билан тавсифланиб, унинг кўрувчи жиҳози кўпроқ фотоаппаратни эслатади.

Эшитиш ҳиссиётлари

Товуш тўлқинларининг ички қулоқда жойлашган Корти органига таъсири натижасида ҳосил бўладиган эшитиш ҳиссиётлари ҳам инсон ҳаётида катта ўрин тутди.

Товуш тўлқинлари овоз манбаидан атрофга тарқалган ҳаво заррачаларининг кўндаланг тебранишларидан иборат бўлиб, одамнинг эшитиш органи бир сония давомида 16000 дан 20000 гача бўлган тебранишларга мослашган. Ҳар сонияда 1000-4000 гача бўлган тебранишларни эшитган одам энг яхши кўрсаткичга эга деб ҳисобланади.

Корти органи катта миқдордаги (24000 гача) ва узунлиги турлича бўлган толалардан иборат. Эшитиш нерви Корти органи хужайраларидан бошланиб, қўзғалишни товуш анализаторининг пўстлоқ қисми жойлашган миянинг чакка қисмигача бўлган масофага етказди.

Эшитиш ҳиссиётлари туфайлигина одам гапириш қобилиятига эга. Одатда, эшитиш воситасида одам ўзи ва бошқалар нутқини назорат қилади ва талаффузни тузатади.

Эшитиш ҳиссиётлари *муסיқа товушларини ҳис этувчи, шовқинни ҳис этувчи ва гапни ҳис этувчи* турларга бўлинади. Муסיқа товушларига куйлашдан ва муסיқа анжомларидан чиқадиган товушлар киради. Шовқин товушларига муҳаррик, самолёт, поездларнинг ишлаб турган пайтида чиқадиган товушлар киради. Гап ҳиссиётлари мусиқали (жарангли) ва шовқин (жарангсиз) товушлар қўшилиб ифодаланиши натижасида ҳосил бўлади. Гап ҳиссиётларининг мавжудлиги муסיқа товушлари ва шовқинлар ўртасида кескин чегаранинг йўқлигини яна бир қарра исботлайди.

Ҳар бир одам фақат ўзига хос бўлган товуш тембрига эга.

Ҳид билиш ҳиссиётлари

Бурун бўшлиғининг юқори қисмида жойлашган ҳид билувчи хужайралар ҳид билиш органлари бўлиб хизмат қилади.

Ҳаво билан биргаликда бурун бўшлиғига кирадиган модда заррачалари ушбу хужайраларнинг қўзғатувчилари ҳисобланади.

Одамнинг ибтидоий авлодларида мавжуд бўлган ҳид билиш анализаторлари ҳозирги замон одамларининг ҳид билиш анализаторларига қараганда яхшироқ ривожланган экан. Бу ҳолни ўша узоқ замонларда ҳид билиш ҳиссиёти ибтидоий одам ҳаёти учун муҳим бўлган вазифаларни бажаргани билан тушунтириш мумкин.

Агарда одамда кўриш ва эшитиш қобилиятлари йўқолса, ундаги ҳид билиш ҳиссиёти муҳим ўринни эгаллайди. Баъзи бир кўзлари кўрмайдиган ва қулоқлари эшитмайдиган одамларнинг таъкидлашича, улардаги ҳид билиш қобилияти уларнинг кўзлари бажариши керак бўлган вазифани бажарар экан,

яъни, улар таниш жойларни ва одамларни ҳид воситасида аниқлашар экан. Ҳид билиш ҳиссиётлари таъм билиш ҳиссиётлари билан узвий боғлиқ.

Таъм билиш ҳиссиётлари

Таъм билиш ҳиссиётлари сўлак ёки сувда эриган моддалар кимёвий хусусиятларининг таъм билиш рецепторларига қилган таъсири натижасида юзага келади.

Тилнинг юза қисмида, ҳалқумнинг орқа юзасида, танглай ва ҳиқилдоқда жойлашган таъм билиш нуқталари таъм билиш рецепторлари ҳисобланади.

Таъм билиш ҳиссиётларининг 4 хили, яъни, ширин, нордон, шўр ва аччиқ сезиш ҳиссиётлари мавжуд. Ушбу асосий таъм билиш ҳиссиётларининг мутаносиблиги натижасида бошқа таъм ҳиссиётлари пайдо бўлади.

Таъм ҳиссиётларининг пайдо бўлишида ҳарорат ва тактил ҳиссиётлар ҳам иштирок этади. Бироқ, таъм билиш ҳиссиётларининг пайдо бўлишида ҳид билиш ҳиссиётлари махсус ўринни эгаллашади. Агарда барча ҳид билиш ҳиссиётлари инкор этилса, одамга ҳамма таомларнинг таъми ҳам бир хилдай туюлади.

Тери ҳиссиётлари

Предметларнинг механик ва термик хоссаларининг тери усти, оғиз ва буруннинг шиллиқ қаватларига кўрсатган таъсири натижасида тери ҳиссиётлари пайдо бўлади.

Тери устида ёки оғиз ва буруннинг шиллиқ қаватларида ҳосил қилинган уйғотиш таъсири бош мия марказий бурмасининг орқа қисмида жойлашган анализаторларга узатилади. Тери ҳиссиётлари *тактил*, *ҳарорат* (иссиқлик ва совуқни сезиш) ва *оғриқ* ҳиссиётларига бўлинади. Иссиқлик ҳиссиёти, масалан, механик ва иссиқлик қўзғатувчи омилларнинг тери устида ёйилиб жойлашган ва фақат иссиқлик ҳиссиётини сезадиган нуқталарига кўрсатиладиган таъсири натижасида пайдо бўлади. Терининг бутун сатҳи

бўйлаб совуқлик, оғрик ва тегиб кўйиш ҳиссиётларини пайдо қилувчи нуқталар жойлашган.

Тактил ҳиссиётлар тегиб кетиш, босим ва тебраниш натижасида юзага келади. *Ҳарорат* ҳиссиётлари деганда иссиқлик ва совуқни ҳис қилиш тушунилади. *Оғрик* ҳиссиёти механик, кимё ва иссиқлик таъсирлари натижасида юз беради.

Кинестезик (муҳаррик) ҳиссиётлар ҳаракат ҳолатини ва гавда аъзолари мавқеини тавсифлайди ва ҳаракат аъзоларида юз берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

Мувозанат ҳиссиётлари одам гавдасининг бўшлиқдаги ҳолати ҳақида ахборот беради.

Меъда (органик) ҳиссиётлари одам оч қолганда, тўйиб кетганда, чанқаганда, кўнгли айниганда, ички аъзоларида оғрик бўлганда сезилади.

Ҳиссиётнинг асосий қонуниятлари

Воқеаликни англашнинг бошланғич босқичи сифатида одам ҳаётида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган кўриш ҳиссиётларини тавсифлаб туриб, шуни таъкидлаш керакки, кўзғалишлар ҳаммаси ҳам ҳиссиётни уйғота олмайди. Ҳиссиётнинг пайдо бўлиши учун кўзғатувчи омил керакли даражага эга бўлиши керак.

Одамнинг паст таъсирли, минимал даражадаги кўзғатувчи омилни сезиши ҳиссиёт органларининг мутлақ ҳиссиёти дейилади.

Ҳиссиёт пайдо бўлишига сабаб бўладиган кўзғатувчининг энг минимал даражаси ҳиссиётнинг мутлақ ёки паст бўсағаси дейилади.

Ҳиссиёт пайдо бўлиши учун керак бўлган минимал даражага етолмаган кўзғатувчилар ҳиссиёт бўсағаси ости кўрсаткичлари ҳисобланади.

Мутлақ ҳиссиёт сон кўрсаткичи бўйича ҳиссиётнинг мутлақ бўсағаси нисбатининг тескари миқдorigа тенг. Яъни, мутлақ бўсаға кўрсаткичи қанча паст бўлса (яъни, ҳиссиёт органларига таъсир этувчи кўзғатувчи омил қанча кучсиз даражада бўлса), мутлақ ҳиссиёт шунчалик

кўпроқ бўлиб, бу таъсирларни ажрата олувчи ҳиссиёт органларининг қобиляти шунча юқори бўлади.

Ҳиссиёт органлари сеза оладиган қўғатувчи кучни ўзгартирувчи кўрсаткичнинг энг кичик миқдори *тафовут бўсағаси* дейилади.

Ҳиссиёт органларининг таъсир этувчи қўзғатувчиларга мослашиб олиши натижасида анализаторларнинг ҳиссиёти ўзгариб, бу ҳолат *адаптация* деб аталади.

Кўриш жараёни давомида юз берадиган адаптацияни яққол кузатиш мумкин бўлиб, у ҳиссиётнинг кучайиб бориши ёки пасайиб бориши йўналишида амалга ошириши ва бу жараён 30-40 дақиқагача давом этиши мумкин. Масалан, одам кўзи қорачиғи сезгирлигининг ўзгариши ва унинг сатҳи 17 мартагача кенгайиши натижасида адаптация имконияти 20 миллион мартагача кучайиши мумкин. Бунда ёруғликка мослашиш қоронғига мослашишга қараганда тезроқ амалга ошади.

Ҳид билиш ҳиссиётлари жараёнида адаптация анча тез кечади. Масалан, йод ҳиди анқиб турган хонага кирган одам 50-60 сониядан кейин бу ҳидни сезмай қолади. Бошқа ҳидларга кўникиш анча секинроқ кечиб, адаптация бир неча дақиқагача давом этиши мумкин.

Ҳиссиётларнинг қарама қаршилиги, яъни, контрастлиги ҳам ҳиссиёт қонунларига тегишли ҳол деб ҳисобланади.

Масалан, қора фондаги кулранг учбурчак оқ фондагисига қараганда тўқроқ бўлиб туюлади. Кулранг айлана эса яшил фонда қизилтоб ва қизил фонда аксинча яшилтоб рангли бўлиб кўринади. Аччиқ таъмдан кейин оддий сув ичилса шириндай туюлади.

Ҳиссиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги деганда бир анализаторнинг уйғониши натижасида бошқа бир анализатор сезгирлигининг ўзгариши кўзда тутилади.

Бунга мисол қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: агарда одам терисига энгил тарзда совуқ таъсир ўтказилса ёки паст товушда мусиқа эшиттирилса, унинг кўриш ҳиссиётлари ошади. Ёки бўлмаса, паст товушдаги

музыка одамнинг яшил ва мовий ранглари ажратувчи ҳиссиётларини ошириб, қизил рангларга бўлган ҳиссиётини пасайтиради. Паст даражадаги таъм ҳиссиётлари ҳам одамнинг кўриш қобилиятини кучайтиради. Ёқимли хидлар ҳиссиёти ва енгил тарзда ижро этилувчи музыка овқат пайтида одамнинг иштаҳасини анча оширади.

Кўриш ва эшитиш ҳиссиётларининг ҳамкорлигини аксарият ҳолларда тасвирий фаолият жараёнларида учратиш мумкин. Кўпгина рассомларнинг музыка эшитишни ёқтиришлари ва айна пайтда уни ижро этишлари ҳам бежиз эмас. Музыка тасвирдаги у ёки бу образ, ундаги умумий кайфият, ранг уйғунлиги ва бадиий асар композицияси мазмунини янада яхшироқ «ҳис» этиб, кўриш ҳиссиётининг кучайишига ҳам ёрдам беради. Замондошларининг айтишича, рассом И.И.Левитан ўз асарларини, айниқса «Абадий роҳат устида» картинасини ёзиш пайтида доимо Бетховеннинг музыкаларини эшитган экан.

Ҳиссиётлар ҳамкорлиги натижасида сезгирликнинг ошиш ҳолати сенсбилизация деб аталади.

Бир ҳолатда ҳиссиёт кучайишини ва бошқа бир ҳолатда уни пасайишини ифодаловчи адаптациядан фарқли равишда, сенсбилизация ҳолатида ҳиссиётнинг фақатгина кучайиши кузатилади.

Бирор бир анализатор фаолияти бузилган аксарият ҳолларда бошқа бирларининг ҳиссиёт даражаси кучайганини кузатиш мумкин. Яъни, йўқотилган бир ҳолат иккинчиси ҳисобида тўлдирилади. Масалан, эшитиш ҳиссиёти йўқолса, кўриш ҳиссиёти ва бошқа анализаторларнинг фаолияти кучаяди. Баъзи бир анализаторларнинг ҳиссиёт кучи тўла йўқолганда, бошқа бирларининг юқори даражадаги тараққиёти ҳақида кўзи ожиз, эшитмайдиган ва айна бир пайтнинг ўзида ҳам кўриш, ҳам эшитиш имкониятидан маҳрум бўлган кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти гувоҳлик беради.

Юқорида келтирилган маълумотлар яна бир марта шуни таъкидлайдики, у ёки бу анализаторнинг сезувчанлиги кўп ҳолатда одам фаолиятининг тавсифи ва машқларга боғлиқ. Чунончи, ёруғлик сояси, ранг,

шаклнинг чизмалари каби кўрсаткичларни рассомнинг кўзи муסיқачининг кўзига қараганда нафисроқ тарзда илғаб олади. Аксинча, муסיқачининг эшитиш ҳиссиётлари рассомникига қараганда сезувчанроқ ва нафисроқ бўлади.

Ҳиссиётларнинг ҳамкорлиги синестезия тушунчасида ҳам акс этган.

Бир ҳиссиёт шаклидан бошқа бир ҳиссиёт шаклига ўтиш ва ҳиссиётларнинг бундай қўшилиши натижасида ягона, ўзига хос ҳиссиётнинг пайдо бўлиши синестезия деб аталади.

Синестезия тўғрисидаги мисол сифатида машҳур «рангли эшитиш» тушунчасини келтириш мумкин. Бундай имкониятга эга бўлган кишилар товушли ҳиссиётларни, масалан, оҳанг, шовқин, турли баландликдаги товушларнинг мослашиб келишини рангли ҳиссиётлар ва рангли образлар сифатида қабул қилишади. Бастакор Скрябин ва литвалик рассом Чюрленис ўзларида мавжуд бўлган «рангли эшитиш» ҳислатлари билан ажралиб туришган.

Муסיқа ва рангнинг уйғунлашиб қўшилиши ва бунинг натижасида тасвирлаб бўлмас даражадаги эстетик таассуротга эга бўлиш, муסיқа ва ранг яхлит бир бутун эканлигини ҳис этиш асосида рангли муסיқа яратилган. Агарда рангли муסיқанинг бадий унсурларидан бири булоқ сувидай кўпириб ва сочилиб турган фавворалар бўлса, у янада ёрқинроқ оҳанг касб этади. Охирги пайтларда қадимги театр харобалари, қалъа ва бадий музейларнинг залларида ўтказилаётган концерт ва театр саҳналари узоқ ўтмишдаги муайян тарихий давр ва унинг муסיқали ва бадий ҳаёти хусусиятларини сезиш ва ўша замон руҳини ҳис этишга ёрдам беради.

Синестезия ҳолатини аксарият ҳолларда рассомларда кузатиш мумкин. Материал (фактура) ни графика ёки тасвир усулида томошабинга етказиш жараёнида чизилаётган объектнинг ярқироқ ёки дағал сатҳи, предметларнинг кўриш ҳиссиётлари туфайли сезилган хусусиятлари рассомларда одатда тактил ҳиссиётларни уйғотади, яъни рассом ушбу предмет тайёрланадиган

материалларни худдики қўллари билан сийпаб кўриб, уларнинг текис, силлиқ сатҳини ёки бўлмаса аксинча, дағал ва серқавак сатҳини сезгандай бўлади.

Ҳайкалтарошда эса, аксинча, тактил ҳиссиётлар кўриш ҳиссиётларини уйғотади. Баъзан у ҳайкалнинг баъзи бир қисмлари ва деталларини кўрмайди. Бироқ иш жараёнида уларга қўллари тегизиб ва ушлаб кўриб, ҳаёлида уларни тасаввур қилганидан сўнг хатосиз равишда уларни тиклайди.

Синестезиянинг баъзи бир ҳолатлари ибораларда каттиқ муҳрланиб қолган. Масалан, «совуқ колорит», «юмшоқ штрих», «бақирок ранг», «жарангли линия», «ярқирок сурат» ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган ҳиссиёт ва сезги бўсағалари, адаптация, контраст, ҳиссиётларнинг ҳамкорлиги, сенсibiliзация ва синестезия ҳиссиётнинг қонуниятларига мансубдир.

Ранг ҳиссиёти қонуниятлари ва тасвирий фаолият

Асарларини чизик, шакл ва ранглар воситасида яратувчи рассомнинг ижоди ва тасвирий фаолиятида ранг ҳиссиёти қонуниятлари муҳим ўринни эгаллайди.

Одатда, кўриш ҳиссиётлари икки гуруҳга бўлинади.

Биринчиси *ахроматик ранглар ҳиссиётларидан* ташкил топган бўлиб, бу гуруҳга қора, оқ ва кулранг ҳамда унинг барча туслари - энг очидан бошлаб энг тўқигача бўлганлари киради.

Иккинчи гуруҳга *хроматик ранглари ҳиссиётлари* киради. Ушбу гуруҳ қора, оқ ва кулрангдан ташқари барча рангларни, яъни, қизил, зарғалдоқ, кўк, зангор, яшил, сариқ ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ахроматик рангларга фақатгина тоза кулранг, тоза қора ва тоза оқ ранглар киради. Билинар-билинемас ва кўзга зўрға илинадиган қизилтоб, кўкимтир ёки бошқа бир тусдаги ўзга ҳар қандай ранглар эса хроматия ранглари ҳисобланади.

Биз оқ деб қабул қилган қуёшдан келаётган ёруғлик бир қатор хроматик нурларидан ташкил топган. Бунга амин бўлиш учун қуёшнинг оқ

нурини рангли спектрларга тақсимловчи призма орқали ўтказиб кўриш керак. Турли узунликдаги тўлқинларга эга бўлган ёруғлик нури турли рангдаги ҳиссиётларни уйғотади.

Ранг тавсифида унинг учта асосий хусусияти муҳим ўринни эгалаб, булар ранг тони, *ёруғланганлиги* ва *тўйинганлиги* деб айтилади. Таъкидланган бу сўзлар фақат хроматик рангларига таалуклидир.

Ахроматик ранглар эса бир биридан фақатгина *ёруғлиги* билан фарк қилади. Уларнинг ёруғлик фарқи шундан иборатки, баъзи бир ранглар *қорамтирроқ*, баъзилари эса *оқимтирроқ* бўлади.

Масалан, кўк ультрамарин қизил кадмийга нисбатан қорамтирроқ, қизил кадмий қизил крапплакка нисбатан оқимтирроқ, қизил крапплак бўлса қора крапплакка нисбатан оқимтирроқ ҳисобланади. Рангнинг ёруғлиги кўзғатувчи ҳаракат таъсирини кўриш анализаторига нисбатан суръат бўйича тавсифлайди.

Рангнинг ёруғлиги кўзғатувчининг ёрқинлиги ва кўзнинг унга бўлган сезувчанлиги билан асосланади. Агарда ёруғликни қайтарувчи сатҳ назарга олинадиган бўлса, бу ҳолда рангнинг ёруғлиги ушбу сатҳга тушадиган нурларнинг акси коэффиценти билан белгиланади. Сатҳда ёруғлик қанча кўп акс этса, яъни акс коэффиценти қанча юқори бўлса, ушбу сатҳ ёруғлиги билан шунчалик ажралиб туради. Предметларнинг оқ сатҳи ёруғликни нисбатан камроқ ютиб, уни кўпроқ қайтаради. Масалан, оқ қоғоз ёруғликнинг 85 % ни қайтарса, қора бахмал фақатгина 0,03 % ни қайтаради. Шунинг учун ҳам иқлими иссиқ жойларда одамлар кийимининг энг маъқули оқ ранг бўлиши ажабланарли ҳол эмас, чунки оқ кийимда иссиқ унчалик сезилмайди.

Рангнинг туси муайян рангнинг муайян хусусиятларини тавсифлайди ва кўзга таъсир этувчи нурлар таркиби билан асосланади. Яъни, ёруғлик нури тўлқинларининг у ёки бу узунлиги билан аниқланади.

Кўрганда биз қизил, сариқ, кўк, зангор деб атайдиган хроматик ранг сифати ранг тусини ташкил этади. Агарда кўзга бирор бир сатҳнинг ранги

таъсир кўрсатиб турган бўлса, бу ҳолда рангнинг туси кўпроқ акс этаётган муайян тўлқин узунлиги билан белгиланади. Одамнинг кўзи ранглар туси ўзгарганда унинг 150 турини сеза олади. Рангларни ажратиш борасида қилинадиган мунтазам машқлар натижасида одамда рангларнинг турли тусларига нисбатан сезувчанлик сезиларли даражада ошиб боради. Масалан, бўёқчилар рангнинг 360 тусини ажрата олишади.

Ранглар тусининг табиий кўрсаткичи сифатида спектр хизмат қилади. Фойдаланиладиган жиҳоздан келиб чиққан ҳолда, рангли спектрни катта ва кичик миқдорда ҳосил қилиш мумкин. Бироқ, экранда шаклланган ёки спектроскоп деб аталувчи махсус жиҳозда кузатилган спектр тасмасининг ўлчамларидан қатъий назар, спектр доимий равишда рангларнинг муайян тартиби ва турли хил рангдаги қисмларининг муайян нисбати билан тавсифланиб туради.

Спектрни айлана бўйича жойлаштириб ва унга қирмизи ранглардан кўшиб, рангли доира ҳосил қилиш мумкин.

Рангли доира одатда *илиқ* ва *совуқ* деб аталувчи икки қисмга бўлинади. Илиқ рангларни қизил, сариқ, сарғиш-яшил ранглар ташкил этади. Бу ранглар қуёшни, олов ва қизиб кетган жисмлар рангини эслатади. Кўкимтир-яшил, кўк, мовий, кўк-бинафша ранглар совуқ ранглар деб ҳисобланади. Чунки инсон тасаввурида бу ранглар муз, ой шуъласи ва шу каби совуқ нарсаларни эслатади.

Рангнинг тўйинганлиги хроматик рангининг ёруғлиги бўйича унга тенг бўлган кул рангдан ажралиб туришини ифодалайди.

Бошқача қилиб айтганда, тўйинганлик деганда муайян ранг тусининг ифодаланиш кўрсаткичини тушуниш керак. Рангнинг тўйинганлиги муайян сатҳда акс этувчи ёруғлик нурларининг тўла миқдори билан ушбу сатҳ рангини тавсифловчи нурлар миқдорининг нисбатига боғлиқ.

Юқорида таъкидланган сўзлар ранг тусининг ифода даражаси, муайян рангда туснинг сезилиб туриш даражаси бўлган рангнинг тўйинганлигини тушунтириб беради. Яъни, стронцианга ўхшаган сариқ бўёқда ранглилик

сифати кам сезилади ва қизил кадмий рангига нисбатан унинг ранг туси пастроқ даражада ифодаланган. Кадмийнинг қизил туси стронцианнинг сариқ тусига нисбатан аниқроқ ифодаланган. Қизил кадмийнинг ранги анча тўйинганроқ ҳисобланади.

Ранг ҳиссиётлари ҳақида гап кетар экан, шуни таъкидлаш керакки, қош қорайганда кўзнинг сезувчанлиги турли узунликдаги нурларга нисбатан ўзгариб боради. Кечки пайтда тўлқин узунлиги 527 мм бўлган яшил ранг энг ёрқин ранг бўлиб кўриниб, ушбу кўрсаткич энг юқори деб ҳисобланади.

ХАЁЛ (ФАНТАЗИЯ)

ХАЁЛ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА.

Бизнинг онгимизда ўзимиз илгари идрок қилган объектлар тўғрисидагина эмас, шу билан бирга, биз идрок қилмаган объектлар (нарсалар, воқеалар, шахслар, жойлар ва шу кабилар) тўғрисида ҳам тасаввурлар бор. Масалан, гарчи биз Антарктикада, Жанубий қутбда бўлмаган, Мирний пасёлкасидаги тадқиқотчиларимизнинг ҳаётини ва ишини кўрмаган бўлсак ҳам, лекин улар ҳақида бизнинг тасаввуримиз бор, биз Ватанимизнинг узок ўтмишидаги воқеалар тўғрисидаги тасаввурга эгамиз, ўн, юз ва минг йиллардан кейин нималар бўлишини тасаввур қиламиз ва ҳоказо. Бу тасаввурларни хаёлимиз яратиб, беради, хотира тасаввурларидан фарқ қилган бу тасаввурлар хаёл тасаввурлари ёки фантазия тасаввурлари деб аталади.

Хаёл вужудга келтираётган образлар (тасаввурлар) фақат онгнинг субъектив мазмунигина бўлиб қолмайди, шу билан бирга, бу образлар одамларнинг ҳаёти ва фаолиятида оғзаки ва ёзма нутқда ифодаланадилар; нарсаларда, буёқларда, товушларда, шеър ва проза тариқасидаги адабий асарларда ва санъатнинг бошқа турларида гавдаланади.

Шундай қилиб, хаёл онг фаолиятидир, бу фаолият илгари биз идрок қилмаган, тажрибамизда учратилмаган нарса ва ҳодисаларнинг

образларини мавжуд тасаввурларимиз асосида миямизда яратишда ифодаланади.

Одамнинг миясида илгари вужудга келган муваққат боғланишларнинг мияда гавдаланишини ва бу боғланишлар бир-бири билан тутшиб, янги тарзда пайдо бўлишини хаёлнинг нерв-физиологик негизи деб ҳисобламоқ керак.

Онгнинг бошқа функциялари каби хаёл ҳам, тарихан, аввало одамнинг меҳнат фаолиятида ривожланиб келган. Одамлар ўз эҳтиёжларини қондирмоқ учун одам аралашмасданоқ табиат бераётган маҳсулдан ҳам кўра кўпроқ маҳсул олиш ниятида теварак-атроф олами ўзгартира берганлар ва уни ўзларига буйсундира берганлар. Ўзгартира бермоқ, ва ярата бермоқ учун эса исталган нарсани олдиндан тасаввур қилиш, шундай ўзгартиришга қандай йўллар билан эришишни ва унинг натижаларини тасаввур қилиш лозим бўлган. Бора-бора одамнинг хилма-хил эҳтиёжлари – ижтимоий, билиш, эстетик ва шу каби эҳтиёжлари ривожлана борган сари, хаёл ҳам ривожлана борган.

Жамиятдаги одамларнинг ижодий фаолиятида намоён бўлаётган хаёл ҳам ижтимоий ҳаёт шароитига ва умумий маданий ривожланиш даражасига қараб, шу жамиятдаги одамларнинг асосий интилишларига қараб, алоҳида характер, алоҳида йўналиш касб қилаверади.

Хаёл қилиш жараёни

Хаёл тасаввурларининг идрок образларидан ва хотира тасаввурларидан фарқи шуки, хаёл тасаввурлари тажрибамизда орттирилган объектларга эга эмас. Хўш, одамларнинг онгида бу образлар қаердан ва қандай қилиб пайдо бўлади, деган савол туғилади. Албатта, бу образлар бирор манбага эга бўлмай, йўқ, нарсадан пайдо бўлиши мумкин эмас.

Муайян бир эҳтиёж мавжуд бўлган тақдирда хаёлнинг тегишли образлари-хаёл тасаввурлари инсоннинг *тажрибасига* ва *хотира тасаввурларига* асосланиб ҳосил бўлиши ва таркиб топиши мумкин. Бу

тасаввурлар хаёл тасаввурларини вужудга келтиришга асос бўладиган материалдир. Масалан, биз музлар тўғрисида, қоронғилик ва ёруғлик тўғрисида, совуқ тўғрисида, сув тўғрисида, кўп ва шу қабилар тўғрисида тажрибада ортирган тасаввурларимиз бўлгани сабабли, Антарктика ва Жанубий қутб тўғрисида тасаввур қилишимиз мумкин. Хаёл жараёнида бизда мавжуд бўлган керакли тасаввурлар албатта кўз ўнгимизда гавдаланади.

Лекин хаёл жараёни тасаввурларни гавдалантиришдан ва уларни шунчаки бир-бирига қўшишдан иборат бўлмайди. Хаёл жараёнида хотира тасаввурлари шундай қайта ишланадики, бунинг натижасида янги тасаввурлар ҳосил бўлади.

Хаёлнинг специфик фаолияти хотира тасаввурларини ўзига ҳос анализ ва синтез қилишдан иборат бўлади.

Хаёл учун материал бўладиган тасаввурлар хаёл яратиб бераётган образларга, кўпинча, тўлиқ, ҳолда кирмасдан, балки қисман киради. Шу сабабли, хаёл жараёнида мавжуд тасаввурларни гавдалантириш билан бирликда ёки унинг кетидан анализ қилиш яъни тасаввурларни бўлак-бўлак қилиб бўлиш ва шу тасаввурларнинг айрим қисмларини ҳамда элементларини ажратиб олиш фаолияти рўй беради.

Сўнгра хаёлнинг синтез қилиш фаолияти рўй беради. Муайян тасаввурдан ажратиб олинган элементларни бошқа тасаввурлар билан ёки бошқа тасаввурларнинг элементлари билан қўшиш ва бир туркум қилиш жараёни рўй беради. Мана шундай синтез қилиш фаолиятида янги тасаввур хаёл тасаввури вужудга келади.

Хаёлнинг синтез қилувчи фаолиятининг оддий формаси агглютинациядир. Агглютинация–айрим элементларни ёки бир неча буюмларнинг қисмларини битта образ қилиб қўшиш ва шуларнинг комбинациясидир. Масалан, халқ хаёлининг маҳсули бўлган русалка (сув парийси) образи хотин (бош ва гавдаси), балиқ, (думи) ва яшил сув ўсимлиги (сочлари) образларидан яратилган. Худди шунингдек, Булбули

гўё деганимизда халқ тасаввурида ҳар бир нарсани билиб айтиб берадиган одамсимон (боши одам, танаси қуш) бир жонивор гавадланади, бунда ҳам биз одам ва қуш образидан битта образ яратилганлигини кўрамыз. Ёзувчилар адабиётдаги бадиий образларни яратаётганларида ҳаёлниң синтез ва анализ қилувчи мураккаб фаолиятининг характерли хусусиятлари айтиқса ёрқин намоён бўлади. ҳар бир бадиий образ битта образда, ўзига хос равишда бирлаштирилган тасаввурларнинг қисмлари, элементларидир ёки бутун бир тасаввурларнинг ўзидир.

Хотира тасаввурларини қайта ишлаш, янги образлар яратиш жараёнида ҳаёл фаолияти тасаввур қилинадиган буюмларни катталаштиришда ёки кичрайтиришда ифодаланиши мумкин. Бу катталаштириш ёки кичрайтириш баъзи ҳолларда буюмнинг ҳамма қисмларига нисбатан мутаносиб, пропорционал бўлиши мумкин. Чунончи, рус эртакларида паҳлавонларни «қад кўтарган дарахтдан баланд, сайр қилиб юрган булутдан сал паст» қилиб кўрсатилади.

Катталаштириш ёки кичрайтириш мутаносиб бўлмаслиги, пропорционал бўлмаслиги ҳам мумкин, ҳаёл жараёнида буюмнинг фақат айрим қисмларигина катталаштирилиши ёки кичрайтирилиши мумкин. Буюмнинг фақат бир қисмини бундай катталаштириш ёки кичрайтиришни *акцентировка* дейилади. Акцентировка, асосан, карикатура тариқасидаги тасаввурларда ва суратларда намоён бўлади. Чунончи, санъаткор бирон империалистнинг карикатура тариқасидаги образини яратмоқчи бўлса, унинг оғзини жуда катта, тишларини сулоҳмондай, панжаларини узун ва човут солиб тургандай, қорнини қаппайиб чиққан қилиб, бўрттириб кўрсатади.

Санъаткор кўп шахсларга хос бўлган ўхшаш белгиларни ўхшата олиш, бўрттириб акцентлаш ва умумлаштириш йўли билан типик образлар ёки типлар яратади. Лермонтовнинг айтишига қараганда, унинг асарида тасвирланган Печорин «айнан кўчирилган сурат бўлса ҳам лекин ёлғиз

бир кишининг сурати эмас, бу сурат ҳозирги бўғиндаги барча айб ва нуқсонларни ўзида тўла ифодалаган суратдир».

Тип – индивидуал образдир, аммо бу образда бутун бир группа, синф, миллат кишиларининг энг ҳарактерли белгилари бирга билиб, яхлит акс эттирилади ёки ифодаланади.

Хаёлнинг ҳарактерли хусусияти яна шуки, у бевосита вазиятдан «ажралиб» чиқа олади ва макон ҳамда замон жиҳатидан ҳозирги вазиятдан узоқлашган янги вазиятга «ўта олади». Шунинг учун ҳам кўпинча «Хаёл осмонида сайр қилиб юриш каби бир нарса»,– деб гапирадилар. Хаёл фаолияти туфайли биз, ҳозирги пайтда бизнинг олдимизда бўлмаган нарсаларнинг образларини яратамиз. Биз бу образларни узоқ ўтмишга назар ташлаб, тарихий воқеаларни, тарихий шахсларни тасаввур қилиб яратишимиз ёки келажакка – эртаги, бундан бир йил, беш йил ва юз йиллар кейинги даврга – ўз турмушимизнинг келажакига назар ташлаб, ўз келажакимизнинг образларини ва идеалларини яратишимиз мумкин. Биз жаҳоннинг ҳамма мамлакатларини хаёлимизда кезиб чиқиб, географик объектларнинг образларини яратамиз, юлдузлар ва планеталар ҳамда ракеталарда бўлиши мумкин бўлган ҳаётни тасаввур қилиб, юлдузлар оламида кезамиз. Хаёлнинг бундай «кўчиш» қобилиятининг қай даражада ўсганлиги хаёлнинг нечоғли кенг ва бой бўлишини кўрсатади.

Хаёл жараёнларидаги одам тафаккури катта ўрин олади. Бирор янги образ ёки тасаввурлар системасини яратишда одамнинг ўйлаб қўйган бирор муроди амалга оширилади, бирор вазифа ҳал қилинади.

Кўпинча ҳар турли абстракт назарий фикрлар хаёл йўли билан яратиладиган конкрет образларда очиб берилади. Одатда, ҳар бир рассом, шоир, композитор ижод қилиш жараёнида бирор масалани ҳал қилади, ўзига бирор нимани аниқлаб олади ёки бошқаларга тушунтириб беради. Лекин у ўзининг фикрларини умумий ва абстракт тушунчаларда очиб бермасдан, балки конкрет образларда очиб беради. Масалан, И.А.Крилов «Оққуш, қисқичбақа ва чўртанбалиқ» масалида «Ўртоқлар аҳил бўлмаса, уларнинг

иши юришмайди», – деган фикрни образли қилиб очиб беради. Биз ҳар бир шеърӣ асардан, ҳар бир бадиӣ суратдан, музика асаридан шу асарларда яққол, образли қилиб очиб бериладиган асосӣ фикрни, асосӣ идеяни қидирамиз.

Хаёл жараёнлари мана шу хусусиятнинг нерв-физиологик асоси бош мия пўстининг ишида муайян система борлигида бўлса керак.

Тафаккур туфайли хаёл жараёнлари тартибга ва системага солинибгина қолмасдан, шу билан бирга, «тўхтатилиб», назорат қилиниб ҳам туради. Тафаккур яхши ўсмаган бўлса, билим кам бўлса, фантазия жуда узоққа «учиб кетиши» ва воқеликка ҳеч қандай ўхшашлик томони қолмаслиги мумкин. Қадимги греклар яратган мифология (афсоналар), кўп даражада улар билимининг чекланганлиги ва тафаккурларининг шу билим даражасига яраша бўлганлиги маҳсулидир.

Хаёл тасаввурларининг пайдо бўлишида нутқ катта роль ўйнайди. Ҳар кимга ҳам маълумки, шу тасаввурларнинг кўпи бошқа кишилар айтиб берган ҳикояларнинг таъсири остида, шунингдек, ўқиш жараёнида, айниқса шеърӣ асарларни ва бадиӣ адабиётнинг бошқа турларини ўқиш чоғида пайдо бўлади.

Бунда яна қуйидагиларга эътиборни жалб қилиш зарур.

Хаёл образлари, гарчи тасаввурлар деб аталса ҳам, лекин бу тасаввурлар ўзларининг бир қанча хусусиятлари билан хотира тасаввурларидан фарқ қилади.

1. Юқорида айтиб ўтилганидек, хотира тасаввурлари илгари идрок қилинган буюмлар образининг гавдаланишидир. Хаёл тасаввурлари эса хотира тасаввурларини мураккаб ижодий қайта ишлаш натижасида вужудга келади. Хаёл тасаввурлари хотира тасаввурларининг такрорланиши эмас, балки янгича ҳосил бўлган тасаввурлардир.

2. Хаёл тасаввурлари кўпинча ўзининг кўпроқ, тўлиқ бўлиши, лўнда ва ёрқин бўлиши билан хотира тасаввурларидан фарқ қилади. Шу жиҳатдан қараганда, хаёл тасаввурлари идрок образларига яқинроқ бўлади.

3. Тасаввур объекти билан танишлик ҳисси ва шу объект реал мавжуд бўлиб турибди ёки мавжуд бўлган, тасаввурнинг мазмуни объектга мувофиқ келади деган ишонч хотира тасаввурларига хос белгилардир. Бунда мана шундай ишонч идрокларнинг объективлигига бўлган ишончга яқинроқдир.

Аммо хаёл тасаввурлари эса ҳамиша алоҳида бир «янгиликни» ва «номаълумликни» ҳис қилиш туйғусини беради. Шу сабабли хотира тасаввурлари тасаввур қилинган нарсанинг мавжудлигига ёки ҳақиқатан мавжуд бўлганлигига ёхуд мавжуд бўлажигига алоҳида ишонч ҳисси билан боғланган бўлади ва тасаввурнинг мазмуни шу нарсага мувофиқ деган алоҳида ҳисни вужудга келтиради.

Бунда тасаввур қилинган нарсанинг реаллигига тўла ишонч бўлиши мумкин ва бунинг реаллигига шубҳаланиш, ишонмаслик ва ҳатто бу реалликнинг инкор қилиниши ҳам мумкин.

Хотира тасаввурлари ўтмишда қўрилган ва эшитилган нарсаларнинг эсга тушиши билан боғланган бўлиб, пассивроқ характерга эгадир. Хаёл тасаввурларининг кўпчилиги ўзининг фаоллиги билан фарқ қилади: бу тасаввурлар масофа ёки вақт жиҳатдан бирмунча олисроққа интилиш билан боғлангандир.

Хаёл тасаввурларининг бу хусусиятларини шу нарса билан изоҳлаш мумкинки, бу тасаввурлар эҳтиёжнинг кучли равишда намоён бўлиши натижасида, инсонда қизиқиш ва идеаллар борлиги сабабли, инсонда хилма-хил ҳиссиётлар ва жумладан янгиликни ҳис қилиш туйғулари пайдо бўлганлиги натижасида вужудга келади.

Хаёл турлари

Хаёл ҳар хил турларда намоён бўлади. Тасаввур хаёли, ижодий хаёл, ихтиёрсиз ва ихтиёрий хаёл – хаёл турлари жумласидан бўлиб, улар биридан фарқ қилади.

Тасаввур хаёли ва ижодий хаёл.

Тасаввур хаёли деб, ҳозир ёки ўтмишда аслида мавжуд бўлса ҳам, лекин бизнинг тажрибамизда ҳали учрамаган ва биз идрок қилмаган нарса ва ҳодисалар тўғрисида тасаввур ва образлар яратишдан иборат бўлган хаёл турини айтамыз. Бу нарсаларнинг образлари бошқа кишиларнинг айтиб берган сўзлари асосида, шунингдек, ёзма ва бошқа ҳужжатлар асосида яратилади.

Тасаввур хаёли жараёнида одам ўзи кўз олдига келтираётган образнинг объекти ҳақиқатан ҳам муайян жойда бўлганлигини ёки муайян вақтда бўлганлигини англайди. Тасаввур хаёлининг характерли хусусияти ҳам мана шудир.

Масалан, Географик карталарга кўз юритилган вақтда ва географияга доир китобларни ўқиган вақтда ҳам, одамда реал географик объектларнинг— тоғлар, дарёлар, денгизлар, ўрмонлар ва шу кабиларнинг образлари вужудга келади. Чертёжлар ва суратларни кўздан кечираётган кишида ишлаб турган машиналарнинг тегишли образлари вужудга келади.

Ижодий хаёл деб, бизнинг тажрибамизда бўлмаган ва воқеликнинг ўзида ҳам учрамаган нарса ва ҳодисалар ҳақида тасаввур ва образлар яратишдан иборат бўлган хаёл турини айтилади.

Одам ўзининг ижодий хаёлида ўзи бирор янги, оригинал нарса яратади. Масалан, ёзувчи ўз асари учун персонажларнинг типик образларини яратаётганида унинг хаёли мана шундай ижодий хаёл бўлади. Ихтирочининг янги машина, янги асбоб проектини яратаётганидаги хаёли мана шундай ижодий хаёлдир. Тадқиқотчининг бирор гипотеза ёки эксперимент режани яратаётганидаги хаёли мана шундай ижодий хаёлдир. Ижодий хаёлнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат бўлади. Аввало яратилаётган образнинг объекти ҳақиқатда йўқлиги, қандайдир бирон янги нарса яратилаётганлиги англонади. Сўнгра, жамиятнинг ва шу муайян кишининг эҳтиёж ва манфаатлари ўша образни яратишга рағбатлантиради, шу образнинг яратилиши ўша образни яратаётган

одамдаги шахсий тасаввурлар ва билимлар бойлигига, шунингдек, ўша одам хаёлининг алоҳида ижодий хислатларига боғлиқ бўлади.

Ижодий хаёл образлари сўзларда ёки моддий объектларда гавдалантирилиши, тасвир қилиниши мумкин.

Ижодий хаёл санъатнинг ҳамма турларида - поэзияда, музыкада, тасвирий санъатда (сураткашликда), архитектурада, қишлоқ хўжалигидаги новаторликда, фан ва техника соҳасидаги ихтироларда намоён бўлади. Ижодий хаёл жараёнида одам ўз онгида фақат янги мазмун яратибгина қолмайди, шу билан бирга, объектив оламда янги реал нарсалар ҳам яратади.

Шуни назарда тутиш керакки тасаввур хаёли билан ижодий хаёл ўртасидаги фарқ фақат нисбий фарқдир. Ижодий хаёл жараёнида бўлгани каби, тасаввур хаёли жараёнида ҳам объектларнинг образлари яратилади, янгидан ижод қилинади, Хаёлнинг бу икки тури ҳам аслда ижодий жараёндир.

Орзулар ва ширин хаёл суришлар ижодий хаёлнинг алоҳида турларидир.

Орзу – ижодий хаёлнинг тилакдаги келажакка қаратилган фаолиятидир. Орзу қилиш – кўнглимизга ёқадиган истиқбол образларини яратиш демакдир. Чунончи, ёш йигит қандай қилиб келгусида педагог, инженер, токар, врач, трактор ҳайдовчи, учувчи ва ҳоказо бўлишни орзу қилади. Бошқа бир йигит қандай қилиб келажакда Ватан фахрланадиган катта қаҳрамонлик кўрсатишни орзу қилади.

Ширин хаёл суриш муайян бир нарсага қаратилмаган муайян бир системага эга бўлмаган хаёл жараёнидир. Ширин хаёлга ботган вақтда турли образлар кўз ўнгидан бирин-кетин бетартиб ўта беради. Бу тасаввурлар жараёнини тафаккур тартибга солмайди. Орзуларда бўлгани каби, ширин хаёл суришда ҳам, асосан, ўзимиз хуш кўрган образлар пайдо бўлади. Шу сабабли, кўпинча, ширин хаёл суриш одамга ҳузур баҳш этади.

Ширин хаёлга ботиш, одатда, одам пассив, иродаси бўшашган пайтда, масалан, қаттиқ чарчагандан кейин истироҳат қилаётган вақтда, кўз уйқуга

кетаётган ва уйқудан уйғонган вақтда (одам ухлаб бораётган ёки уйқудан уйғонаётган пайтларда) пайдо бўлади.

Ихтиёрсиз ва ихтиёрий хаёл

Ихтиёрсиз хаёлда олдиндан белгиланган мақсад бўлмайди, бунда ирода актив иштирок қилмайди. Образлар бу ҳолда ўз-ўзидан пайдо бўлади. Ихтиёрсиз хаёл аввало қондирилмаган шу топдаги эҳтиёж сабабли туғилади. Масалан, одам сувсиз чўл-биёбонда юриб, жуда чанқаб қолган вақтида унинг хаёлида булоқ, дарё ва сув кабиларнинг образлари беихтиёр пайдо бўла бошлайди.

Бирор нарса ёки ҳодисани идрок қилиш, тасаввур қилиш, бирор фикр, нутқ, ҳисларнинг таъсири билан ҳам ихтиёрсиз хаёл сурилади. Чунончи, тарих, географияга оид китобларни, техникага доир китобларни ва айниқса бадий асарларни ўқиган вақтда бизнинг онгимизда турли жойларнинг, воқеаларнинг, шахсларнинг ва бошқа шу кабиларнинг образлари беихтиёр пайдо бўлади. Музика тинглаган вақтда ҳам худди шундай бўлади. Бадий асарларнинг хусусияти шундаки, биз бу асарларни идрок қилаётганимизда (ўқиётганимизда, кўраётганимизда, тинглаётганимизда), улар бизда беихтиёр хаёл пайдо қилади.

Орзу ва ширин хаёл суриш, кўпинча, беихтиёр пайдо бўлади.

Бизнинг туш кўришимиз ҳам ихтиёрсиз хаёл фаолиятидир. Одатда, киши қаттиқ ухламаган вақтида туш кўради; уйқу вақтида, гарчи заиф ҳолда бўлса ҳам, ҳар ҳолда, туғиладиган сезгилар, киши организмнинг ҳолати ва эҳтиёжлари, шунингдек, киши бедор юрган чоғида туйғусида кечирган ҳиссиётлар, уйқу вақтида беихтиёр пайдо бўладиган тасаввурлар одамнинг туш кўришига сабаб бўлади. Масалан, биз салқин уйда иссиқ кўрпа ёпиниб, ухлаб ётдик; кечаси қўлимиз ёки оёғимиз очилиб қолганида биз совуқ қота бошлаймиз. Мана шу совуқни сезиш хаёлни ишга солади, ўшанда, масалан, биз шундай туш кўрамыз биз қор босган йўлда оёқ яланг кетаётган бўламыз, ўзимизни совуқдан панага олишга ҳаракат қиламыз,

Иссиқ бинога кириб олишга кўп уринамиз-у, лекин буни уддалай олмаймиз ва ҳоказо.

И.П.Павловнинг фикрича, туш кўришнинг физиологик асоси «илгариги таъсиротларнинг» нервда қолдирган излари жуда қутилмаган бир тарзда бир-бири билан боғланишидир.

Хаёлнинг беихтиёр жараёнлари бетартиб равишда ўтмай, балки муайян бир нарсага йўналган бўлади. Бу йўналиш шахснинг эҳтиёжлари, мақсадлари, ҳиссиётлари, теварак-атрофдаги воқеликни идрок қилиши, унинг устун турган тасаввурлари ва фикрлари билан белгиланади.

Ихтиёрий хаёл олдиндан белгиланган мақсадга йўналган бўлади, муайян образни яратиш учун зарур бўлган материални танлаш, ирода қучини ишлатиш йўли билан вужудга келади. Шахс ташаббуси билан ўз олдига мақсад қўйиши мумкин, масалан: рассом, шоир ўзи чизмоқчи бўлган суратнинг ёки ўз шеърий асарининг темасини ўзи белгилайди. Албатта, бадий асарда ижтимоий вазифалар ифодаланади, лекин асарнинг конкрет темаси, шу темага мувофиқ келадиган композиция рассомнинг, шоирнинг ўз ташаббуси билан белгиланади.

Санъат асарларининг ҳаммаси аввало-ихтиёрий хаёл маҳсуллари. Ихтиёрий хаёл ихтиёрсиз хаёлдан ажралган ҳолда рўй бермайди: ихтиёрий хаёл жараёни ҳамиша беихтиёр қилинадиган хаёл моментларини ўз ичига олади. Маълумки, музика ижодиётининг шеърий ёки бошқа бир ижодиётнинг ихтиёрий фаолият тариқасида ўтадиган мураккаб жараёнлари кўпинча беихтиёр қилинадиган хаёл фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Шоирлар, рассомлар муайян темада ўз асарларини (ихтиёрий равишда) яратаётганларида, баъзан беихтиёр пайдо бўлган образлар, ҳислар, фикрларга берилиб кетгандек бўладилар.

И.А.Гончаров ўзининг ижод қилиш вақтидаги фаолияти тўғрисида қуйидагиларни айтган: «Менда ҳамиша битта образ ва шу билан бирга асосий мотив бор, ана ўшанинг ўзи ҳамиша мени олға судрайди, мен бўлсам йўл-йўлакай дуч келган нарсани, яъни шу образга яқин бўлган нарсани тўсатдан

илиб оладиган, ана шунда жон-дилим билан, жадал ишга тушаман, кўлим ёзишга улгуролмай қолади. Аммо миям ишлай беради, турли башаралар мени сира тинч қўймайдилар, олдимга келиб жилваланадилар, турли алфозда кўринадилар, уларнинг барини эшитаман, аксари, назаримда уларни мен уйлаб чиқарганим йўқдек, улар барчаси менинг кўз олдимда гир-капалак бўлиб, айланиб юргандек туюлади ва мен уларга караб туриб, яхши ўйласам бўлганидек фахмлар эдим».

П.И.Чайковский ўзининг ижодий ҳолати тўғрисида бундай деб ёзган эди: «...баъзан бутунлай янги мустақил музика мавзуи пайдо бўлади. Унинг қаердан пайдо бўлиши билиб бўлмайдиган бир сирдир. Масалан, бугун эрталабдан бошлаб мен ўзим ҳам тушуна олмайдиган ва қаердан пайдо бўлганлигини ўзим ҳам билмайдиган жўшқин илҳомга берилиб кетдим, шу нарсани олдиндан биламанки, шундай жўшқин илҳом туфайли шу кун ёзган нарсаларимнинг ҳаммаси кишининг қалбига ёқадиган ва унда таассурот қолдирадиган нарсалар бўлади».

Қадим замонлардан бошлабқоқ кишиларда, шоирлар, рассомлар, философлар ўз асарларини қандайдир «илоҳий кучлар» нинг кўрсатиши билан яратадилар, деган фикр пайдо бўлганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Ижод қилиш вақтида алоҳида илҳом келади деган «таълимот» яратилган. Буржуа идеалистик психологияси ижодий жараёнларга онг аралашмайди деган ва фанга хилоф бўлган қарашларни тарғиб қилади.

Аслда эса шоирнинг, рассомнинг, олимнинг, ихтирочининг ижодий фаолиятида ташқи кучлар қатнашмайди, балки бу ижодий фаолиятда унинг ўз кучлари – унинг тажрибалари, билимлари намоён бўлади, тафаккурининг, хаёлининг диққатининг қай даражада ўсганлиги намоён бўлади. Албатта, ижодий илҳомланиш сингари мураккаб ҳодиса батамом беихтиёр хаёл қилиш фаолиятидан иборат бўлмайди. Лекин, ҳар ҳолда, беихтиёр бўладиган хаёл ижодий фаолиятда катта ўрин тутди.

Шу билан бирга, ижодий хаёлнинг маҳсулдорлиги, асосан, ирода кўрсатиб, ғайрат билан ишлашга боғлиқдир. Хаёл фаолиятини кўзгатиш,

тегишли образларни яратиш учун улуғ кишиларнииг ҳам кўп фикр ишлатишлари, зўр ирода кўрсатиб, ғайрат билан, кўп меҳнат сарф қилиб, тиришиб ишлашлари лозим бўлган.

Машҳур рассом академик И.Э.Грабарь композитор П. И. Чайковский тўғрисидаги хотираларида «илҳом ҳақида» айтилган қуйидаги гапларни келтиради:

«Қачон илҳом келар экан деб, кутиб ўтириб бўлмайди,— дейди Чайковский,— зотан, биргина илҳомнинг ўзи кифоя ҳам қилмайди: биринчи галда керак бўладиган нарса — меҳнат, меҳнат ва яна меҳнатдир. Мен ҳар куни эрталаб ишга бораман ва ёзавераман, агар бугун ёзганларимдан ҳеч бир нарса чиқмаса, эртага шу ишни яна бошлайман, икки кун, ўн кун бўлса ҳам ёза бераман, шунда ҳам ҳеч нарса чиқмаса, барибир, умидсизланмайман, ниҳоят, ўн биринчи кун ишлаганимда, қарабсизки, бирор керакли асар пайдо бўлади».

Асосан айрим образлар, образлар комплекси беихтиёр яратилиши мумкин, булар баъзан янги ва ёрқин образлар бўлса ҳам лекин айни вақтда системасиз, тартибсиз бўлишлари турган гап, ҳаёлда пайдо бўлган бу чалачулпа образларни тартибга солмоқ, туркумлаштирмак, системага солмоқ, яхлит бир нарса яратмоқ учун фикр ва ироданинг зўр бериши, меҳнат қилиш лозим бўлади.

Хаёл қилишдаги индивидуал фарқлар.

Хаёл фаолияти кенглиги, мазмундорлиги, кучи ва реаллиги жиҳатларидан фарқ қилади. Хаёлнинг бу хусусиятлари айрим кишиларда турлича намоён бўлади ва ҳар бир шахснинг ўзига хос характерици белгилайди .

Иккинчи томондан, одамнинг вужудга келган индивидуал хусусиятлари ҳам унинг хаёл қилиш фаолиятида намоён бўлаверади. Шу сабабли, хаёл қилиш жараёнларига ва хаёл образларнинг ҳосил бўлишига одамнинг дунёқараши, ижти-мойи-сиёсий қарашлари ва ахлоқий тамойиллари ҳам таъсир қилаверади.

Хаёл кенглиги ва мазмундорлиги.

Хаёл кенглиги воқеликнинг кишилар хаёл фаолияти учун объект бўладиган соҳалари доираси билан белгиланади. Табиатнинг ҳозирги ва келажак ҳолати, одамларнинг ўтмишдаги ва келажакдаги тарихий ҳаёти, ер остидаги нарсалар, осмон ва ундаги юлдузлар, техника ва санъат хаёл фаолияти учун объект бўладиган ана шундай соҳалар жумласидандир. Одамнинг хаёли шундай соҳаларнинг нақадар кўпини ўз ичига олса, унинг хаёли шунчалик кенг бўлади. Кишининг хаёли кўпинча реал воқеликдан, мавжуд бўлган ва руёбга чиқарилиши мумкин бўлган нарсалар доирасидан четга чиқиб кетади. Буни «соф фантастика соҳаси» деб атайдилар, одам кўпинча ўз орзулари ва ширин хаёлларида мана шу «соф фантастика соҳаси»га чиқиб кетади.

Хаёлнинг мазмундорлиги бирор объектга нисбатан хаёлда туғилаётган тасаввурларнинг бойлиги хилма-хиллиги ва маънодорлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам фалон кишининг хаёли мазмундор (хаёли бой) ва фалон кишининг хаёли кам мазмун (хаёли камбағал) деб гапирамиз. Хаёл кенглиги ва мазмундорлиги, одатда, бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади. Космик кема вужудга келтирилганлиги ҳам, ичига одам тушган шу кеманинг учиши ҳам инсон фантазияси ғоят юксак даражага кўтарилганлигининг маҳсулидир. Лекин шу кеманинг реал образини яратмоқ ва кеманинг ўзини ясамоқ (курмоқ) учун катта билимлардан ҳамда физика, химия, математика, астрономия ва шу каби хилма-хил фанларнинг муваффақиятларидан фойдаланиш зарур бўлди. Тажриба ва билим хаёл жараёнида қайта ишланадиган материалгина бўлиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, хаёл фаолиятининг маълум бир йўлдан боришини ҳам белгилаб беради.

Хаёлнинг реаллиги.

Хаёл жараёнларидаги воқелик ўзгарган тарзда акс эттирилади. Бунда хаёл яратаётган образлар воқеликка мос келиши, воқеликни тўғри акс

эттириши мумкин ва бу воқеликка мос келмаслиги ҳам мумкин. воқеликни тўғри акс эттирган образлар *реал образлар* деб айтилади.

Хаёл яратган образлар турмушда гавдалантирилган ва гавдалантирилаётган тақдирда, турмуш шу образларга мувофиқ қайта кўрилаётганида, янги бойликлар яратилаётганида бундай хаёл ҳам реал хаёл бўлади.

Одамнинг космосга учиши яқин-яқингача ҳам руёбга чиқмайдиган орзу, деб ҳисобланиб келган эди, эндиликда эса космонавтлари космосда бир неча ўн миллион километр масофани босиб ўтдилар. Энди биз Ойга, Марсга, Венерага, Коинотнинг бошқа планеталарига учишни орзу қилмоқдамиз. Бу орзу ҳам реал орзудир. Бу орзу ҳам амалга оширилади.

Бинобарин, агар хаёлда яратилган образлар амалга оширилиши мумкин бўлса ва ҳақиқатан амалга оширилаётган бўлса, бундай образларни яратиб берган хаёлни реал хаёл деб айтамыз. Техниканинг, санъатнинг ҳамма турлари мана шундай реал хаёл маҳсуллариدير.

Хаёлда яратилаётган образлар амалда руёбга чиқарилмайдиган бўлса ёки бу образларни амалга ошириш кераксиз, бемаъни бир нарса бўлса, бундай хаёл реал хаёл бўлмайди. Хаёли мана шундай реал бўлмаган кишиларни «қуруқ хаёлпараст» «фантазёр», деб айтадилар.

Пуч фантазиячилар хаёлпарастлар кўпинча шахсий тажрибаси оз, билими кам, танқидий тафаккури ўсмаган, иродаси кучсиз, турмуш тажрибаси билан тузук боғланмаган кишилардир. Булар ғайрати йўқ, лапашанг кишилардир. Уларнинг фантазияси ҳеч бир нарса билан чегараланмайди, ҳеч бир нарса билан назорат қилинмайди, шунинг учун ҳам улар жуда ғалати, ақлга сиғмайдиган ва амалга ошмайдиган образлар яратишлари мумкин.

Хаёлнинг аҳамияти.

Хаёл жараёни онгимизнинг мазмунини фақат биз идрок қилган нарсалар тўғрисидаги тасаввурлар билангина бойитиб қолмасдан, шу билан бирга, илгари биз идрок қилмаган нарсалар тўғрисидаги тасаввурлар

билан ҳам бойитади, шу билан бирга, илгари биз идрок қилмаган нарсалар тўғрисидаги тасаввурлар билан ҳам бойитади.

Шундай қилиб, хаёл туфайли олам бизнинг онгимизда кенгроқ, ва хилма-хилроқ бўлиб акс этади, бизнинг назар доирамиз кенгайиб, шахсий тажрибамиз доирасидан анча четга чиқади.

Хаёл бошқа психик жараёнларнинг фаолиятини бойитади.

Хаёл натижасида бизнинг идрокимиз, гарчи ҳамиша расо бўлавермасида, лекин, ҳар ҳолда, тўлиқроқ ва ёрқинроқ бўлади. Масалан, нутқ, бадиий суратлар, музыка ва бошқа шу каби санъат асарларининг қанчалик тўлиқ идрок қилиниши кўп даражада хаёл фаолияти билан боғлиқ бўлади. Хаёл фаолияти қанчалик кучли бўлса, шунчалик мукаммал, мазмуни ҳам шунчалик кенг идрок этилади.

Хаёл жараёнлари хотира фаолиятида каттагина ўрин олади. Хаёлда яратилаётган тасаввурлар эсга олиб қолиш вақтида ва эсга тушириш вақтида боғланишлар вужудга келтириш учун таянч бўлади. Хотира тасаввурларининг мазмуни кўпинча хаёл фаолияти билан ўзгартирилади ва тўлдирилади.

Хотира тасаввурлари каби, хаёл тасаввурлари ҳам тафаккур учун таянч материал бўлади. Тафаккурнинг умумийлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш каби жараёнлари хаёлга кўп даража боғлиқ бўлади. Жумладан, тафаккур жараёнларидаги яққоллик кўп жиҳатдан хаёл фаолияти туфайли ҳосил бўлади.

Хаёл яратиб бераётган образлар, шунингдек, хаёл жараёнларининг ўзи ҳам ҳар хил ҳиссиётларимиз учун энг бой манбадир. Хаёл фаолияти туфайли туғиладиган ҳислар кўпинча анча кучли ва барқарор ҳислар бўлади.

Хаёл туфайли одам ўз теварак-атрофидаги воқеликни идрок қилиб ва ўз турмушининг ўтмишидаги ҳодисаларни эсга тушириш билан боғлиқ бўлган туйғуларни ҳис қилиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, келажак тўғрисидаги—кутилаётган ёки истакдаги нарсалар, орзу ва мақсадлар тўғрисида тасаввурлар туғдирган туйғуларни ҳис қилади. Масалан, тилакдаги мақсадни тасаввур қилиш кишида ижобий ҳислар туғдиради, бундай ҳислар

эса кишини тетик қилади ва унинг ғайратига ғайрат қўшади. Чунончи, чарчаб қолган киши ўз меҳнатининг натижаларини тасаввур қилганида, бу тасаввур унинг ишини битказишига ёрдам берадиган куч ва тетиклик бағишлайди.

Албатта, хаёл туфайли шундай образлар ҳам туғиладики, бу образлар салбий ҳисларни: соғиниш, маъюслик, қўркиш, сабабсиз ғазабланиш ва бошқа шу каби ҳисларни вужудга келтиради ёки кучайтиради. Шундай ҳам бўладики, хаёл жараёнларининг ўзи салбий эмоционал ҳолат сабабли, яъни ёмон кайфият, кўнгил ғашлик, хавотирлик ва бошқа шу сингари ҳолат сабабли вужудга келади ва бу ҳолат ўша процессларни кучайтиради, сўнгра эса вужудга келган тасаввурлар ўша салбий ҳисларни тагин ҳам кучайтириб юборади. Ҳаммага маълумки, қўрқоқ кишилар ҳатарли аҳволни тасаввур қилишлари биланок ҳақиқатда бўлиши мумкин бўлганидан бешбаттарроқ энка-тенкалари чиқиб кетади.

Хаёл фаолияти бизнинг ижтимоий ҳисларимизни дўстлик ва жамоа ҳисларини кўп даражада кучайтиради. Хаёл туфайли одам ўзини бошқа кишининг ўрнида деб тасаввур қилиши, унинг ҳислари ва интилишлари билан яшаши, ҳайрихоҳлик, бирдамлик деб аталадиган ва бошқа шу каби туйғуларни ҳис қилиши мумкин.

Хаёл бизнинг иродамизни ишлатишимизда ҳам катта роль ўйнайди. Маълумки, одам бир ишга киришмасдан олдин ўз олдига муайян мақсад қўяди, шу мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини белгилаб олади, ўз ҳаракатларининг натижаларини тасаввур қилади, режалаштиради. Мана шу тасаввурларнинг ҳаммаси эса хаёл воситаси билан вужудга келтирилади. Шу сабабли, иродаси кучли, ўткир, характери мустаҳкам кишиларда хаёл ҳам жуда ўсган бўлади.

Инсон фаолиятининг ҳамма турларида: ўйинда, ўқишда, меҳнатда, фан ва ижодиётда хаёлнинг катта аҳамияти бор.

Хаёл бўлмаса, одамнинг меҳнат қилиши ҳам мумкин бўлмайди. Меҳнат қилиш вақтида ҳамиша шу меҳнатдан кузатилган мақсад олдиндан белгилаб олинади, шу меҳнатнинг қандай натижалар бериши олдиндан тасаввур

килинади. Шундай қилинмаса, ишлаб бўлмайди. Эришилмоқчи бўлган мақсадни белгилаш, олдиндан кўриш, чамалашнинг ўзи шу мақсадни ва натижаларни хаёлда тасаввур қилиш демакдир, хаёлнинг бўлиши инсоннинг ҳар қандай ишни ижодий бажаришига ёки бу ишга ижодкорлик элементларини киритишга имкон беради. Акс ҳолда меҳнатнинг ҳар бир тури илгари ўрганиб олинган усуллар, приёмлар ва ҳаракатларни шунчаки такрорлаш йўли билангина бажарилиши мумкин.

Одамнинг бутун ижодий фаолиятида хаёлнинг жуда катта аҳамияти бор, хаёл бўлмаса, қишлоқ хўжалигида новаторлик, техникада ихтирочилик ва барча санъат тармоқлари ҳам бўлмаган бўлар эди. Албатта, реал хаёлгина инсон фаолиятида ана шундай ижобий аҳамиятга эгадир.

Аксинча, реал бўлмаган хаёл-қуруқ хаёлпарастликдир, бундай қуруқ хаёлпарастлик ҳар қандай фаолиятга тўсқинлик қилади. Кенг, мазмунли, кучли ва реал хаёлгина инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида ижобий аҳамиятга эга бўлади, албатта. Мана шундай хаёлни ўстириш ақлий тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири бўлиши лозим.

ТУШУНЧА.

Тушунчанинг икки тури бор: бири конкрет тушунча, иккинчиси – абстракт тушунча.

Бир бутун нарсага тааллуқли бўлган тушунча, масалан, стол тўғрисидаги, одам тўғрисидаги, ўсимлик ва бошқа шу каби нарсалар тўғрисидаги тушунча конкрет тушунчадир.

Нарса ва ҳодисаларнинг ўзига тааллуқли бўлмасдан, балки нарс ва ҳодисалардан, фикран ажратиб олинган айрим хусусият, сифат ва ҳолатларга, шунингдек, айрим нарс ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларга ва боғланишларга тааллуқли бўлган тушунчалар абстракт тушунчалар деб аталади. Масалан, «оғирлик» тўғрисидаги, «узунлик» тўғрисидаги, «тенглик» тўғрисидаги, «ҳаракат» тўғрисидаги, «қиймат»

тўғрисидаги ва бошқа шу каби тушунчалар мана шундай абстракт тушунчалардир.

Тушунчаларнинг идрок ва тасаввурлардан фарқи.

Тушунчани идрок ва тасаввурдан фарқ қилмоқ керак. Илгари айтиб ўтилганидек, сезги ва идроклар нарсалар ва ҳодисаларнинг бизнинг сезув органларимизга таъсир қилиши жараёнида ҳосил бўлади. Сезги ва идроклар сезув органлари фаолиятининг маҳсулидир. Тасаввурлар ё хотиранинг маҳсули ёки ҳаёлнинг маҳсулидир.

Идрок ва тасаввурлар фақат якка нарсаларнинг образларидир. Тушунчалар эса фақат якка бир нарсага эмас, балки кўп нарсаларга, нарсаларнинг бутун туркумига ҳам тааллуқли бўлган, умумийлаштирилган бир мазмунни акс эттиради. Масалан, «стол» (умуман стол) деган тушунча ҳамма столларга тааллуқли тушунчадир.

Тушунча – ўзининг психологик тузилиши жиҳатидан фикран умумийлаштирилган образдир.

Тушунчага тааллуқли объектларнинг миқдори тушунчанинг кўламини (ҳажмини) ташкил қилади. Тушунчалар кўлам жиҳатидан иккига бўлиниб, якка тушунчалар ва умумий тушунчалар деб аталади.

Якка тушунчаларнинг хусусияти шуки, бу тушунчаларда ҳамиша яққол образ мавжуд бўлади, чунки бу тушунчалар бевосита ё идрокка, ёки тасаввурга асосланади.

Бутун бир туркум, бир-бирига ўхшаш тушунчалар умумий тушунчалар деб аталади. Масалан: иморат тўғрисидаги одам тўғрисидаги, ўсимлик тўғрисидаги, организм ва ҳоказолар тўғрисидаги тушунчалар мана шундай тушунчалардир. Умумий тушунчалар ҳам тасаввурларга асосланади. Лекин мана шу тушунчаларда пайдо бўладиган тасаввурлар айрим ҳолларда ва айрим кишиларда турлича бўлиши мумкин. Конкрет тушунчаларда туғиладиган тасаввур ҳар қанча хилма-хил бўлса ҳам шу тушунчалар шу тушунчада ифодаланадиган нарсаларнинг бир турига, бир туркумигагина тааллуқли бўлади.

Абстракт тушунча ҳамиша умумий бўлади. Абстракт тушунчаларнинг хусусияти шуки, бу тушунчалар идрок ёки тасаввурларга бевосита таянади. Бу тушунчаларда яққол образ бўлмайди, абстракт тушунчаларда сезги элементлари бўлмайди.

Гарчи абстракт тушунчалардан миямизда бирор тасаввур туғилса ҳам, бу тасаввурлар шу тушунчанинг ўзига бевосита тааллуқли бўлмасдан, балки бавосита ва ҳатто жуда олис муносабатда бўлади. Масалан, «чексизлик» деган абстракт тушунча бир одамда узун йўл тўғрисида тасаввур туғдирса, иккинчи бир кишида бир ғалтак ип тўғрисида тасаввур туғдиради, учинчи бир кишида осмон тўла юлдузлар тўғрисида тасаввур туғдириши, тўртинчи бир кишида чексизлик аломати бўлган математик белги тўғрисида тасаввур туғдириши мумкин ва ҳоказо. Абстракт тушунчалар конкретлаштирилгандагина тасаввурлар муайян характер касб этади. Масалан, «баландлик» тўғрисидаги, «оқлик» тўғрисидаги тушунчаларда яққол образ йўқ, лекин «иморатнинг баландлиги» тўғрисидаги, «қорнинг оқлиги» тўғрисидаги тушунчаларда яққол образ, тасаввур бор.

Тушунчалар ўзининг мазмуни жиҳатидан ҳам идрок ва тасаввур образларидан фарқ қилади. Сезги органлари ёрдами билан бевосита акс эттирилган белгилар нарсалар тўғрисидаги идрок ва тасаввурларнинг мазмунини ташкил қилади.

Тушунчанинг мазмунини ҳукмлар синтезининг мажмуини ташкил қилади, бу ҳукмларда ўша идрок қилинаётган белгилар, шунингдек сезиш органларимиз ҳис қилолмайдиган белгилар кўрсатилади. Бунда нарсанинг белгилари унинг бошқа нарсалар ва тушунчалар билан муҳим боғланишларини ва муносабатларини ифодалайди. Тўғри фикр қилинган тақдирда, воқелик тушунчаларда, сезги ва тасаввурлардагига қараганда чуқурроқ, тўлиқроқ ва аниқроқ акс этади.

Тасаввурлар билан тушунчалар ўртасидаги тафовутлар тўғрисида айтилган бу гаплардан тасаввурлар бизнинг онгимизда ўзича пайдо бўла берар экан, тушунчалар эса ўз йўли билан ҳосил бўлар экан, деган маъно

чиқариш ярамайди. Тасаввурлар билан тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир.

Ҳамма тушунчалар тажриба асосида ҳосил бўлади; шу сабабли ҳамма тушунчалар - конкрет тушунчалар ҳам, абстракт тушунчалар ҳам - идрок ва тасаввурлар асосида ташкил топади.

Тушунча ва сўз.

Тушунча билан сўз бир-бирига чамбарчас борлангандир: сўзсиз тушунча бўлиши мумкин эмас. Сўз тушунчанинг «моддий» ифодаси ва тушунчанинг таянчидир. Тушунчалар ё бир сўз, ёки бир неча сўз билан ифодаланади. Масалан, «одам» деган тушунча бир сўз билан ифодаланган, лекин «Ўзбекистон фуқароси» деган тушунча эса икки сўз билан ифодаланган, «Ўз Ватанини севган киши» деган тушунча тўрт сўз билан ифодаланган.

Кўпинча тушунчалар алоҳида шартли белгилар – саволлар воситаси билан ифодаланади. Масалан, математикада $+$ (плюс), $-$ (минус), $=$ (тенглик) ва бошқа шу каби белгилар ишлатилади. Кўп тушунчалар айрим ҳарфлар – *a, в, с, х, у* ва бошқа шу каби ҳарфлар билан ифодаланади. Бундай белгилар, одатда, сўз билан ифодаланадиган ибораларнинг ўрнида ишлатилади ва шартли аҳамиятгагина эга бўлади – сўзлашган вақтда бу ҳарфлар ўрнига оғзаки тилдаги сўзлар ва гаплар ишлатиш мумкин.

Сўзлар ва белгилар фақат тушунчаларнинг ифодасигина бўлиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, тушунчалар ҳосил қилиш учун ҳам восита бўлади. Тушунчалар сезги, идрок, тасаввурлар асосида, сўз, нутқ ёрдами билан тафаккур жараёнида ҳосил бўлади.

Тушунчалар ҳосил қилишда фикрлашнинг асосий жараёнлари бўлган умумийлаштириш ва абстрактлаш фақат сўзлар ёрдами билангина рўёбга чиқиши мумкин. Сўзлар, терминлар тафаккур жараёнларидаги тушунчаларнинг мазмунини ифодалайди, онгда тушунчаларнинг «вакили» бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир сўз муайян мазмунни ва муайян ҳажмдаги тушунчани ифодалайди, шу сабабли, сўзлар алоқа қилишга ва тушунчаларни англаб олишига хизмат қилади ҳар бир тушунча сўзлар воситаси билан бошқа шахсларга билдирилиши мумкин. Тушунчаларни ҳамма англаб олиши мумкин. Биз ўзимиздаги тушунчаларнинг кўпчилигини бошқа одамлардан тайёр ҳолда олганмиз. Одамларнинг ҳамма кейинги авлодлари ўзларида бўлган тушунчаларнинг катта қисмини ўзларидан олдинги бўғинлардан тайёр ҳолда оладилар. Кейинги бўғиндаги одамлар аввалги бўғиндаги одамлар яратган тушунчаларни ўқиб олиб, уларни чуқурлаштирадилар, аниқлайдилар, бойитадилар. Шу билан биргаликда, кейинги авлодлар шу тариқа ўқиб олинган тушунчаларга ва ўз тажрибаларига асосланиб, воқеликнинг олдинги бўғиндаги кишилар тушунча яратиб бермаган нарса ва ҳодисалар тўғрисида янги тушунчалар яратадилар.

Ўқитишнинг моҳияти ҳам тайёр тушунчаларни (билимларни) мана шу тариқа бериш ва ўқиб олишдан иборатдир.

Тушунчаларнинг мана шундай бошқаларга берилиши ва ўқиб олиниши бу тушунчаларнинг такомиллашувига ҳам сабабчи бўлади. Воқеликдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги тушунчалар тарихан – инсоният оламининг тараққиёти давомида ва ҳар бир кишининг болаликдан бошлаб то умрининг охиригача онгида такомиллашиб боради.

Тушунчали, мазмунли ассоцициялар бадий орнаменларда график белгиларни чақирди. Орнаментли композициялар керакли бўлган маълумотларни ўзида намоён этади.

ТАФАККУР ТУРЛАРИ

Одамларнинг эҳтиёжлари, ҳаётий қизиқишлари ва фаолиятлари жуда хилма-хилдир. Шу сабабли, одамнинг тафаккури ҳам турли ҳолларда ҳар хил турда намоён бўлади. Билиш учун керак бўлган вазифаларни ва ҳар хил амалий вазифаларни ҳал этишга тўғри келиб қолинганида, шунингдек бошқа одамларнинг фикрларини нутқ орқали ва амалий муомалада билиб

олишга, тушуниб олишга тўғри келинганида одам ўз фикрини ишлатади. Мана шундан ижодий тафаккур ва тушуниш деб аталадиган тафаккур келиб чиқади. Тафаккурнинг фаоллиги қай турда бўлишига қараб, у ихтиёрий ва ихтиёрсиз тафаккурга бўлинади, тафаккурнинг умумийлашганлик даражасига қараб, у конкрет ва абстракт тафаккурга, йўналишига қараб, у назарий ва амалий тафаккурга бўлинади.

Ижодий тафаккур ва тушуниш

Пайдо бўлган саволларнинг жавобини одам ўзи кидириб топса, қўйилган вазифаларни одам ўзи ҳал қилса, одамнинг онгида янги ҳукмлар ва тушунчалар пайдо бўлса, бундай ҳолларда ижодий тафаккур пайдо бўлади.

Саволларнинг пайдо бўлиши ёки қўйилганлиги фикр қилиш, тафаккур жараёнларидаги бошланғич моментдир (ёки фазадир). Идрокларда, тасаввурларда, фикрларда ва нутқда бирор етишмаган, мукамал ифодаланмаган нарса сезилиб қолганида, ўзининг янгилиги, кутилмаганлиги билан эътиборни жалб қиладиган нарса ва ҳодисалар идрок қилинганида ва шунга ўхшаш фикрлар пайдо бўлганида бизнинг онгимизда саволлар туғилади. Идрок, тасаввур ва фикрлар бир-бири билан «тўқнаш» келиб қолганида, бир-бирига зид тушиб қолганида саволлар пайдо бўлади. Бундай ҳолларда таажжубланиш, ҳайратда қолиш ҳисси туғилади ва шу ҳислар билан бирликда саволлар ҳам ифодаланади.

Инсон фаолиятининг ҳамма турларида унинг эҳтиёжлари сабабли саволлар пайдо бўлаверади, фаолият жараёнининг ўзида бизда янги саволлар туғилади, янги вазифалар қўйилади.

Нутқ орқали муомала қилганимизда, китобларни ўқиётган вақтимизда, нарсаларни кўздан кечираётганимизда, техникага ва механикага доир хилма-хил машиналар билан танишаётганимизда ва шу каби ҳолларда бизда турли саволлар туғилади.

Тафаккур жараёнининг ўзи ҳам, билиш жараёнининг ўзи ҳам муттасил ҳар хил саволлар туғилишига сабаб бўлади. Одам қанчалик кўп

билаверса, унинг олдида номаълум нарсалар шу қадар кўп пайдо бўлаверади, унда шу қадар кўп саволлар туғилаверади ва унинг ўзи шу қадар кўп савол бераверади. Билишга қизиқиш саволлар қўйишда катта роль ўйнайди.

Кундалик ҳаётда шундай ҳам бўладики, савол берилиши билан дарров унинг жавоби ҳам топилади. Масалан, «Бугун нима кун?» -«Бугун шанба», «Икки марта уч қанча бўлади?» «Икки марта уч – олти». Шундай қилиб, бундай тафаккур жараёнида саволга жавобни идрок қилинаётган яқин вазиятнинг ўзи беради ёки ҳаммага маълум очиқ-ойдин ҳақиқатлар жавоб бўлиб хизмат қилади. Кундалик ҳаётимиздаги нутқни бевосита тушунишнинг ўзи ҳам оддий тафаккурга тааллуқлидир. Бу - тафаккурнинг оддий, элементар жараёнларидир. Бу айрим ҳукмлар бизнинг идрокимизда ифодаланади ҳамда тасаввурлар ва тушунчалар тариқасида хотирамизда мустаҳкам ўрин олади.

Ижодий тафаккур тўғрисида гапирганимизда биз мураккаб ақлий жараёнини назарда тутамиз. Бу процесс бир қанча босқичлар (ёки фазалар) ва моментлардан иборат бўлади.

Ижодий тафаккур мураккаб жараён бўлиб, бу мураккаб жараёнда қўйилган савол кетидан (шу саволнинг мураккаблигига қараб дастлаб вазифа ифодаланади, сўнгра эса вазифани, масалани ечиш жараёни), яъни қўйилган саволларга жавоб қидириш жараёни бошланади.

Вазифа, масала – ечилиши, ҳал қилиниши талаб этилган саволдир. Ифодаланган вазифа *мақсадни* ҳам ўз ичига олади. Бу мақсад номаълумни топишга ва шу тариқа ҳайронлик, таажжубланиш ва гумон ҳисларидан қутулишга интилишдан иборатдир. Тафаккурнинг мураккаб жараёнларидаги масалани ифодалашнинг ўзи, кўпинча, мураккаб фаолият бўлади. Бунда нималар маълум ва номаълумлигини ҳисобга олишга, масала қандай вазиятда ечилаётганлигини ҳисобга олишга, ечилаётган масаланинг аҳамиятини тушуниб олишга тўғри келади.

Тафаккур жараёнининг шундан кейинги босқичи – жавобни излашдан, масалани ҳал этишга олиб келадиган йўллари, воситалари, қоидалари, усуллари қидириш ва татбиқ қилишдан иборат бўлади. Қўйилган саволларга бериладиган жавобларни баъзан идрок қилинаётган теваарак-атрофдаги вазиятдан қидиришга тўғри келади. Бундай ҳолларда тафаккур жараёнларидаги одамнинг кузатувчилик қобилияти катта аҳамиятга эга бўлади.

Баъзан лозим бўлган жавоб «хотира заҳиралари» орасидан – тажриба ва билимларимиздан топилади. Кўпинча тафаккур жараёнларида керакли жавоблар хаёл ёрдами билан топилади. Масалан, ҳар хил таҳминлар, илмий гипотезалар шу тариқа вужудга келади, кўпгина кашфиётлар, техника соҳасида ҳар хил ихтиролар қилинади.

Кўпинча, тафаккур жараёнларидаги керакли жавобларни муҳокама қилиш ва уйлаб кўриш, фараз қилиш тафаккурнинг мантикий усуллари кўлланиш йўли билан топилади. Масалан, математика масалалари ана шу йўл билан ечилади. Масала ва вазифаларни ечиш, қўйилган саволга жавоб қидириш жараёнида биз баъзан янглишамиз, шу масалани ечишга олиб борадиган тўғри йўлдан адашамиз. Олинган жавобнинг ўзи ёки масалани ҳал этиш усулининг ўзи бизда шубҳа туғдирадиган пайтлар ҳам бўлади. Бундай ҳоллар тафаккур жараёнида яна бир пайт – шу процесснинг натижаларини танқидий текшириб чиқиш пайти келади. Баъзан бу танқидий текшириш масалани, вазифани ҳал этиш жараёни билан айна бир вақтда, баб-баравар бўлаверади. Фикр қилиш жараёнининг мана шу назоратлик қилувчи пайтида мантикий жараёнлар хулоса чиқариш, исботлаш, рад этиш жараёнлари аниқсиз катта ўрин тутди. Ҳаракатнинг охири ва асосий мезони одамнинг тажрибасидир.

Тарихга кирган ва улуғ кишиларнинг номлари билан боғлиқ бўлган илмий кашфиётлар, фалсафий ва илмий тушунчалар, турли назарияларнинг кўпчилиги айна вақтда кўп жиҳатдан жамоа тафаккурнинг, баъзан бир неча бўғиндаги одамлар тафаккурининг маҳсулидир.

Тафаккур жараёнидаги тушуниш бошқа бир кишининг оғзаки ва ёзма нутқини идрок қилиш ва уқиб олиш жараёнида содир бўлади. Нутқни тинглаётганимизда ёки бирор ёзма текстни ўқиётганимизда, одатда, биз ўзимиз эшитаётган ёки ўқиётган сўз бирикмаларини тўғри идрок қилишга («пайқаб олишга») интиламиз.

Жумладан, ўзимиз идрок қилаётган ёки тасаввур қилаётган нарсаларни ўзимиздаги мавжуд тушунчалар қаторига ўтказишнинг ўзи ҳам тушунишимизнинг ифодасидир. Баъзи шартлар мавжуд бўлганидагина нутқни ёки буюмларни тўғри (адекват тарзда) тушуниш мумкин. Чунончи, ҳар бир сўзнинг маъносини билиш, тилнинг грамматик формаларини эгаллаб олиш, ўзлаштирилаётган соҳада етарли билимга ва тажрибага эга бўлиш бу тилдаги нутқни тушунишнинг шартидир.

Тушуниш ижодий тафаккурдан фарқ қилади, гавдалантирувчи ҳаёл бўлгани каби, тушунишни ҳам гавдалантирувчи тафаккур деб таърифлаш мумкин. Тушуниш асосан, тайёр билимларни ва кўникмаларни ўзлаштиришда содир бўладиган тафаккурдир.

Одамнинг ақлий фаолиятида тушуниш ва мустақил ижодий тафаккур жараёнлари бир-бирини истисно қилмайди. Шунинг назарда тутиш керакки, тафаккурнинг бу иккала тури айтиб бир хил операциялардир: таққослаш, анализ, синтез қилиш ва шу кабиларда содир бўлаверади.

Баъзан тушуниш жараёнида ҳам саволлар қўйишга ва масалаларни ҳал қилишга тўғри келади. Оғзаки нутқни идрок қилиш чоғида ёки китобни ўқиётганимизда, ёхуд бирор техника ва механизмларни кўздан кечириётганимизда тушуниб бўлмайдиган, тушуниш қийин бўлган нарсалар учраб қолади. Бундай ҳолларда «буни қандай тушунмоқ керак» деган савол туғилади, бу саволнинг жавобини қидириш бошланади. Бундан ташқари, бирор вазифани мустақил ҳал қилмоқ учун, бирор масалани мустақил ҳал этмоқ учун бирор нимани тушуниш ҳам керак. Масалан, ҳукм юритишда чин хулосага келмоқ учун шу ҳукм юритишга асос бўлган шарт-шароитнинг мазмунини тўғри тушуниб олмоқ керак. Математика масаласини ечаётган ўқувчи аввало

шу масаланинг мазмунини тушуниб олиши, яъни текстда ифодаланган фикрни (ҳукмни ва тушунчаларни) унинг мантикий боғланишида тўғри уқиб олиши, сўнгра эса масалани ечишга киришуви, яъни тушунилган материалга асосланиб туриб, ҳар хил фикрлаш жараёнларини татбиқ қилиш йўли билан номаълум сонни қидириши ва топиши лозим бўлади.

Тушуниш (идрок қилишдан иборат фикр юритиш жараёни) ва масалани мустақил ечиш (ижодий фикр қилиш) жараёнлари одам фаолиятида бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда содир бўлади ва ўтади.

Конкрет ва абстракт тафаккур

Тафаккур - конкрет тафаккур ва абстракт тафаккур деб иккига бўлинади. Агар биз фикр юритилаётган нарсани идрок қилсак ёки тасаввур қилсак, бу тафаккур конкрет тафаккур деб аталади.

Бизнинг ўзимиз шу онда турган хонамиз тўғрисидаги муҳокамаларимиз мана шундай конкрет тафаккурнинг бир мисолидир. Биз тасаввур қилишимиз мумкин бўлган бирор дарё тўғрисидаги, бирор қурилиш тўғрисидаги, бирор тарихий воқеалар тўғрисидаги муҳокамалар ҳам конкрет тафаккурга мисол бўла олади.

Бу – нарсаларнинг образларига бевосита таянувчи тафаккурдир. Бу-яққол тафаккурдир.

Конкрет тафаккур ҳам предметли яққол тафаккур деб ва яққол-образли тафаккур деб икки хилга бўлинади.

Тафаккур объекти бевосита идрок қилинадиган тафаккур предметли-яққол тафаккур деб аталади.

Ўзимиз турган хона тўғрисидаги, биз деразадан кўриб турган дарахт тўғрисидаги муҳокамаларимиз мана шундай предметли-яққол тафаккурга мисол бўла олади.

Тафаккурнинг бу тури, асосан, идрокка таянган ҳолда воқе бўлади. Предметли-яққол тафаккур фақат муҳокамалардагина эмас, шу билан бирга бевосита ҳаракатларда ҳам намоён бўлади. Бундай тафаккур предметли – ҳаракатли тафаккурдир.

Катта ёшдаги кишилар рўзғорга тааллуқли турли буюмлар билан ва хилма-хил меҳнат қуроллари билан иш олиб бораётганларида уларнинг кундалик амалий фаолиятида ҳам мана шундай тафаккур ишга солинади. Тафаккур қилинаётган нарсани идрок қилмасдан, балки фақат тасаввур қилган вақтимиздаги тафаккур образли-якқол тафаккур деб аталади.

Бундай тафаккур хотира тасаввурига ёки хаёл тасаввурига таянади. Кеча бўлиб ўтган воқеалар тўғрисидаги муҳокамалар, Марсда ҳаёт бормикин деб қилаётган бизнинг муҳокамаларимиз якқол-образли тафаккур намуналари деб ҳисобланиши мумкин.

Ҳар бир киши мураккаб нарсаларни (масалан, машиналарни, табиат ҳодисаларини) бевосита идрок ва тасаввур қилган ҳамма ҳолларда ҳам шу киши конкрет тафаккур қилади.

Абстракт тафаккур умумий ва абстракт тушунчаларга асосланади. Бу – тушунчалардан таркиб топган тафаккурдир, умумийлаштирилган тафаккурдир, бу тафаккур, асосан, иккинчи сигнал системасининг, нутқ, сигнал системасининг фаолияти туфайли вужудга келади. Масалан, абстракт тасвирда қоронғу хонани ва ҳиссиёт билан боғлиқликни идрок этилади. Худди шундай абстракт идрок этиш комфортли ва дискомфортлилар ўратасида ҳам тасвирлаш мумкин.

Абстракт тафаккур конкрет тафаккурдан ўзининг ғоят кенглиги билангина фарқ қилиб қолмасдан, балки, шу билан бирга, воқеликни жуда чуқур билишга имкон бериши билан ҳам фарқ қилади. Бунда биз бир ҳукмнинг ўзида ҳамма нарсаларга ва ҳодисаларга алоқадор боғланишлар ва қонунлар тўғрисида фикр юритишимиз мумкин. Айрим абстракт муҳокамаларда биз идрок ҳам қилиб бўлмайдиган, тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган нарсалар тўғрисида фикр юритишимиз мумкин. Биз табиат тўғрисида, умуман қонун тўғрисида, миқдор тўғрисида, сифат тўғрисида, тенглик тўғрисида, борлиқ тўғрисида абстракт фикр юритишимиз мумкин (ва фикр юритамиз). Биз чексизлик тўғрисида ҳам фикр юритишимиз мумкин.

Абстракт тафаккур ҳақиқатга эришишга ва воқеликни тағин ҳам чуқурроқ ва тўлароқ билишга олиб борадиган йўллардир.

Аммо биз абстракт тафаккурнинг хусусиятлари тўғрисида гапирганимизда шуни назарда тутишимиз лозимки, бу тафаккур ва конкрет тафаккур одамнинг яхлит тафаккурини ташкил қилади, бу иккала тафаккур бири-бирига чамбарчас боғлангандир.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲИСЛАР

Одамнинг ақлий фаолияти билан, боғлиқ, бўлган ҳислар интеллектуал ҳислар деб аталади. Билишга қизиқишлик таажжубланиш ва хайрон қолиш ҳислари, ишонч, ишончсизлик ва шубҳаланиш ҳислари интеллектуал ҳислар қаторига киради. Бундай ҳиссиётлар ҳар хил назарий ва амалий саволлар туғилганида, вазифа ва масалаларни ҳал қилиш чоғида, кашфиётлар, ихтиролар қилинаётган чоғда, бирор янгиликни ўзлаштириш ва билиш чоғида пайдо бўлади ва ҳис қилинади.

Интеллектуал ҳисларнинг баъзи бир айрим кўринишларига тўхталиб ўтамиз.

Уринчоқлик. Бу ҳиснинг номидан кўриниб турибдики, бундай ҳис одамнинг билимларга ижобий муносабатида ифодаланади. Бирор соҳада ёки турли соҳаларда энг чуқур ва аниқ билим олишга интилишдан иборат бўлган бу ҳис жуда узоқ (айрим одамларда умрбод) давом этади. Уринчоқлик билиш-нинг турли йўллари ва воситаларини излашга (маҳсус адабиётларни ўқишга, радио ва телевидение эшиттиришларини, лекцияларни тинглашга, мутахассислар билан суҳбатлашишга, тажрибалар ўтказиб туришга) ҳамда шу йўллар ва воситалардан фойдаланишга рағбатлантиради. Айни вақтда бу мураккаб ҳислар олинган билимларнинг одамнинг ўзи учун ва бошқалар учун (жамият учун) нақадар аҳамияти борлигини ижобий баҳолашга ёрдам беради.

Билишга қизиқиш уринчоқликнинг алоҳида бир туридир. Баъзан бу икки термин (уринчоқлик ва билишга қизиқиш терминлари) ҳатто бир хил маънода

ишлатилади. Билишга қизиқиш баъзан бирор нимадан хабардор бўлишга кучли интилиш тариқасида ва шуни билиб олгач, ундан мамнун бўлиш тариқасида намоён бўлади Лекин бунда (билишга қизиқишда) мана шу интилиш ва мамнуният ҳисси кўпинча қисқа бўлади, бевосита яқин теваарак-атрофдаги ҳодисалар ва воқеаларни, одатда, одамнинг ўзи қизиқаётган ҳодисаларни кўпинча бевосита идрок қилиб олишдан иборатдир: кўриб, эшитиб, қўлда ушлаб билиб олишдан иборатдир.

Билишга қизиқиш деган терминни баъзан салбий маънода ишлатилади, одамнинг билимини кенгайтирмайдиган, аксинча, унинг пасткашлиги, бефаҳмлигидан далолат берадиган тарзда майда-чуйда ва арзимас нарсаларни ва ҳодисаларни билишга интилиш мана шундай салбий маънодаги билишга қизиқишнинг ўзидир.

Билишга қизиқа бериш мактабгача тарбия ёшида болаларга хос хусусиятлардир. Нормал турмуш шароитида ва ўқитиш жараёнида, ёши улғайиб, тажриба орта борган сари, оқилона уринчоқлик ривож топа боради. Бу ҳис одамнинг илмий-тадқиқот ишлари билан самарали шуғулланишини рағбатлантирувчи асосий фактордир.

Таажжубланиш ҳисси. Бундай ҳис бизга қандайдир янги, одатдан ташқари, номаълум бирор нарса таъсир қилганида туғилади. Биз кутмаган воқеалар содир бўлганида бунга таажжубланамиз. Билиш жараёнида таажжубланиш ҳисси хурсандлик тариқасида ўтади. Бу ҳол самарали билиш фаолиятининг доимий йўлдошидир. «Воқеаларни кузатиб бораётганимизда биз ўзимизда туғилган ҳислардан мамнун бўламиз, бу мамнуният эса интеллектуал хурсандликдир» (Д." Р.Декарт).

Кутилмаган бир нарса сабабли туғилган таажжубланиш бизни дастлабки қарашда кам учрайдиган ва одатдан ташқари бўлиб кўринган нарсаларни диққат билан кўздан кечиришга мажбур этади. Шундай қилиб, таажжубланиш бизни ҳодисаларни билишга ғоят даражада рағбатлантиради.

Хайрон қолиш ҳисси. Тадқиқ қилинаётган фактларнинг сабабларини топишда қийналиб қолганимизда, бу фактларни ўзимизга шу дамгача маълум бўлиб турган ҳодисалар группасига киритолмай қолганимизда, боғланишларнинг аниқланган турлари қаторига бу фактларни киритолмай қолганимизда ва шу каби ҳолларда бизда хайрон қолиш ёки хайрон бўлиш ҳисси туғилади. Бу ҳис ҳам билиш фаолиятини янада кучайтиришга йўлловчи зўр воситадир.

Ишонч ҳисси. Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланишлар ва муносабатларнинг тўғрилиги тафаккур жараёнида аниқланиб, мантикий равишда чиқарилган хулосалар билан ва амалиётнинг ўзида яққол исбот бўлганида ишонч ҳисси туғилади.

Шубҳаланиш ҳисси биз ўзимиз чиқарган қоидалар ёки гипотезалар фактларга ёки назарияларга зид бўлиб, шулар билан тўқнашиб қолганида туғиладиган ҳиссиётдир. Бу жуда муҳим ҳиссиёт, чунки тўпланган фактларни ва биз айтган қоидаларни ҳар томонлама текшириб кўришга рағбатлантиради. «Самарали илмий фаолият учун доимо шубҳа билан қарамоқ ва ўз-ўзингни текшириб турмоқ зарур» (И. П. Павлов) .

Назарий ва амалий вазифаларни ҳал қилиш жараёнида одам янгилик ҳисси деган алоҳида ижобий ҳисни кечинади. Бу ҳис алоҳида хурсандлик ҳолатида ўтади ва одамда ғайратни кўзғатиб юборади. Ҳал қилинаётган вазифа катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлганида, тамойили характердаги масалалар ҳал этилаётганида одамдаги бу ҳис айниқса кучли бўлади.

Интеллектуал ҳиссиётлар одамнинг билиш фаолияти сабабли пайдо бўлибгина қолмасдан, улар ҳамиша ақлий жараёнлар таркибига кирадилар ва шу билан бирга бу ҳиссиётлар ақлий фаолиятни рағбатлантириб туради, кучайтиради, тафаккурнинг тезлигига, самаралилигига, билимларнинг мазмунли ва аниқ бўлишига таъсир қилади. Масалан, таажжубланиш ва билишга қизиқиш ҳислари одамни хилма-хил масалаларни ҳал этишга, тобора кўпроқ билим олишга мажбур қилади. Шубҳаланиш ҳисси далиллар

қидиришга, фикрларимизни асослаш йўллари топишга, туғилган масалаларга тўғри жавоблар қидиришга мажбур этади.

Янгилик ҳиссининг таъсирчанлиги айниқса кучли бўлади. Бу ҳис кишиларга – илмий тадқиқот институтларида ва лабораторияларда ишлаётган кишиларга ҳамда, шунингдек, колхоз далаларида ва фабрика, завод цехларида ишлаётган кишиларга ҳам хос бўлиб қолди. Янгилик ҳисси янги, баъзан тағин ҳам мураккаб муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни давом эттириш истагини туғдиради, кўпинча бу истак зўр эҳтирос билан интилишни вужудга келтиради.

Одамнинг муҳокамаларида муайянлик, изчиллик, равшанлик бўлиб турганида, бу муҳокамалар далиллар билан яққол асосланиб ва исботланиб турганида мантикий тафаккурдан мамнун бўлиш ҳам интеллектуал ҳиссиётлар қаторига киради. Аксинча, тафаккуримиз мантикий бўлмай қолганида, жумладан, одам ўз муҳокамасида ҳеч бир боғланишсиз бир нарсадан иккинчисига сакраб ўтаверганида, унинг муҳокамаларида муайянлик, изчиллик, равшанлик бўлмаганида, бу муҳокамаларда зиддиятлар пайдо бўлиб қолганида, одамнинг фикри асоссиз, ишонтирарли бўлмай қолганида бизда ноҳуш ҳис пайдо бўлади.

Суҳбатдошнинг, маърузачининг нутқи тўғри ва равон бўлганида булар бизда ижобий ҳис туғдиради. Тилнинг грамматика формаларини бузиб гапириш, нутқда кераксиз сўзларни кўп ишлатиш, тушунилиши оғир бўлган ва завқлантирмайдиган нутқ бизда ёқимсиз, салбий ҳис туғдиради. Умуман, интеллектуал ҳиссиётлар ўзининг мураккаблиги ва хилма-хиллиги билан фарқ қилади, зотан одамнинг ақлий фаолияти ҳам мураккаб ва хилма-хилдир.

ҚОБИЛИЯТ.

ҚОБИЛИЯТ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА.

Шахснинг барча индивидуал хусусиятлари фаолият жараёнида намоён бўлади. Қобилият сингари истеъдод ҳам шахснинг асосий индивидуал хусусиятларидир.

Кишилар турли соҳалардаги фаолиятларида – меҳнат, ўйин, ўқиш ва ижодиётда бирор нарсани тез ёки секин бажаришлари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Баъзи бир одам бир ишни секинлик билан бажарса, бир киши тезлик билан бажаради. Айрим кишиларнинг фаолиятлари самарали, серунум бўлса, бошқаларники эса кам унум бўлади. Баъзи одамлар ўз ишларида ижодий, оригинал усулларни кўпроқ қўлланса, баъзи бир кишиларнинг ишларида эса бундай усуллар камроқ кўринади. Кишилар фаолиятининг мана шу хусусиятига қараб, биз уларнинг қобилиятлари қандайлигини аниқлаб оламиз.

Қобилият – кишининг муайян фаолиятига бўлган лаёқатидир.

Кишилар қобилияти ниҳоятда хилма-хил бўлади. Ҳар бир касб кишидан меҳнатда, ижодиётда ва ўқиш фаолиятларида тегишли қобилият талаб этади. Киши фаолиятининг ҳар хил турларига мувофиқ, назарий ва амалий қобилиятларни, математика, техника, муסיқа, адабиёт, педагогика, хўжалик, ташкилотчилик ва бошқа соҳаларга оид қобилият турлари бўлади.

Инсон қобилиятининг барча турлари ҳамма одамларга хосдир – ҳар қайси одам маълум даражада киши фаолиятини барча турларига лаёқатли бўлади, лекин, шу билан бир қаторда, кўпчилик фаолиятнинг бир неча соҳасидан ёки ҳатто бир соҳасида салоҳият ортиқроқ бўлади.

Бирор соҳада қобилияти сезиларлироқ бўлиб кўринадиган айрим кишиларни қобилиятли киши (умуман) қобилиятли математик, қобилиятли музикачи, конструктор, рассом ва ҳоказо дейдилар.

Фаолиятнинг бирор тури соҳасида қобилиятнинг пайдо бўлиш даражаси муайян кишининг индивидуал хусусияти билан характерланади.

Айрим кишиларнинг қобилияти биргина соҳада эмас, балки бир неча соҳаларда яққол намоён бўлади. Бундай кишилар ҳар томонлама қобилиятли кишилардир. Одамнинг қобилиятларида туғма хусусиятлар ҳам намоён бўлади.

Шахснинг ривож топиб, қобилиятларида намоён бўладиган туғма хусусиятлари истеъдод дейилади.

Кишининг истеъдод даражасини ундаги муайян қобилиятларнинг қанчалик тез ўсишига, билим ва малакаларни қанчалик эгаллашига ҳамда ўз ишини қанчалик муваффақият билан ва самарали бажаришига қараб аниқлаймиз.

Қобилият ва истеъдодда кишининг ақли (интеллекти) ҳам, яъни идрок ва кузатувчанлигининг, тафаккур, ҳаёл, нутқ ва хотиранинг қанчалик ўсганлиги ҳам кўринади. Ақл фаолияти диққат ва ирода билан боғлиқ бўлгани учун қобилият ва истеъдод диққат ва ироданинг қанчалик кучли ва барқарорлигида ҳам кўринади. Кишининг қанчалик кузатувчан эканлиги, билимларни қандай ўзлаштириши, назарий ва амалий масалаларни қандай ҳал қилиши, қандай қимматли янгиликлар яратиши, ва ўз билим ва малакаларини турмушга қандай татбиқ қила билишидан ҳам, кишининг қобилият ва истеъдодини билиш мумкин.

Қобилият ва истеъдодни билим ёки маълумотга тенг баравар деб, яъни у билан айнан бир нарса деб қараш ярамайди. Кишининг муайян бир хилдаги қобилияти ва истеъдод даражаси унинг маълум соҳада билим ва кўникма ҳосил қилиш тезлиги даражаси билан белгиланади. Шунингдек, қобилият амалда қўллай олиш ва ижодиётда ундан фойдалана билишда ҳам кўринади. Билим олиш ва кўникма ҳосил қилиш эса, ўз навбатида, қобилият ва истеъдоднинг юзага чиқишига ва ўсишига сабаб бўлади.

Маълум соҳа ёки бирор ихтисос бўйича фаолият самараси жиҳатидан одамларнинг қобилият даражаси ҳар хил бўлади. Баъзи одамлар ўзининг юксак даражали қобилиятлари билан бошқа одамлардан ажралиб туради.

Бундай одамларнинг талантли ва гениал дейилади, уларнинг юксак қобилиятини эса генеаллик ва талантлик дейилади.

Қобилият одатда иштиёқ ва мойиллик билан боғлиқ бўлади. Муайян фаолиятга бўлган мойиллик ва унга бўлган қобилият, кўпинча, бир-бирига мос келади, биргаликда ўсади. Кишидаги мойиллик кўпинча, ундаги мавжуд қобилиятларнинг кўрсаткичи бўлади.

Гениаллик ва талантлик ҳақида

Гениал ёки гений деб биз шундай кишиларни айтамызки, улар ниҳоятда катта масалаларни ҳал қиладилар, бутун бир синф ёки халқлар учун, барча инсоният учун аҳамиятли бўлган, мисли қўрилмаган қимматли нарсалар яратадилар. Бунда улар яратган нарсалар тарихда гўё бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилади, тарихни олдинга прогрессив томон ҳаракатга келтирувчи мадад бўлиб хизмат қилади. Масалан, биз Алишер Навоийнинг гениал шоир деб ҳисоблаймиз чунки, у шундай асарлар яратдики, унинг асарлари дунёда келиши билан ўзбек адабиётида ўзбек тили тараққиётида янги бир давр бошланди.

Талантли деб шундай одамларни айтиладики, улар маълум соҳада муракаб назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишга, янгилик ва прогрессив аҳамиятга эга бўлган қимматли нарсалар яратишга қодир бўладилар. Талантли одам, талантли ёзувчи ва талантли шоир, талантли рассом, талантли конструктор деганда биз буни ана шу маънода тушунамиз.

Талантли деб шунингдек, билимларни тез, муваффақият билан ўзлаштириб оладиган ва шу билимларни турмушда, ўз фаолиятларида тўғри татбиқ қиладиган одамларни ҳам айтилади. Талантли ўқувчи, талантли студент, талантли скрипкачи ва талантли пианист, талантли инженер деганда биз буни ана шу маънода тушунамиз.

Гений – бу янгилик яратувчи ва кашф қилувчи одам, талантли деб, бу янгиликларни тез ўзлаштириб оладиган ва шу билимларни турмушда татбиқ қилиб, уларни олдинга сурадиган одам дейиш мумкин. Ҳар бир гений талантли ҳам бўлади, бироқ ҳар бир талантли одамни гениал деб бўлмайди.

Гениал ва талантли одамларнинг ақл-идроки ниҳоят ўсиб, вояга етган, зехни ўткир, хотираси кучли, ҳаёл ва тафаккури баркамол кишилар бўлади. Аммо гениаллик ва талантлилик фақат ақлнинг кучли суръатда ўсганлигидагина кўриниб қолмайди. Кучли, барқарор диққат, зўр эҳтирос, кучли ва мустаҳкам ирода ҳам юксак қобилият ва истеъдод белгисидир. Ҳамма гениал одамларнинг ўз ишига муҳаббати ва эҳтироси зўр бўлгандир. Гениал одам ўзини ҳам унитиб, бутун борлигини ишга бағишлади. Бутун ҳаётини ўз ишига эҳтирос билан бағишлаган гениал кишиларнинг иродаси ниҳоят кучли ва саботли бўлади. Улар кишини ҳайратда қолдирадиган даражада меҳнатсевар ва меҳнат қобилиятига эга бўладилар.

Бундай кишилар фаолиятининг серунум бўлиши улардаги бутун билиш қобилиятларини, ижодий, эмоционал ва ирода кучларини маълум нарсага тўплай билиш қобилиятларига боғлиқдир.

Талантли ва гениал кишиларнинг жуда кўпи ҳар томонлама қобилиятли бўлганлар. Чунончи, Аристотель, Леонардо да Винчи, Ломоносовлар, Абу Али Ибн Сино, М.Улуғбек, Ал-Форобий, Қори Ниёзий, Навоий, Усмон Носир ва бошқалар мана шундай бўлганлар.

Тарихда бундай кишиларни кўплаб учратиш мумкин. Улар улут ташкилотчи ва жамоат арбоби бўлганлар.

Қобилият ва истеъдоднинг ўсиши

Ҳар бир одамнинг қобилият ва истеъдоди тараққиёт маҳсулидир. Инсоннинг қобилияти унинг туғма лаёқати асосида, муҳитга боғлиқ равишда олаётган таълим-тарбиясига қараб, шунингдек кишининг ўз устида ишлаши билан боғлиқ ҳолда ўсиб, камол топиб боради. Инсон ўз моҳияти билан ижтимоий табиий зотдир. Шунинг учун ҳам унга хос бўлган барча руҳий ҳолат ва жараёнлар табиий кучга, ҳаётини кучга эгадир. Бу табиий кучлар ҳар бир инсонга ота-онадан бевосита ўтади ва улар инстинктлар, туғма лаёқатлар тариқасида ижтимоий муносабат ва фаолият жараёнида намоён бўлади.

Туғма лаёқат – тайёр, камолотга етган қобилият эмас, балки қобилиятнинг ўсиши учун фақат табиий заминдир, у келгусида қобилиятга

айланмоғи мумкин. Бундай имкониятлар фақат тегишли шароит мавжуд бўлгандагина рўёбга чиқа олади.

Туғма лаёқатни ирсият билан айнан бир нарса деб тушуниш ярамайди. Лаёқат ирсият натижасигина бўлиб қолмай, балки, шу билан бирга она хомиласида ўсиш натижаси ҳамдир. Лаёқат – кишидаги туғма имкониятдир.

Лаёқат кишининг бутун умри давомида ўзича ўсиб, камолотга етмайди. Лаёқат ҳали кишида «мудраб ётган» имкониятлардир. Бу лаёқатнинг «уйғониб» юзага чиқиши учун тегишли ижтимоий муҳит ҳам бўлмоғи лозим. Лаёқатни худди урукқа ўхшатиш мумкин, уруғдан ўсимлик кўкариб чиқиши, етилиб мева қилиши учун қулай шароит: тупроқ, ҳаво, қуёшнинг бўлиши даркор. Кишидаги туғма лаёқатнинг ўсиб камол топиши учун зарур бўлган шароитнинг асоси ижтимоий муҳитдир.

Ижтимоий муҳит лаёқатларнинг ўсиб, камол топиши учун қулай ёки ноқулай бўлмоғи мумкин.

Ноқулай ижтимоий муҳит шароитида кишидаги туғма лаёқатларнинг «уйғонмай» қолиб кетиши мумкин. Бундай ноқулай муҳит кишида тасодикий равишда кўрина бошлаган бирон қобилият ва истеъдод аломатларини йўқотиб юбориши ёки уларнинг пайдо бўлиш вақтини чўзиб юбориши ҳам мумкин.

Миллий анъаналар урф-одатларимизнинг тикланиши, миллий, умумбашарий ва умуммаънавий қадриятларимизни ҳаётимизга татбиқ этилиши халқимизнинг турмуш шароитини ўзгаришига олиб келди. Жамиятимиз учун билимдон, фидокор, истеъдодли ёшларни тарбиялаш имконияти яратилди. Шунингдек, мамлакатимизда номлари жаҳон фани тарихига кирган олимларимиз кўплаб топилади. Бизда маданий савияни ошириш, халқимиз орасида кўплаб бунёдга келган талант ва салоҳиятларни камол топтириш учун барча имкониятлар яратилган.

Истеъдоднинг ўсиб камол топиши учун фақат муҳит таъсирининг бир ўзи кифоя қилмайди. Бунда энг муҳим нарса таълим ва маҳсус тарбиядир. Қобилият таълим жараёнида, билимларни ўзлаштириш жараёнида,

билимларнинг ижодий қўлланишида, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилиш жараёнида, инсон фаолиятида камол топади. Масалан, музикачи бўлиш учун табиий қобилият ва қулай шароит бўлишининг ўзи кифоя қилмайди, балки ўқиш, музика назариясини ўрганиш, техникани ва махсус фанларни билиш керак бўлади. Яхши учувчи, инженер, умуман қандай бўлмасин ҳар бир соҳада мутахассис бўлиш учун тегишли маълумот ва тарбия олиши керак.

Таълим жараёнида киши махсус кўникмалар ва фаолият техникасини эгаллайдики, уларсиз унинг на истеъдоди юзага чиқади ва на қобилияти ўсиб етилади. «Мен фойдаланган техниканинг ривожланганлиги соясидагина – деб ёзган эди А.Н.Римский Корсаков, - менинг ижодиётим янги жонли кучга эга бўлади ва менинг бундан буён ижодий фаолиятим учун йўл очилди».

Маълумки, барча юксак истеъдодли кишилар кўп ва тиришиб ўқиганлар. Истеъдод айти таълим-тарбия жараёнида, кишининг таркиб топаётган қобилиятларида равшанроқ кўрина бошлайди. Чунончи, кишининг, масалан, музика, адабиёт, техника, математика ва бошқа шу қабиларга бўлган истеъдоди таълим-тарбия жараёнида ошқор бўлади.

Рассомлик соҳасида Рафаэлнинг ижодий қобилияти саккиз ёшида, Микеланжелода ўн уч ёшида, И.Е.Репин билан В.А.Серовда тўрт ёшида, В.И.Суриковда олти ёшида кўрина бошлаган. Александр Иванов ўн бир ёшидаёқ тасвирий санъат Академиясига кирган. Игорь Грабарь ўзи ҳақида: «Рассомликка неча ёшда ҳавас қўйганлигимни эслай олмайман, аммо расм солмаган вақтимни хотирлай олмайман», дейди.

Кишилар ўзидаги турли фаолиятларга бўлган туғма лаёқатларини жамоада, ўз устида тинмай ишлаш жараёнида рўёбга чиқарадилар. Мактаблардаги синф ҳамда жамоа, гуруҳлар, илмий тўғараклар, фан олимпиадаларига иштирок этиш, илмий анжуманларга иштирок этиш туғма лаёқатларни қулай имкониятларидир. Шунингдек, ўқув ва меҳнат фаолиятида одамнинг лаёқатлари уйғонади ва қобилиятлари ўсади, халқ талантлари шулар жараёнида ошқор бўлади.

Ҳар бир шахснинг ўзи актив ҳаракат қилгандагина ижтимоий муҳит, ўқиш ва тарбия кишининг лаёқатини уйғотмоғи ва истеъдод ҳамда қобилиятларини ўстирмоғи мумкин. Кишининг қобилиятлари унинг фаолиятини белгилабгина қолмай, балки кишининг қобилиятлари мана шу фаолиятда ўсади ва таркиб топади.

Кишининг ўз фаолиятига қандай муносабатда бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Агар киши ўз ишини севиб, меҳр билан қилса, у вақтда кишининг бу соҳадаги салоҳиятлари кучлироқ юзага чиқа бошлайди, унинг қобилият ва маҳорати тезроқ ўсиб боради. Ишга муҳаббат қўйиш – у ишга қизиқиш, ҳавас қўйиш демакдир. Шу сабабдан кишининг қобилияти унинг қизиқиш-ҳаваслари билан мустаҳкам боғлиқ ва қизиқишнинг ўсиб боришига қараб, киши қобилияти ҳам ўсиб боради. Қизиқишлар эса ҳаммадан кўра кўпроқ, фаолият жараёнида ва ўсиб бораётган қобилиятларга боғлиқ равишда ўсади.

Юксак ва олижаноб мақсадлар кишининг барча руҳий куч ва қобилиятларининг ўсишига катта стимул бўлиб хизмат қилади.

Дуруст, айрим вақтларда кишининг қобилияти билан ҳаваслари бири-бирига мос бўлмаслиги ҳам мумкин, масалан, киши маълум бир соҳада қобилият кўрсатади, айти вақтда бошқа бир соҳага ҳам қизиқади. Бундай ҳодиса кўпроқ кишининг қобилиятлари ҳали тўлиқ таркиб топиб етмаган ва ошкор бўлмаган даврларда учрайди.

Қобилиятнинг ўсишида майян фаолиятга қизиқиш ва муҳаббат қўйиш билан бир қаторда, киши ўз устида ишлаши, унинг меҳнат фаолияти ҳамда билимлари, кўникма ва малакаларини ижодий равишда – қўллана олиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Кишининг қобилият ва истеъдоди меҳнатда намоён бўлади, шу билан бирга киши қобилиятининг ўзи ҳам фақат сабот билан меҳнат қилиш, тиришиб тегишли билим ва малака ҳосил қилиш орқали камол топади.

ЭЪТИБОР.

ЭЪТИБОР ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Тасвир яратиш ижодий жараёнининг ҳар бир дақиқасида рассомнинг онги фақатгина муайян предмет, воқеа-ҳодиса ёки уларнинг хоссаларинигини аниқ қабул қилиб, қолганлари муҳимлик касб этмай, умуман қабул қилмайди ёки юзаки қабул қилади. Бундай жараёнда онг бирор бир аниқ, конкрет нарсага йўналтирилган бўлади. Холст ёки ҳайкал олдида турмай, одатий бирор турмуш шароитида бўлган пайтида ҳам рассомнинг руҳияти ва онги худди шундай ҳолатда бўлиб, у ниманидир ўйлайди, эслайди, тасаввур қилади, яъни, бир сўз билан айтганда, у изланишда бўлади. Айтилган бу фикрлар фақат рассомга эмас, балки бошқа ҳар қандай касб эгаларига ҳам тааллуқлидир.

Инсон онгининг уни ўраб турган ҳамма нарсадан чалғиб, муайян бир предмет ёки воқеа-ҳодисага жамланиб қаратилиши, йўналтирилиши ҳамда бунинг натижасида шу нарсаларнинг онгда аниқ тасаввурланиш ҳолати *эътибор* деб аталади.

Эътибор талабанинг таҳсил жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга, онги ва руҳиятининг аниқ бир предмет ёки воқеа-ҳодисага жамланиши ва йўналтирилиши унинг ўқиш фаолиятининг ҳамма босқичларида, яъни, ўқитувчи бирор бир қондани тушунтираётган, ҳикоя ўқиётган, математикадан бирор бир вазифани бажараётган, диктант ёзаётган, сурат чизаётган, жисмоний тарбия дарсида машғулот бажараётган, ўтилган дарсни қайтараётган пайтларида ҳам керак. Ўқув материалларини тушунмаслик, мустақил равишда берилган топшириқларни бажариш пайтида хатоларга йўл қўйиш, матнларни ёдлай олмаслиқ, тасвирларни чиза олмаслик, техник маҳсулотларини ясай олмаслик ва умуман, бу ишларга кириша олмаслик каби ҳолатлар (кўп ҳолатларда шундай ҳисобланадиган) талабада лаёқатнинг йўқлиги, унинг зеҳни пастлиги, хотирасининг сустлиги каби сабаблар

туфайли эмас, балки талаба томонидан бу нарсаларга эътибор камлигидандир.

Эътибор - рассом томонидан унинг атрофини ўраб олган муайян воқеаликни англаш йўлида эришилган муваффақиятларининг муҳим сабаби бўлиб, айнан у рассом кўзлари воситасида қабул этган воқеа-ҳодисанинг чуқурлиги ва тўлалигини таъминлаб бериб, унга у ёки бу объектни ўрганишда фикрларини фаоллаштиришда, ирода кучини бир нуқтага тўплашга имкон беради. Шундай қилиб, *эътибор бу одам қалбига ташқи дунёдан кирувчи барча нарсаларни ўзи орқали ўтказувчи муайян эшикдир.*

Ҳаяжон оптимал ўчоғининг тинимсиз ҳаракати ҳолати буюк физиолог олим И.П.Павлов бериб ўтган тавсифда жуда ҳам аниқ ифодаланган. У мана бундай деган эди: «Агарда одам мияси катта ярим шарларидаги оптимал уйғониш жойлари ёритилиб, биз буни бош чаноғнинг шаффоф қопқоғи орқали кузатганимизда эди, онгли ва фикрлаб турган одам миясининг очроқ ёки тўқроқ рангда бўлган умумий соясида катта ярим шарлар бўйлаб шакли ва ҳажмини катта тезликда ўзгартириб, ҳаракат қилиб турган ғайритабиий кўринишга эга бўлган оқимтир ёруғ доғни биз кўрган бўлар эдик». Мана шу «оқимтир ёруғ доғ» оптимал уйғониш ўчоғи бўлиб, уни ўраб олган очроқ ёки тўқроқ рангдаги умумий «соя» эса мия пўстлоғи атрофидаги жойларда ҳаракатнинг тўхтаб туриши ҳолатидир.

Одам тетиклик пайтида ҳар доим нимагадир эътибор қилади, яъни, нимагадир қарайди, ниманидир ўйлайди ва ҳоказо. Ҳар бир лаҳза давомида унинг бош мия пўстлоғининг қаеридадир уйғониш ўчоғи вужудга келиб туради. Ўрни келганда эътиборнинг мавжуд эмаслиги ҳақида сўз юритилар экан, бу унинг бирор бир нарсага нисбатан умуман йўқлигини эмас, балки аниқ бир предмет ёки воқеа-ҳодисага нисбатан айна пайтда унинг йўқлиги назарда тутилади.

Бир вақтнинг ўзида иккинчи даражали қўзғатувчи омиллар, масалан, соатнинг чиққиллаши, кутубхона залида китоб варағининг шитирлаши, хона ичида эшитилиб турган шамолнинг товуши ва бошқалар эътиборни

ўрганилаётган асосий объектга қаратиб жамланишига ҳалақит бермасдан, балки эътиборнинг янада марказлашиб йўналишига ёрдам беради. Олим А.А.Ухтомский олдинга сурган доминантлар мезонига кўра, мия пўстлоғида унинг бошқа ҳамма қисмлари устидан ҳокимлик қилиш мақомига эга бўлган оптимал кўзғатувчи ўчоғлар иккинчи даражали кўзғатувчи омилларнинг таъсир фаолиятини тўхтатмасдан, аксинча, ўз фаолиятини янада кучайтиради.

Диққат ва эътиборни жамлашга кучли, бегона ёки янги бўлган кўзғатувчи омиллар, ҳамда кишида қизиқиш уйғотувчи, фикрини тез ишлашга мажбур этувчи кўзғатувчи каби омиллар, масалан, бегона одам, радио, телевизор ва ҳоказолар ҳалақит беради.

Ота-оналар томонидан уларнинг болалари дарс тайёрлаётган пайтда ушбу омиллар албатта эътиборга олиниши керак. Баъзан дарс тайёрлаш жараёнида талабаларнинг радио ёки телевизор уларга умуман таъсир этмаслиги ҳақидаги фикрларини эшитиш ҳам мумкин. Бироқ, синов тадқиқотлари шуни кўрсатдики, бир вақтнинг ўзида ҳам дарс тайёрлаш, ҳам радио эшитиш ёки телевизор кўриш талабаларнинг ўзлаштириш даражасини сезиларли равишда пасайтириб, бир қанча хато, аниқсизлик, тартибсизлик, иш суръатининг сусайиши, материални ёмон ўзлаштириш каби салбий ҳолларга олиб келади. Телевизорнинг энг тартибли, энг масъулиятли талабага ҳам салбий таъсир қилишини у дарс тайёрлаётган пайтда аниқ кузатиш мумкин бўлиб, кўрсатув қанчалик қизиқарли бўлса, дарсни ўзлаштириш суръати шунча пасаяди.

Одатда, эътиборнинг ҳолати кишининг ташқи кўринишида, яъни унинг мимика ва ҳаракатида яққол намоён бўлади. Бундай ташқи аломатларга қараб эътибор йўналтирилган предмет ёки воқеа-ҳодисани аниқлаш мумкин. Айни пайтда, эътибор билан боғлиқ бўлган ва нерв фаолиятининг турли ҳолатини ифодаловчи мимика, қўл ёки тананинг бошқа қисмлари воситасида амалга ошириладиган имо-ишора ва гавда ҳаракатлари одамнинг у ёки бу

фаолиятига қараб ўзига хос ва бундан ташқари, зоҳирида киши мавжуд бўлган шароитга ҳам боғлиқ бўлади.

Эътиборнинг шакллари

Эътибор асоссиз ва асосли шаклларга бўлинади.

Муайян бир таъсир натижасида онгининг бирор бир предмет ёки воқеа-ҳодисага мақсадсиз, одатий равишда йўналтирилиши асоссиз эътибор деб ҳисобланади.

Маълумки, асоссиз эътиборнинг бошланғич ва энг оддий шакли йўналтирувчи рефлекс бўлиб, у ташқи муҳитда юз берган турли ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлади. Ўзгаришлар туфайли эса сезги органлари шундай бир муайян ҳолатга келадики, бу шароитда улар қабул қилувчи органларга таъсир этаётган қўзғатувчи омилларни тўлиқ ва мукамал ифодалаб беради. *«Биз пайдо бўлган образга қараймиз, эшитилиб қолган товушларга қулоқ тутамиз, бурнимиз сезган ҳид билан чуқур нафас оламиз ва шу билан бирга, агарда янги предмет бизнинг яқинимизда бўлса, уни сезишга ҳаракат қиламиз ва, умуман, пайдо бўлган ҳар бир янги объект ёки воқеа-ҳодисани кўриш, сезиш, билиш ва бошқа органларимиз воситасида эгаллаб олишга ҳаракат қиламиз» (цитата).*

Аммо атроф муҳитдаги ҳамма ўзгаришлар ҳам асоссиз эътиборни жалб этмайди. Улардан баъзи бирлари йўналтирувчи рефлексни тўхтатиб қўйиши ҳам мумкин. Янги қўзғатувчи омил агарда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бошқа омиллардан ажралиб турсагина эътибор объектига айланади.

Қўзғатувчи омилларнинг эътиборни жалб этувчи сифатларидан бири бу уларнинг қўзғатувчанлик кучидир.

Қўзғатувчи омил қанчалик кучли бўлса, эътибор унга шунчалик тез қаратилади. Равшан ёруғлик, ёрқин бўёқ, баланд товуш каби омиллар ҳар доим ҳам эътиборни тортади. Бошқача қилиб айтганда, қўзғатувчи омил қанчалик кучли бўлса, унга нисбатан бўладиган жавоб - қўзғалувчанлик, яъни йўналтирувчи рефлекс ҳам шунчалик кучли бўлади. Бунинг натижасида

мияда кўзғатувчи омил таъсирида ҳосил бўлган салбий индукция кучайиб кетади ва мия қобиғининг бошқа жойларидаги фаолият тўхтайди.

Ўзи яратган асар мавзуси таъсирчанлигини кўрсатиш, томошабин эътиборини асосий, бош объектга жалб этиш учун рассом томошабин диққатини йўналтира билиш ва асарда кўзғатувчи омилни қай турда жойлаштириш лозимлигини ҳар доим ёдда тутиши керак. Шунинг учун ҳам рассом ўз асарида бирор бир композиция усули ёки воситасида томошабин нигоҳи тушадиган марказни, яъни ўзининг фикри ва асарнинг бош ғоясини ифодаловчи қисмини алоҳида тасвирлашга ҳаракат қилади. Композиция услублари тушунчасига эса умумий фондан ажралиб турадиган ёрқин бўёқлардан фойдаланиш, нигоҳ марказида ёруғликнинг равшан доғини ёки тусини яратиш, асардаги персонажларнинг умумий ҳаракатсиз вазиятида бош қахрамоннинг бирор бир кескин ҳаракатини ҳосил қилиш ёки бўлмаса унга бошқача ранг бериш каби тушунчалар киради.

Бадий-график асарлар, яъни, панно, стенд, ҳайкал, рамз белгилари ва шунга ўхшаганларни яратишда ҳамда узоқдан қараб қабул қилинадиган шиор ва лавҳалар тайёрлаш каби ишларни амалга ошираётганда ҳам кўзғатувчи омил кучининг таъсирига алоҳида эътибор бериш керак. Шунинг учун ҳам бундай ҳолларда ёрқин бўёқлар, ёниб турадиган фосфорли таркиблар ишлатилиши бежиз эмас. Тасвирланаётган шаклнинг текисликларини аниқ чизилган ва кўп ҳолларда шаклнинг ҳажми тўлиқ берилмасдан, ҳажмли шаклларнинг тусли муносабатлари ёритилмасдан, йўналишларни аниқ белгиламасдан туриб, фақат қора ёки қизил рангли чизиқлар билан ажратиб ишланган. Одатда бундай декоратив-безак йўналишда тайёрланган панно ва стендларнинг ўлчамлари улар осилиб туриши керак бўлган қурилмалар, яъни, уй, колонна, яшил майдон каби элементлар билан ишлаш уларнинг умумий фонида назарга қабул қилинишини ҳисобга олиб, мувофиқлаштирилган. Шу муносабат билан бундай тасвирлар эътиборни ўзига бирдан жалб этиши учун катта шаклда, равшан бўёқларда ва аниқ

қилиб ишланган бўлиши керак. Монументал санъат асарларининг барчаси худди шу асосда яратилгандир.

Катта майдонлар учун мўлжалланган ҳайкаллар одатда умумлаштириб тайёрланади. Бунга мисол қилиб рассом Г.А.Иокубонис фашизм қурбонларига бағишлаб ишлаган асарни ва ҳайкалтарош В.И.Мухинанинг машҳур «Ишчи ва деҳқон аёл» ҳайкалини келтириш мумкин.

Бунда фақат қўзғатувчи омилнинг абсолют кучи эмас, балки нисбий кучи ҳам, яъни қўзғатувчиларнинг кучи бўйича муайян муносабати ҳам муҳимдир. Жуда кучли қўзғатувчи омил агарда кучсиз фонлар билан бирга ишлатилса томошабинга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди. Аксинча, агар асарда бошқа бирор бир қўзғатувчи омил бўлмаса, ундаги энг кучсиз омил ҳам эътиборли объект бўлиб қолади. Қўзғатувчи омиллар ўртасидаги қарама қаршилиқ, яъни, контрастлик ҳам ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бунда у фақат қўзғатувчанлик кучи билан эмас, балки бошқа хусусиятларда, масалан, шаклда, ҳажмда, нурда, ёруғликда ва шунга ўхшаган бошқа омилларда ифодаланиши мумкин. Чунончи, кичкина предмет катта предметлар орасида, қизил квадрат шакл кулраг квадрат шакллар орасида, учбурчак тўртбурчаклар орасида, кулранг доира қора доиралар орасида тезроқ назарга тушади. Ҳаракатдаги объектлар ҳам тезда киши эътиборини тортади.

Тасвирий санъатда аксарият ҳолларда қарама-қаршилиқ, яъни, контрастдан воситаларни ифодаловчи омил ва бу асосда кишилар эътиборини тортувчи восита сифатида ҳам фойдаланилади.

Машҳур рассом Рембранд ёруғлик ва соя контрастларидан фойдаланган улуғ уста-рассом бўлган. Унинг кўпгина асарларида ёруғлик ва соянинг ўйини бадиий образларни очиб берувчи муҳим руҳий восита ҳисобланади.

В.В.Пукиревнинг «Тенг бўлмаган никоҳ» номли машҳур ижодий иши айнан кескин контрастлар асосида яратилган асардир. Бунда контрастлик бош қаҳрамонларнинг ёшида, ташқи кўринишида, кийимида, эр-хотинликка бўлган руҳий туйғуларида ифодаланиб, рассом уларнинг руҳий ҳолатини,

яъни, ёш гўзал аёлнинг ғам остида эгилган бошини ҳам ва хурсандлик нашидасини суриб турган такаббур қари эрнинг йиртқичларча нигоҳини ҳам ёруғликнинг кескин тусли оҳангларида усталик билан тасвирлаган.

Таниқли рассомлар Н.Н.Ге ва С.В.Герасимов, А.А.Иванов ва бошқалар яратган кўпгина тарихий асарларда руҳий контрастлик воситасида моҳирлик билан фойдаланилган бўлиб, бу омил ҳар бир асарнинг ғоя ва мазмунини очишда муҳим аҳамиятга эга.

Предмет ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг янгилиги ҳам асоссиз эътиборни тортишда асосий омил ҳисобланади.

Деворий газетанинг охиригى сони, янги афиша ёки эълоннинг пайдо бўлиши бирданига эътиборга олинади. Эътиборнинг бундай хусусиятини назарда тутиб, тасвирий санъат ўқитувчиси одатда дарс бошлашдан олдин турли хил кўргазмаларни курулларни, масалан, модель, репродукция ва жадвалларни намойиш этиш услубини ҳамда талабалар нусха олишлари керак бўлган асл предметларни намойиш этади. Масалан, агарда ўқитувчи доска ёнида деворга жадвал ёки бирор бир рассом асари асосида бажарилган репродукцияни осиб қўйиб, унинг устини ёпмаса ва дарсни талабалар бажариб келган уй вазифаларини текширишдан ва улар чизиб келган тасвирларни таҳлил қилишдан бошласа, талабаларнинг эътиборлари ғайри ихтиёрий равишда ўқитувчининг тушунтиришлари ва ўртоқлари бажариб келган суратлардан деворда осилган жадвал ёки репродукцияга жалб бўлади. Натижада таҳлил этилаётган материал талабалар томонидан тўлиқ ёки қисман ўзлаштирилмайди ва шунинг билан бирга деворга осилган жадвал ёки репродукция керакли таъсирига эга бўлмай, улар эътиборини қозонмайди. Чунки улар ўзларининг янгилик сифатларини йўқотишди. Айни шу сабабларга кўра, ойлар ва йиллар давомида ҳеч ким эътибор қилмай қўйган суратлар галереяси ўрнига керакли мазмун бўйича репродукциялар ёки талабалар бажарган ишлар намойишини ташкил этиш тўғрисидаги педагогик талабларни ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Асоссиз эътиборни жалб этишда одамларнинг кизиқишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Одатда қабул қилинаётган объектга бўлган кизиқиш муайян эмоционал муносабат уйғотиб, бунинг натижасида унга нисбатан асоссиз ва асосли эътибор вужудга келади.

Ҳар бир аниқ лаҳзада эътиборнинг жамланиши ва йўналишига сабаб бўлувчи одамнинг кайфияти ҳам муайян аҳамиятга эга.

Воқеаликни англаш жараёнида одамнинг жуда таъсирли бўлган ҳиссиётли ҳолатларини, чунончи, интеллектуал, эстетик, ахлоқий ҳиссиётларни вужудга келтирадиган баъзи бир объект ва ҳодисалар ҳам ғайриихтиёрий эътиборга сабаб бўлади. Муайян бир предмет таъсири натижасида вужудга келган ажабланиш, завқланиш, қўрқув ҳиссиётлари одам эътиборини узоқ вақт давомида ўзига жалб этиб қолади.

Мўйқалам усталари йиғилиб турган рассом В.С.Сварогонинг устахонаси ҳақидаги эсдаликларда жумладан қуйидаги сатрлар ёзилган: «Рассомлар эътиборини лол қолдирган бирмунча ишлар, масалан, қуёш нури тушиб турган бир стакан чойми, столнинг ағдарилиши натижасида ҳосил бўлган ғайритабиий соями, стол четида осилиб қолган газета бўлагими, ёки бўлмаса, ўзининг нотабиий жойланиши ва уйғунлашиб кетиши туфайли жуда ҳам қизиқарли бўлган бошқа предметлар тасвирланган эди». (цитата).

Одамнинг жисмоний ҳолати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чарчоқ ҳолатида одамни лоқайд бўлишга олиб келадиган нарсаларни одам тетиклигида тезроқ пайқаб кўради.

Юқорироқ савиядаги эътибор асосли эътибор бўлиб, у онг ва ирода кучларини жамланишини тақозо этади (уларнинг айрим томонлар, сифатлари).

Шундай қилиб, муайян предметга нисбатан асосли эътиборнинг ҳосил бўлишига сабаб аниқ мақсаднинг қўйилиши экан.

Асосли эътиборни барқарор равишда қўллаб турувчи бир қатор шартлар мавжуд. Улардан бири англаш жараёнига амалий ҳаракатни

қўшишдир. Қўлнинг ҳаракати, чизилган ҳар бир янги чизик, ҳар бир янги копланган бўёқ қатлами худдики рассом фикрлари йўналишини назорат қилиб тургандай.

Шу муносабат билан таъкидлаш керакки, айрим рассомлар ижодидаги муваффақиятсизликлар аксарият ҳолларда баъзи бир элементларга бўлган эътиборнинг йўқлигидан, предметларнинг конструктив тузилишлари одатда шунга олиб келадикки, рассом бу лаҳзаларга ўзининг эътиборини жамламайди ва натижада перспективани узатишда, предметларнинг конструкцияларида, тасвири солинаётган предмет яқоллиги сифатининг пасайишига ўхшаган хатоларга йўл қўйилади.

Шунинг учун ҳам рассом ҳар доим натурага, тасвирга, чизилаётган ҳар бир образ ва воқеа-ҳодисага эътибор билан қараши лозимлигини унутмаслиги керак. Баъзи бир рассомлар кўп ҳолларда ўзлари яратган портрет на манзара тасвирларида хатоликларга йўл қўйишаётганликларини таъкидлаб, рассом П.П.Чистяков уларда умумий равишда тасвирий санъат соҳасидаги ҳамма йўналишларда масъулият билан қараш сифатларини тарбиялаш лозимлигини ва шу аснода уларнинг асосли эътиборларини ривожлантириш лозимлигини талаб қилган эди. **«Бўёқларнинг мутаносиблигини (колорит) тушунувчи ҳамма рассомлар доғларнинг ҳаммасига бирдан қарашишади ва шунинг учун ҳам тушъ билан бўйишда сояларнинг ҳаммасини чаплаб ташалашаб, тафсилотларини кўришмайди. Шунинг учун уларни аста-секинлик билан эътиборлироқ бўлиб қарашга ўргата бориш ва мажбур қилиш керак»**, деб айтган эди у (цитата).

Ишга масъулият билан қараш муносабатларини юзага келтириш ва асосли эътиборни ривожлантиришга қаратилган махсус услубларни ҳамда иш усулларини ишлаб чиқиш борасида кўпгина машҳур педагог-рассомлар ғамхўрлик қилишган. И.И.Левитаннинг таълим бериш услубларини эслаб, унинг шогирдларидан бирининг айтишича «улуғ манзарачи-рассом ишни оҳисталик билан яқунлашни ва тасвирнинг бир жойига бир неча бор

кайтмасдан, бир қанча бўлакларни бирданига умумлаштиришни талаб қилганки, бу эътибор ва аниқлик билан ишлашга ва кузатувчанликка олиб келган».

Асосли эътиборни ушлаб туришга *иш жойидаги одатий вазият, иш учун керакли ҳамма асбоб-анжомларнинг тўла мавжудлиги* ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки рассом буларга ўрганиб қолган бўлиб, акс ҳолда ёки янги бир асбобнинг пайдо бўлиб қолиши унинг эътиборини чалғитиб, онгини у ёки бу нарсага қаратишига халақит беради. Чунончи, баъзи бир пайтда ўзгаларнинг палитраси ёки бошқа бир иш қуролидан фойдаланган рассомнинг иши муваффақиятли чиқмайди, чунки палитрадаги ўзгариш ёки мўйқаламларнинг бошқачалиги сабабли энди у кўпроқ вақтини ҳосил бўлган янги вазият ёки янги предметларни фаҳмлаб, англаш учун сарфлашга тўғри келган. Ўзининг ўрганиб қолган иш қуроллари ва жиҳозлари билан ишлаган рассом уларга эътибор қилмай, унинг қўллари янада табиий ҳаракатда бўлади.

Аниқ предмет ҳамда воқеа ва ҳодисаларни фақат эътибор орқали қабул қилиш натижасида эришиладиган жавобларга нисбатан бериладиган *саволларнинг қўйилиши* ҳам асосли эътиборни қўллаб қувватлайди. Масалан, бадий санъат музейлари, кўргазмаларни зиёрат қилишдан олдин албатта саволлар қўйилган бўлиши керак. Бадий асарларни эътибор билан қабул қилиш ва уларни чуқур мулоҳазаси учун томошабин албатта олдиндан ўз олдига уларнинг мазмуни, тасвир воситалари, рассомнинг композицион услублари ва бошқа нарсалар ҳақида саволлар қўйиши керак.

Талабалар тасвирий санъатни ўрганишлари учун эътиборни кучайтирадиган саволларни олдиндан қўйиш айниқса муҳимдир. «Гулдоннинг мана бу қисмида сариқ тилла рангни кўриб турибмиз, унинг соядаги қисми қайси рангда?» ёки «Уйнинг бу суратида унинг ҳажми сезилиб турибди, уйнинг бу сурати нима учун мутлақо ясси?» каби саволларни қўйиш уларга жавоб қидиришни талаб этади ва демак, талабал

сурат ва асл нусхаларга янада эътиборлироқ, янада диққат билан қарай бошлашади.

Эътиборнинг ҳар бир шаклини тавсифлаб туриб, шуни таъкидлаш керакки, кундалик ҳаётда ҳамда иш фаолияти ва ўқиш давомида асоссиз эътибор ва асосли эътибор ўзаро мураккаб муносабатни ташкил этган. Яъни, у ёки бу ҳаракатни амалга ошира туриб, одам ҳар доим ҳам ўз фаолияти билан қизиқмайди ва бу дегани у керакли, ўз-ўзидан бўладиган эътиборини қаратмайди. Бу ҳолатда ҳаракатни муваффақиятли амалга ошириш учун уни қўллаб қувватлайдиган эътибор ва ирода жамланишини ташкил этиш керак. Бироқ, асталик билан, қийинчиликларни енгиш жараёни орқали, фаолиятга чуқур кириб борган сари муайян иш одамни қизиқтиради, унинг фикри ва эътиборини қамраб олади ва натижада шу ишга қизиқиш уйғонади. Бошқача қилиб айтганда, эътибор бир шаклдан бошқа шаклга ўтади. Асоссиз эътибор ва асосли эътиборнинг ўртасидаги эътиборнинг бу шаклини психолог-олим Н.Ф.Добрынин *«ихтиёрдан кейинги эътибор»* деб атаган.

Ихтиёрдан кейинги эътибор онгли равишда қўйилган мақсад ва вазифаларни асослаб бериб, у аниқ мақсад асосида юзага келади ва уни асоссиз эътибор билан тенглаштириб бўлмайди. Шунинг билан бирга, эътиборни ирода асосида қўллаб-қувватлаш талаб этилмаганлиги туфайли уни асосли эътибор деб ҳам бўлмайди. Баъзи бир психологлар эътиборнинг бу шакли одамнинг суръатли ақлий фаолияти ҳамда одам ақлининг сифат ва хусусияларининг энг самарали ривожланиши билан боғланган деб ҳисоблашади.

Таълим фаолиятида асоссиз эътибор ва асосли эътиборни қўшиб, уйғунлаштириб олиб бориш лозим.

Чунончи, асоссиз эътибор фаоллигини асослаб берадиган ҳаддан ортиқча дарслар талабаларнинг мустақил равишда фикрлаш жараёни ривожини тўхтатади, ирода фаолиятини бўғади.

Шу муносабат билан улуғ педагог-психолог К.Д.Ушинский шундай деб ёзган: «Дарсни мароқли қилиб ташкил этар экансиз, болалар зерикади деб

қўрқманг, бироқ шуни эслаб қолингки, ўқитилаётган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам қизиқарли эмас, чунки зерикарли нарсалар мавжуд ва улар бўлиши керак. Болаларни фақатгина уларга ёққан ишни эмас, балки уларга ёқмаган ишни ҳам бажаришга ўргатинг - вазифангиз ижросидан роҳатланиш учун бажаринг» (цитата).

Шу билан бир қаторда, ўқитувчи томонидан талабаларнинг фақат асосли эътиборига йўналтириб олиб борадиган дарслари уларни чарчашига, ўқув машғулотларига бўлган қизиқишларини пасайишига олиб келади. Асоссиз ва асосли эътиборларнинг ижобий томонларини уйғунлаштириб бориш ўқув жараёни муваффақиятининг асосий шарти ва омили.

Шаклнинг намоён бўлишидан келиб чиқиб, эътибор *ички* ва *ташқи* турларга бўлинади. Шунингдек, *жамоа*, *гуруҳ*, *хусусий* эътибор турлари ҳам мавжуд.

Агарда эътибор объекти ташқи дунёда бўлса, унда эътиборни ташқи ёки перцептив деб тушуниш керак. Агарда эътибор объектлари сезги, туйғу, тасаввурдаги образлар, фикрлар, шахсий кечинмалар бўлса унда уни ички эътибор деб тушуниш керак.

Ташқи эътибор одамнинг перцептив фаолиятида фаол иштирок этиб, унинг амалий фаолиятини бошқариб турадиган ҳолатлардан биридир.

Воқеаликни ўрганишни ривожланган перцептив эътиборсиз амалга ошириб бўлмайди.

Одам томонидан ўз фаолиятини, ички дунёсини, истакларини, талабларини, ҳиссиётларини англаш каби сифатлар ички эътибор билан боғлиқ. Худди одам ўзининг фикри ва ўзининг ичига кириб кетгандай. Кўп ҳолларда одам фикрлар экан, у кўзларини юмади ва бу билан гўёки ўзини атрофдагилардан ихоталайди. Бу ҳолда одамнинг муайян бир томонга йўналган назари йўқолади, кўзга кўринувчи образларнинг аниқлиги ғойиб бўлади, уни ўраб турган предметлар туман орқасида бўлиб туюлади, жимирлаб кўринади.

Одатда, ҳар бир одам жамоа ичида ишлайди ва ўқийди. Табиийки унинг эътибори атрофдаги бошқа одамлар муносабати билан боғлиқ. Ўқишнинг муайян шакли муайян эътибор шаклини ҳам шакллантиради. Шунга асосан жамоа, гуруҳ ва хусусий эътиборлар юзага келади. Жамоа эътибор турида барча талабаларнинг эътиборлари бир предметга қаратилган бўлади. Бундай предмет жумласига ўқитувчининг ҳикоясини ҳам, диафильмнинг экрандаги бирор кадрилини ҳам, талабанинг жавобини ҳам киритиш мумкин. Эътиборнинг гуруҳ тури деганда, масалан, жамоа таркиби шароитида ишлаганда гуруҳ эътиборининг тўпланиши назарда тутилади. Хусусий эътибор эса киши эътиборининг ўзига қаратилиши, бажараётган аниқ бир ишига жамланиши тушунилади.

Эътиборнинг хусусиятлари

Эътиборни ривожлантириш, тарбиялаш деганда эътибор хоссаларининг такомиллаштиришни тушуниш керак. Эътибор *ҳажм, жамланиб йўналтирилиши (концентрация), бўлиниши (тақсимланиши), барқарорлик, иккиланиши, кўчиши* каби хоссаларга эга.

Эътиборнинг ҳажми бир вақтнинг ўзида бирданига қабул қилинадиган объектлар сони билан ўлчанади.

Одатда бу кўрсаткич одам амалий фаолиятининг хусусиятларига, яъни ҳаётий тажрибаси, олдида қўйган мақсади, тасаввурига қабул қилаётган предметларнинг хоссаларига боғлиқ. Одам онги мазмуни бўйича бирлаштирилган объектларни бирлаштирилмаганларига қараганда кўпроқ миқдорда қабул қилади. Катта кишилар эътиборининг объектлар сони 4-5 та бўлиши мумкин.

Эътиборнинг жамланиб йўналиши - онгнинг объект ёки объектларга қаратилган даражаси. Эътибор объектларининг сони қанча кам бўлиб, қабул қилинаётган шакллар майдони ҳам кам бўлса, эътибор шунчалик яхши жамланган бўлади.

Эътиборнинг жамланиб йўналтирилиши ўрганилаётган объект ҳамда воқеа ва ҳодисаларни чуқур ўрганишга имкон бериб, одам тасаввурида у ёки бу предмет ҳақида, унинг вазифалари, тузилиши, шакли ҳақида аниқлик киритади. Тасвирий санъат фаолиятида чизмакаш эътиборининг жамланиб йўналтирилиши унга тасвирланаётган объектнинг хоссаларини батафсил ўрганишга имкон беради. Эътиборнинг барқарор ва чуқур жамланиб йўналтирилиши тасвир жараёни муваффақиятининг муҳим ва бажарилиш керак бўлган шартидир.

Рассом эътибори жамланишининг барқарорлиги унинг ўз ишига, тасвирланаётган объектга, бажараётган иши муҳимлигини ҳис этишга, фаол ишлашига бўлган қизиқиш ва интилишлари билан мустаҳкамланади.

Эътиборни жамлаш ва уни мақсадли йўналтиришни бундай хусусиятларни ривожлантиришга мўлжалланган махсус ишлар воситасида амалга оширса бўлади. Чунончи, талабаларга тасвирий санъатнинг бошланғич асосларини ўргата туриб, ўқитувчи ҳар доим улар эътиборини тасвирланаётган объект ва ўзи чизган тасвирнинг у ёки бу томонларига қаратади, уларни таҳлил қилишга, солиштиришга ундайди, улар олдида уларнинг эътиборини кучайтирадиган, улар онгини муайян ва аниқ бир предметга жамлаб қаратадиган бир қатор саволлар қўяди.

Эътиборнинг тақсимланиши деганда бир пайтнинг ўзида бир неча ишни бирданига бажариш ёки бир неча жараён ва объектларни бир вақтнинг ўзида кузата билиш имконияти тушунилади.

Рассом бирор бир манзарани чизиб туриши жараёнида ўз нигоҳида тасвирланаётган объектни таҳлил этади ва шу билан бирга палитрада бўёқларни аралаштира туриб, асл рангларни холстга тўғри ўтказиш даражасини аниқлайди ва шу билан бирга полотнони бўёқлар билан бўя бошлайди. Ҳайкалтарош, қўл бармоқлари билан ишлар экан, бир вақтнинг ўзида асл нусхага ҳам қараб туриб, унинг хусусиятларини ўрганади ва ўз тасвири билан ҳаёлан солиштиради. Бундан ташқари, кўпгина рассомлар аслга қараб туриб сурат чизиш жараёнида бирор бир вазиятда турган

кишилар кўп соатлар давомида чарчаб қолмасликлари ва ўзларини эркин сезишлари учун ҳар хил гаплар билан уларнинг «кўнглини олиб туришлари» ҳам даркор. Бироқ турли мавзудаги бу суҳбатлар рассом фикрини у бажараётган асосий ишдан чалғитмаслиги керак. Айни фурсатда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ижод жараёни давомида рассом эътиборининг ушбу тарзда тақсимланиши ундан фикрини жамлаб олиш учун улкан куч ҳамда жисмоний ва руҳий ҳолати таранглашиб кетишини тақозо этади. Баъзи бир рассомларнинг тан олишича, бундай тарздаги ишлар «уларнинг бутун кучини суғуриб олиб», «тинкасини охиригача қуритади».

Бу ҳол содир бўлмаслиги учун рассом ўз эътиборини тақсимлай олиши учун ўзини тарбиялаб бориши керак. Бунда ижодий жараён давомида баъзи бир ҳаракатларнинг автоматик даражасига етиши катта аҳамиятга эгадир. Чунончи, тасвирий санъатга ўргатишнинг энг бошланғич давридан бошлаб палитрада муайян тартибда турган бўёқларни сиқиб чиқариш, уларни қориштириш ва шунингдек тасвирга ранг ва штрихлар бериш кўникмалари автоматизмга айланиб боради. Буларнинг ҳаммаси рассомга бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажара туриб, ўз эътиборини муҳим нарсага йўналтиришга - асл нусхани таҳлил қилиш ва холстдаги суратга унинг асл сифатларини кўчиришга имкон беради.

Баъзи бир касб эгалари эътиборининг тақсимланиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Улар қаторига автомобиль ҳайдовчиларини, учувчиларни, ўқитувчиларни киритиш мумкин. Масалан, ўқитувчи дарс пайтида мавзунини тушунтирар экан, у синфдаги вазиятни кузатиб туриши ва баъзан доскага ниманидир ёзиб ҳам туриши керак.

Ўз эътиборини тақсимлаб боришга ўқувчи ҳам ўрганиб бориши керак. Одатда, у бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчининг гапларига қулоқ солиши, ҳам у намоиш қилаётган предметларни, масалан, бирор бир репродукцияни, география харитасини ёки услубий қўлланмани кўриши ва айни пайтда дафтарига ҳам бир нарсаларни ёзиб бориши керак.

Физиология нуқтаи назаридан эътиборнинг тақсимланиши куйидагича таърифланади: бош мия пўстлоғида оптимал кўзғатувчи ўчоғларнинг мавжудлиги билан бир қаторда унинг баъзи бир қисмларида фақатгина қисман тўхтатишлар кузатилади ва натижада бу қисмлар одам бир пайтнинг ўзида амалга ошираётган бир нечта фаолиятни бошқариб туришга кодир. *«Муайян бир иш билан машғул бўлиб, шу ишни ўйлаб турган пайтимизнинг ўзида биз учун одатий ҳол бўлиб қолган бошқа бир ишни ҳам бажаришимиз мумкин. Яъни, биз бу ишни бош миянинг ташқи тўхтатиш механизми бўйича маълум даражада тўхтаб турган ярим шарлари воситасида бажарамиз. Чунки бу ҳол бизнинг асосий фаолиятимиз билан боғлиқ бўлган ярим шарнинг нуқтаси қаттиқ қўзғалган бир пайтда содир бўлади. Ахир бу одатий ҳол эмасми?»* – деб ёзган эди академик И.П.Павлов (қитата).

Шундай қилиб, одам қанчалик ҳаракатларини яхши бошқарса, унга бир неча ҳаракатни бажариш шунчалик осон бўлади.

Самарали тасвирий ижод жараёнида бирор бир нарсага нисбатан узоқ муддат давомида тутиб туриладиган эътиборнинг барқарорлиги муҳим омил ҳисобланади.

Эътиборнинг барқарорлиги бутун вақт давомида унинг фақат муайян бир предметга, унинг баъзи бир қисмига ёки атрофга қаратиб жамланишига эканлигини билдирмайди. Барқарорлик деганда фаолият жараёнида кечадиган эътиборнинг умумий йўналиши назарда тутилади.

Эътибор учун муайян таъсирни қизиқиш ҳосил қилади. Агарда тасвир ижоди жараёни талабани яна кўпроқ қизиқтирса ва уни бутунлай қамраб олса, унинг эътибори узоқ муддат давомида барқарор бўлади деб ишониш мумкин. Объектнинг ҳаракатда эмаслиги, ташқи кўринишининг жозибали эмаслиги, кўримсизлиги қизиқиш уйғотмайди ва эътиборни жамлаб, узоқ вақт унга қаратишга имкон бермайди. Аксинча, агарда тасвирланаётган предмет ўзининг ранглар таркиби, шакли, ташқи таъсирчанлиги билан бой бўлса, у тасаввур, кузатувчанлик, фикрнинг фаол ишлаши ва фараз учун

озуқа беради ва бунинг натижасида объектга нисбатан барқарор бўлган эътиборнинг сақланишига олиб келади.

Барқарор эътиборнинг керакли шартларидан бири таасуротнинг ёки бажарилиши керак бўлган ҳаракатнинг хилма-хиллигидир. Шакли, ранги, ўлчамлари бир хил бўлган предметларни қабул қилиш, бир хил усулда бажариладиган ҳаракатлар эътибор барқарорлигини пасайтиради. Физиология нуқтаи назаридан бу ҳолат қуйидагича тушунтирилади: қўзғатувчи омилнинг сурункали давом этадиган бир хил ҳаракат сабабли салбий индукция қонуни асосида қўзғалувчанлик мия қатламининг ўша қисмида тўхташни юзага келтиради ва натижада эътиборнинг барқарорлиги сусаяди. Тасвирланаётган объектнинг хусусиятларини чизилаётган сурат ёки асарда иложи борица аниқроқ намоён қилишдек ягона умумий мақсад билан бирлаштирилган асл нусхадан қабул қилишнинг турли хил вазифалари, масалан, тасвирланаётган предметни унинг ранги, шакли, ҳажми ҳамда текислик ва бўшлиқдаги ҳолатларидан келиб чиқиб, онгли қабул қилиш мезон бўлиб қолган тасвирий ижод жараёни ва шунинг билан бирга рассом амалий ҳаракатининг хилма-хиллиги, чунончи, палитрада бўёқларни тубиқлардан сиқиб чиқариш, уларни аралаштириш, кўмир билан чизиклар чизиш, холст ёки қоғозга бўёқларни суртиш ва ҳоказолар, одатда, рассом эътиборининг барқарорлиги билан ифодаланади.

Бу ўринда тасвирланаётган объектда воқеаликнинг янгидан янги қирра ва сифатларини топиш ва уларга нисбатан турли саволлар қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Одамда мавжуд бўлган кузатувчанликни ривожлантириш учун предметга диққат билан қарашдан ташқари унга турли хил нуқтаи назар орқали ва турли хил бурчаклар остида боқиш, яъни уни онгда қабул қилишни хилма-хиллаштириш керак деган эди К.С.Станиславский.

Эътибор объекти билан фаол равишда нимадир қилиш ҳам эътиборнинг барқарорлигига таъсир қилади. *«Объектга нисбатан бўлган эътибор, - деб ёзади К.С.Станиславский, - у билан нимадир қилиш керак деган табиий эҳтиёжни тугдиради. Ҳаракат эса объектга бўлган*

эътиборни янада жамлаб, йўналтиради. Шундай қилиб, эътибор ва ҳаракат бирга қўшилиб ва ўзаро бирлашиб, объект билан мустаҳкам алоқани яратади» (цитата).

Барқарорлик хусусиятининг акси чалғишдир. Физиологияда унинг тушунчаси куйидагича ифодаланади: чалғиш - ёки бегона кўзғатувчи омиллар вужудга келтирган ташқи тўхтатиш, ёки бўлмаса, айтини бир кўзғатувчи омилнинг давомли ҳаракати.

Эътиборнинг чалғиши эътиборнинг иккиланиши натижасида юзага келиб, у, ўз навбатида, эътиборнинг муайян бир объект ёки фаолиятга вақти-вақти билан сусайиши натижасида пайдо бўлади.

Эътиборнинг иккиланиши ҳаттоки жуда ҳам берилиб ва иштиёқ билан ишлаётган пайтда ҳам кузатилади ва бу ҳол уйғонишнинг доимий алмашиб туриши ва бош мия пўстлоғида юз берадиган тўхталиш омили билан тушунтирилади. Бу ҳол «иккиланиб кўринадиган» тасвирларни онг орқали қабул қилиш пайтида енгил кузатилади. Масалан, бир неча дақиқа давомида суратга фақат чап томондан туриб қаралса, қисқартирилган пирамиданинг асосларидан бири бўлган кичикроқ квадрат катта квадратдан яқинроқ ёки бўлмаса узокроқда тургандай туюлади. Мос равишда, биринчи ҳолда пирамида қисқартирилган баландлиги билан томошабинга қаратилгандай қабул қилинса, иккинчи ҳолда қисқартирилган баландлиги томошабинга қарши тургандай қабул қилинади.

Психолог олимлар ўтказган тажрибаларнинг кўрсатишича, агарда одам ўзи учун қизиқарли ва диққат талаб этадиган иш билан машғул бўлиб, унинг эътиборининг иккиланиши қисқа 1-5 лаҳзалик фурсат ичида давом этганда ҳам унинг деярли таъсирли бўлмас экан. Бироқ 15-20 дақиқадан кейин эътиборнинг иккиланиши асоссиз равишда объектдан чалғишга олиб келиши мумкин бўлиб, бу ҳол одам фаолиятини у ёки бу шаклда ранг-баранг қилиш лозимлигини яна бир бор исботлаб беради.

Эътиборнинг яна бир хусусиятларидан бири унинг кўчиб туришидир.

Эътиборнинг кўчиши эътиборнинг қайта қурилишидан, яъни бир объектдан иккинчи объектга кўчишидан иборат.

Унинг шакли - асосли ва асоссизли кўчиш шакллари мавжуд. Эътиборнинг асосли кўчиши фаолият тавсифи ўзгарганда, янги вазифалар кўйилганда, ҳаракатнинг янги усуллари кўллаш шароитларида юз беради. Бу шаклдаги кўчиш одам иродаси кучи иштирокида амалга ошади.

Эътиборнинг асоссиз кўчиши одатда асонлик билан, зўриқишсиз ва ирода кучисиз амалга ошади.

Ўқитувчининг педагогик фаолиятида *талабалар эътиборининг хусусий хоссалари* муҳим аҳамиятга эга. Баъзи талабалар томонидан ўз эътиборларини жамлаб олиш, керак бўлганда эътиборларини кўчириш ва уларни тақсимлаш кўникмаси йўқлиги ва, аксинча, баъзиларида эътиборларини кўчириш сифатлари мавжуд бўлсада, бироқ эътиборни жамлаш кўникмалари йўқлигини ҳисобга олиб туриб, ўқитувчи ўқиш жараёнини керакли шаклда ташкил этади ва талабалар эътиборида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилади.

Эътиборнинг тасвирий фаолиятдаги ўрни

Эътиборнинг тасвирий санъат фаолиятидаги ўрнини рассом ижодий фаолиятидаги муайян хусусиятлар билан тушунтириш мумкин.

Тасвирий фаолият жараёнида эътиборнинг *ташқаридан намоён бўлиши* муҳим ўрин тутди ва бу ҳол қуйидаги омиллар билан тушунтирилади: биринчидан, рассом қалам, мўйқалам, скампель билан фаол ишлаб турган ҳар бир лаҳзада унинг гавда вазияти, мимикаси, эътиборида намоён бўладиган муайян бир ҳолатларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Шунинг учун ҳам рассом эътиборининг ташқаридан намоён бўладиган аломатлари орқали унинг асл нусха ва ўз ишини таҳлил қилаётгани даражасини, фаолият давомида ўзининг диққат-эътиборини қанчалик жамлаганини ва шу асосда ўзининг тасвирий фаолиятини қайси томонга йўналтираётганини аниқлаш мумкин. Шу билан бирга, ўз-ўзини назорат қилиш; ўртоқлар, ўқитувчилар ва

усталар томонидан берилаётган маслаҳат ва эътирозлар ҳам мавжуд. Махсус бадиий ўқув юртининг ўқитувчиси дарс пайтида ҳар доим талабалар эътиборсизлиги билан уларнинг бажараётган ишларида йўл қўйиладиган сусткашлик ва хатоларнинг кўплигини одилана боғлаб туриб, талабалар эътибори йўналишини назорат этиши бежиз эмас.

Иккинчидан, эътиборнинг ташқаридан намоён бўлиши тасвирий ижодда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири одамдаги мана шу хусусиятларни кўрсата билишдир. Одамдаги ушбу ҳолат қанчалик аниқ ва тўғри тасвирланган бўлса, тасвирланган одамнинг руҳий ҳолати бадиий асарда шунчалик чуқур кўрсатилган бўлади ва образ шунчалик маънодар ифодаланган бўлади. Дарҳақиқат, рассом В.Г.Перовнинг машҳур «Овчилар дам олишда» асарига бир боқишдаёқ тасвирланган қаҳрамон ички кечинмалардан тўлиб тошганини ва ўртоғининг ҳикояси уни тўлиқ қамраб олганини англаш мумкин. Унинг юзидаги ифодаси ва ҳикоячи томонга эгилган гавдасига қараб туриб, унинг фикри ўртоғи айтиб турган воқеалар содир бўлган жойда деб ишонч билан айтиш мумкин. Шундай қилиб, бадиий образнинг руҳий жиҳатдан чуқур ифодаланиши одамнинг ҳаяжонли ҳолатини унинг ташқи кўриниши ва, энг аввало, ҳар қандай ҳолатда ҳам унга мансуб бўлган эътибор ҳолати орқали ишонарли сифатда кўрсатиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Эътиборнинг ташқаридан намоён бўлишига боғлиқлиги ҳақидаги бир қатор асарларни ўрганиб турганимизда физиолог олим И.П.Павловнинг: *«Фикримизни жамлаб олиб ўйлаб турганимизда, бирор бир иш билан қаттиқ қизиқиб турганимизда атрофимизда нима рўй бераётганини кўрмаймиз ва эшитмаймиз»*, - деб айтган фикрини эслаймиз.

Ўзининг йўналиши, ташкил топиши билан ажралиб турадиган тасвир фаолияти баланд суръатлар билан рассомда мавжуд бўлган асосли эътиборни ривожлантиради.

Рассом эътиборининг аста секинлик билан ривожланиши, ўз назари воситасида мақсадга қаратилган ҳолда қабул қилиш борасидаги доимий

машқлари унда мавжуд бўлган эътиборни унинг шахсий хислати даражасида ривожланишига олиб келади.

Ўткирлашган сезги, аниқ фикр, умумҳаяжонли кўтаринкилик, рухий таъсирланишнинг кучайиши каби хусусиятлар билан тавсифланадиган эътиборлилик рассомнинг ижодий жараёни муваффақиятли бўлиши учун керакли бўлган омиллардир.

Воқеаликни, предметларнинг шаклини, рангини, бўшлиқдаги ҳолатларини чарчамай ўрганиб бориш ва шунингдек, деталлар, майда-чуйдалар орқасидаги асосий ва муҳим нарсаларни кўришга бўлган интилиш – буларнинг ҳаммаси рассом эътибори ривожланишини белгилайди.

Тасвирий фаолиятнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тасвирий санъат дарслари давомида талабалар эътиборини тарбиялаш усулларини ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Эътиборни тарбиялашнинг асосини ташкил этувчи энг самарали усуллар қуйида белгиланган:

1. Ёш рассомларда (ижодкорлар) кўриш ва эшитиш, турли хил воқеа ва фактларни кўра билиш, воқеалик объектлари аломатларини, уларнинг кам эътиборли, бироқ керакли томонларини илғаш кўникмаларини шакллантириш.

2. Талабаларида ҳар доим тасвир объектини унинг расмдаги тасвири билан солиштириш кўникмасини риожлантириш.

3. Тасвирий санъатга ўқитиш жараёнида кўрғазмаликдан иложи борича кенг фойдаланиш. Бу қоида ўқитувчи томонидан қалам ва мўйқалам билан ишлашнинг турли хил услуб ва усулларини кўрсатиш билан бир қаторда композиция, ёруғлик сояси, ранг бериш истиқболи каби тушунчаларнинг қонун ва қоидаларини аниқ мисол, қўлланма, жадвал ва ҳоказоларда кўрсатишда ифодаланади.

4. Ўқитувчи томонидан ўқув материалларини юқори сифатда тушунтириш. «Юқори сифатда тушунтириш» тушунчаси деганда ўқитувчининг ёрқин шаклли ва бой мазмунли ҳиссиётли ҳикояси назарда

тутилади. Бунда янги материал талабаларга таниш бўлган материал билан узвий боғланган бўлиши керак.

5. Талабаларнинг тасвирий фаолиятга бўлган қизиқишларини ривожлантириш керак.

6. Ёш рассомнинг ишини, яъни унинг иш жойи, берилган топшириқлар устида ишлаш тартибини режалаштириш, топшириқ устида фаол ишлаши ва шунга ўхшаш бир қатор амалларни ташкил этиш керак.

7. Талаба шахсиятининг хусусий хоссаларини, биринчи навбатда ҳар бир ёш рассомнинг бадиий қобилиятни албатта инобатга олиш керак.

Чизматасвир жараёнида талабалар эътиборини ривожлантиришга қаратилган ушбу усуллар бўлажак рассомлар эътиборини уларга расм, манзара, композиция чизишни ўргатиш ва шунингдек мактабдан ташқарида бўлган тўғарак, студия, махсус ўқув юртларида ўқитиш жараёнида асосий тарбия услублари бўлиб хизмат қилади.

Педагогика амалиётида ўқувчилар эътиборини тарбиялашнинг куйидаги баъзи бир йўллари мавжуд:

а) берилган вазифаларни бажариш давомида талабаларнинг фаоллиги ва мустақиллигини таъминлаш;

б) талабаларда (бошлаган ишини охиригача етказиш, тушунмаган нарсаларини албатта англаб олиш каби) масъулият ҳисларини тарбиялаш;

в) тиришқоқ ва қатъий бўлиш, қийинчиликларни енга билиш кўникмаларини шакллантириш;

г) жамоа, катта кишилар, ота-оналар, ўқитувчилар олдида масъулиятни сезиш ҳисларини тарбиялаш;

д) уларда мавжуд бўлган кузатувчанликни ва кузатувчанлик орқали улардаги эътиборни тарбиялаш;

е) ўқув ишларига ва турли хилдаги машғулотларга бўлган қизиқишларини ривожлантириш.

Замонавий санъатнинг турлари

Перфóрманс бу замонавий санъатнинг бир шакли булиб, унда ижод махсули уз ичига ижодкор (рассом) ёки гурухнинг маълум жойдаги ва маълум вақтдаги хатти ҳаракатларини уз ичига олади. Перформансга куйидаги тўртта асосий элементни уз ичига олувчи ҳар қандай шарт шароитни мисол келтириш мумкин, буларга, вақт, жой, ижодкорнинг қадди қомати, ҳамда ижодкор ва томошабиннинг муносабати қиради. Шу нуқтаи назардан перформанс бадиий санъатнинг рассомчилик, ҳайкалтарошлик турларидан фарқ қилади, яъни бу санъатларда ижод махсули объект қурилишида намоиш қилинади. Баъзида перформансга куйидаги анъанавий санъат турларини қирғизишади: булар театр, ракс, масҳарабозлик) ва ҳоказо.



Инсталляция (ўрнатиш, жойлаштириш, монтаж) замонавий санъатнинг шакли бўлиб турли элементлардан ташкил топган яхлит фазовий композициядир.

Инсталляция маълум номли ва маълум вақтдаги мустақил символик декорацияси деб тасвирлаш мумкин. Мухими, томошабин инсталляцияни четдан кузатмайди, балки уни ичида бўлиб қолади.



Флешмоб - бу олдиндан тайёрланган кўрилган кенг қўлламдаги акция бўлиб, бунда интернет тизими орқали олдиндан келишиб олган режалаштирилган сахна кўринишларини намоиш этишади ва тарқалишади. Флешмоб бу смартмобнинг бир кўриниши (тури) ҳисобланади. Флешмобнинг асосий тамойинлари:

1. Тўсатдан содир булиш
2. Марказлашган бошқарувнинг йўқлиги
3. Реклама еки ҳар қандай молиявий мақсаднинг йўқлиги
4. Акция давомида катнашчилар бир-бирлари билан ҳеч қандай алоқада эмасликлари
5. Флешмобнинг СМИда намоиш этилишини рад қилиниши








Видеоарт (музикий клиплар, Тв рекламалардан фарқли уларок) фақатгина тижорат маҳсулоти бўлибгина қолмасдан, аксинча у асосан санъат муҳитида намоиш этиш учун мўлжалланган (яъни музей, галерея, фестиваль ва ҳоказо) ва маълум даражадаги тайёргарликка эга томошабинлар гуруҳига мўлжалланган. Видео-маданиятнинг ўзига ҳос хусусияти бўлган экстримал монтаж, ғоявий сюжет, махсус эффектлар, ҳамда видео кетма-кетликлар видеоарт учун муҳим аҳамиятга эгалламайди, яъни бу хусусиятлар фақатгина бадиий мақсадга эришишнинг бир воситасигина бўлиб қолади.





Савол ва топшириқлар:

1. Идрок этиш, ҳис қилишдан нимаси билан фарқланади?
2. Идрок этиш санъатнинг қайси типига тегишли?
3. “Абстракция” нима?
4. Тасвирий санъатда маълумот қандай етказилади?
5. Декоратив орнамент элементи қандай номланади?
6. Санъатдаги синтез (таҳлил) нима?
7. Инсонинг интелектида шаклланадиган ҳиссиёт соҳаси нима?
8. Уйғунлик – идрок этиш элементнинг қайси тенглидир?
9. Идрок этишсиз ва ҳис қилишсиз тушунча бўлиши мумкинки?
10. Санъат – меҳнат маҳсулими ёки интелектиними?
11. Идрок этиш- физиологик жараён бадиий жараёндан нимаси билан фарқланади?
12. Бадиий ижоднинг замонавий технологиялари нимани ўргатади?
13. Ижодий маҳсул тасаввури қандай номланади?
14. Абстракт тасвир билан реал объект нимаси билан фарқланади?
15. Ҳиссий идрок этиш билан аниқликдан фарқи?
16. Ўйибора ни руҳий жараён сифатида аниқлаб беринг. Ўйиборнинг физиологик асослари ҳақида гапириб беринг.
17. Нима учун тажрибали рассомлар ўзларининг тасвирий фаолиятларида ўйиборага катта аҳамият беришади?
18. Ўйибора шакллари қай тарзда ажратилади? Уларнинг ҳар бирини тавсифлаб беринг.
19. Ўйиборнинг сифатларини санаб ўтинг. Рассом ва мактаб ўқувчисининг тасвирий фаолияти мисолида уларнинг мазмунини очиб беринг.
20. Ёш рассом ўйибора шаклланишининг асосий йўллари тасвирлаб беринг.
21. «Иккиланган» тасвирларга мисоллар келтиринг.




Тасвирий санъатда контур тушунчаси чизик деб бир шаклдан бошқага перспектив қисақартиш шакли деб тушунилади, яъни конструктив қонуниятига таяниб, ҳар бир шаклни қуриш ва соя ва ёруғлик чегараларига қараб тақсимлаш.

Бундай контур чизикларини тақдим этишда, контур чизик ҳисобланади, предметнинг фазовий ҳажми сифатида, чизикларнинг, шаклларнинг эстетик хусусияти намоён бўлади- эгилувчанлик, тенглик, майинлик, ва хоҳозо.


Яна чизиклар ҳайкалторошликда ва уларни турли хил объектларда ҳаракатланиши тушунилади, масалан инсонинг қийин ҳаракатини театр сахнасида ёки спорт снарядини идрок этиш.




а)




б)




в)



д)




е)




ж)


“Бутунликка” ва “Қисм”га нисбатан




з)



и)



к)



л)


- а) Ўнг томондаги қора фонли оқ квадрат чап томондаги оқ фонли қора квадратга нисбатан каттароқ кўринмоқда.
- б) Қора фондаги оқ шаклларга нисбатан оқ фонли қора шакллардан кўпроққа ўхшайди.
- в) Оқ фондаги (ўнг томонда) қора йўллар, қора фонли оқ йўлларга ўхшайди.
- д) Қора йўнналрнинг тўсилиши, қора кўринмай, кулранг кўринмоқда.

- е) Концентрик, бир-бирига яқин айланалар ажартилгандек, бир хилмас, бир –биридан узоклашгандек кўринмоқда.
- ж) Айлананинг бир хил (бир тусдаги) кдрантлар штриховкаси, ёруғ турлича кўринмоқда.
- з) .Бу ерда қирқимлар шундай танланганки, улар бир хилда кўринмоқда, лекин уларнинг узунлиги турлича.
- к) Чизиғичнинг ўзгариши: унинг узунлигига шакл таъсир кўрсатмоқда. Ўлчаш мумкин, агар чизиғични шаклга қаттиқ жойлаштирилса.
- л) В.Вазарелли расми. Ажойиб, ғалати кўринишдаги ўзгараувчан, ёритувчи нақшлар, ўйламай, турли усуллардаги, ҳеч бирида тўхтамай, таниш предметларни топиб ва уларни топмай нақшларни “ташқил этиш”.


Вертикал чизиклар




а)




б)




с)




д)



е)



ж)



к)

а) Учбурчак, айлана, А ва О ҳарфлари юкори қатори ўз ўлчовларига нисбатан кичикроқ кўринади. Барча геометрик шакллар ва ҳарфлар бир хил баландликда, тенгликда кўриниши учун, учбурчак ва айлана каттароқ тасвирланади.

б) СД шаклнинг баландлиги АВ га нисбатан баландроқ кўринмоқда. $AB = CD$

с) Қора тароқ кўриниши баландилиги унинг энига нисбатан, улар тенг бўлсалар ҳам кенгрок кўринмоқда.

д-е) Елпиғичнинг иллюзияси – чизиклар таркалаши кўринишида бўлса ҳам, тўғри қўйилишдан қочмоқда.

ж) Квадратнинг тўғри чизикли томонларига қаралганда қийишрок, бутун квадратнинг г- шакли ўзгарган бўлиб кўринмоқда.


к) Марказдан ташқарида жойлашган айлана овал шаклда кўринмоқда.

л) Кубикларнинг фазовий жойлаштириш йўналишидана қатъий назар, турлчиа идрок этилади, уларнинг сони ҳар хил.


м) Тасвирнинг кўринишидан қатъий назар, ёки нарвон, ёки қоғоз, ғармошканинг йиғилиши кўринишида.

н) Тасвирда учта бочонка, ҳажмлари турлича. Уларни идрок этишдан қатъий назар, перспектива қонуниятига ва фазовий муҳитга мослашади, бундай ўзаро боғлиқлик бочонкалар ҳажмини ўзгартириб юборади.


Ўзгарувчи рельеф ва перспектива




л)



м)




б)




в)

н)




а)




б)



с)



д)





е)

- а) Қадимги грекларнинг мутаносиблик канони.
- б) Леонарда до Винчи. Инсон гавдасининг мутаносиблик схемаси.
- с) Микеланджело. Инсон фигураси мутаносиблиги.
- д) Леонарда до Винчи. Юзни мутаносиб ўрганиш.
- е) Рембрандт. Флора.




**В.И. Суриков “Боярыня
морозова” картинасига
эскизлар, лавхалар**



Талабалар ижодий
ишлари.

Бадий геометрик
ассоциациялар
“Қоронғи хона”



Талабаларнинг ижодий
ишлари.
Бадий ассоциациялар
“Қоронғи хона”

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алексеев С. С. «О колорите». - М., 1974 г
2. Волков Н. Н. «Цвет в живописи». - М, 1985 г.
3. Анохин П.К. Биология и физиология условного рефлекса М., 1990.
4. Андреева Е.А., Вергилес Н.Ю., Ломов Б.Ф. Механизм элементарных движений глаз как следящая система. М., 1995.
5. И.А.Азизян И.А.Добрицина, Г.С.Лебедева. «Теория композиции как поэма архитектуры» 1998
6. А.В.Ефимов. «Колористика города» М,1998
7. В.С. Кузин “Психология живописи”. Москва. “ОНИКС”, 2005.
8. Общая психология / Под.ред. А.В.Петровского. М., 2006.

М У Н Д А Р И Ж А:

	Бет:
Сўз боши.....	3
Психология нимадан баҳс этади.....	7
Психик ҳодисаларнинг классификацияси.....	9
Психология методлари.....	14
Идрок. Идрок ҳақида умумий тушунча.....	22
Ҳиссиёт. Ҳиссиёт ҳақида умумий тушунча.....	52
Ҳаёл (фантазия). Ҳаёл тўғрисида умумий тушунча.....	66
Тушунча.....	83
Тафаккур турлари.....	87
Интеллектуал ҳислар.....	94
Қобилият. Қобилият ва унинг турлари тўғрисида умумий тушунча.....	98
Эътибор. Эътибор ҳақида умумий тушунча.....	105
Савол ва топшириқлар.....	132
Кўргазмали материаллар, талабалар ижодий иши намуналари.....	138
Фойдаланилган адабиётлар.....	140

Оглавление:

	Стр:
Предисловие.....	3
Спорные вопросы психологии.....	7
Классификация психических случаев.....	9
Методы психологии.....	14
Осознание. Общие понятия о осознаний.....	22
Чувство. Общие понятия о чувстве.....	52
Фантазия. Общие понятия о фантазии.....	66
Понятия.....	83
Виды мышления	87
Интеллектуальные чувства.....	94
Способности. Общие понятия о видах способностей.....	98
Внимание. Общие понятие о внимании.....	105
Вопросы и задания.....	132
Иллюстративные материалы, примеры творческих работ студентов.....	138
Использованная литература.....	140

Contents**Page**

Preface.....	3
Controversial questions of psychology.....	7
Classification mental sluchy.....	9
Psychology methods.....	14
Understanding. The general concepts about the understanding.....	22
Feeling. The general concepts about feeling.....	52
Imagination. The general concepts about the imagination.....	66
Concepts.....	83
Types of thinking.....	87
Intellectual feelings.....	94
Abilities. The general concepts about types of abilities.....	98
Attention. The general concept about attention.....	105
Questions and tasks.....	132
Illustrative materials, examples of creative works of students.....	138
The used literature.....	140